УДК 372.853

СУЮҚЛИКЛАР ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ ИЗЧИЛЛИК

Ғ.Б.Саматов
Гулистон давлат университети
E- mail: gs0911@inbox.uz

Олий таълим муассасаларининг “Физика” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига умумий ва назарий физика курсларини ўқитишда физикани фан сифатида энг ривожланаётган ҳамда назарий ва амалий йўналишда ҳал қилиниши етарлича мураккаб бўлган соҳалари билан таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга, Фанни бундай ўқитиш физиканинг доимий ривожланиб бораётганлигини кўрсатиш билан бир қаторда талабаларнинг илмий дунёқарашини замонавий талаблар даражасида шакллантирилишига имконият яратади.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Ушбу мақоланинг тадқиқот объекти сифатида илмий-методик адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда сўнги йилларда чет элларда ва республикамизда суюқликлар хоссаларини ўрганишдаги изчилликка бағишланган илмий мақолалар ва адабиётлар танланган. Мақолани тайёрлашда илмий-методик таҳлил ва умумлаштириш методларидан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Суюқликлар физикаси, физиканинг сўнги йилларда назарий ва амалий йўналишларда кенг ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади, лекин олий таълим муассасаларида “Физика” таълим йўналишида ўқитиладиган умумий ва назарий физика курсларининг намунавий ўқув дастурлари ва шу дастурларга мос ёзилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг таҳлили суюқликлар физикаси бўлимини юқори илмий-методик талаблар даражасида ўрганилишига етарли даражада эътибор берилмаганлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш зарурки, умумий ва назарий физика курсларида асосан фазалар мувозанати ва биринчи, иккинчи тур фазавий ўтишларнинг термодинамик назариялари баён қилинади (Френкель, 2000).

Умумий ва назарий физика курслари етарли илмий-методик даражада ўқитилса, келгусида узлуксиз таълим тизимида физика ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган талабалар модда тузилиши, модданинг агрегат ҳолатлари ва уларнинг ўзгариши ҳамда бу ҳолатларда молекулаларнинг иссиқлик ҳаракати механизми ва ўзаро таъсирни чуқур ва яққол тасаввур қилишга ўрганади. Ҳозирги кунда, кўпчилик талабаларда юқоридаги тасаввурлар етарли даражада шакллантирилмаган. Юқоридаги фикрларни билдиришда, ҳозирги кунда ҳам суюқликлар назарияси тўла яратилмаганлигини ҳам эътиборга олиш керак. ОТМ ларнинг Физика таълим йўналишларида умумий ва назарий физика курсларида суюқликлар физикасининг тан олинган назариялари элементлари билан таништириш мақсадга мувофиқдир.

Суюқликларнинг статистик назариясини яратиш масаласи, уларнинг таркибидага зарраларнинг ҳаракати ва ўзаро таъсири билан кучли боғланган. Бу масалалар Гиббс статистикаси асосида олинган конфигурацион интегралнинг умумий ифодасига асосланиб ҳолат тенгламаси ва термодинамик функцияларни аниқлаш масаласига келтирилади. Маълумки моддаларнинг суюқ ҳолати моддаларнинг қаттиқ ва газ ҳолатлари оралиғида жойлашганлиги унинг статистик назариясини яратишда асосий қийинчиликларни туғдиради. Газлар ва қаттиқ жисмлар учун мукаммалроқ назариялари яратилган, лекин моддаларнинг суюқ ҳолати учун бу фикрни айтиш мураккаб.

Моддаларнинг суюқ ҳолати статистик физикаси иккита асосий йўналиш бўйича ривожланмоқда (Френкель, 2000):

1. Суюқликларнинг панжарали назарияси, у ўз навбатида икки йўналишда бўш ҳажмлар назарияси ва тешиклар назарияси сифатида ривожланмоқда;

2. Радиал тақсимот функциялари назарияси.

Биринчи йўналишда суюқлик таркибининг турли моделлари қўлланилади, асосий эътибор, суюқликни кристалл моддалар билан боғланишига қаратилади. Иккинчи йўналиш радиал тақсимот функцияларни қўллашга асосланган.

Суюқликлар қаттиқ жисмлар каби кам сиқилувчан яъни, уларда бўш сирт мавжуд. Суюқликлар худди газлар каби, тортишиш майдонида қўйилган идишнинг шаклини эгаллайди. Суюқликларнинг кам

сиқилувчанлик хоссаси, молекулаларнинг жуда кучли ўзаро таъсирлашишини кўрсатади, яъни молекулалар орасидаги масофанининг жуда кичик ўзгариши ҳам кучли итариш ёки тортишиш кучларини юзага келтириши мумкин.

Суюқликнинг хоссаларини ўрганишда, статистик ўртачаланган катталиклар, жумладан, зарраларнинг ўртача таъсир энергияси ва уларнинг иссиқлик ҳаракат ўртача энергияси, суюқлик зарраларини ўзаро ўртача жойлашиши ва шу каби тушунчалар ишлатилади. Шу асосда суюқликнинг статистик назарияси бўйича Френкель, Боголюбов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида физикани ўқитишда моддаларнинг суюқ ҳолатига тааллуқли эҳтимолий-статистик ғоя ва тушунчаларни изчиллик тамойили асосида киритиш, яъни ҳар бир босқичда мавзулараро изчиллик, сўнгра таълим босқичлари аро изчиллик талабларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, суюқликда зарраларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ мавзуларда изчилликни қараймиз.

Умумий ўрта таълим мактабларида 6 синфда зарраларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ дастлабки тушунчалар шакллантирилади, бу ерда зарралар орасида тортишиш ва итарилиш кучларининг мавжудлигига эътибор қаратиб, моддаларнинг агрегат ҳолатлари сифатий жиҳатдан тушунтирилиши зарур. АЛ ва КҲК лар физика курсида юқорида айтилган фикрлар ривожлантирилади, ўзаро таъсир зарралар орасидаги масофага боғланиш графиги кўрсатилади ўзаро таъсир масофага боғланган ҳолда таҳлил қилинади.

Умумий физика курсининг “Молекуляр физика” бўлимида молекулаларнинг ўзаро таъсири Ван-дер-Ваальс тенгламасига асосланиб, босим ва ҳажмга киритилган қўшимчалар киритилади, уларнинг тортишиш ва итариш кучлари билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратилади. Назарий физика курсида бу масала “Статистик физика ва термодинамика” курсида ўрганилади (Абдумаликов, Маматкулов, 2006). Суюқликлар назариясини ўрганишда зарраларнинг ўзаро таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳолат интегралини ҳисоблашда қийинчилик юзага келишига эътибор қаратилади. Ҳолат интегралини зарраларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ қисми бўлган конфигурацион интегрални ҳисоблаш учун ўзаро таъсир потенциал энергиясини аниқ билиш кераклиги таъкидланади. Буни эса фақатгина тахминий равишда, зарралар иккитадан яъни жуфт, учтадан ва ҳоказо бўлиб таъсирлашади деб қараб амалга ошириш мумкин. Барча ўзаро таъсирларни эътиборга олиш жуда мураккаб масаладир. Аммо жуфт ўзаро таъсирнигина ҳисобга олиб иш кўрилса, Ван-дер-Ваальс тенгламасига олиб келади. Шу билан бирга, бу тенгламадаги тузатмалар учун ўзаро таъсир потенциал энергия орқали ёзилган ифодалар топилади. Бошқача айтганда, бу курсда тузатмаларни зарраларнинг ўзаро таъсири билан боғланиши миқдор жиҳатдан кўрсатилиб, Ван-дер-Ваальс тенгламаси янада чуқурроқ таҳлил қилинади ва ўрганилади (Джораев, 1992, 2015; Френкель, 2000; Абдумаликов, Маматкулов, 2006).

Юқорида айтилган фикрларга асосан, зарраларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш, ўрта умумтаълим мактаб, АЛ ва КҲК ларда ва умумий физика курсларида сифат жиҳатдан, назарий физика курсида эса миқдор жиҳатдан ўрганилади.

Умумий физика курсида суюқликларнинг тузилиши ва таркибини ўрганишда Френкель тасаввурлари билан чекланиш кифоя қилади, корреляцион функциялар назариясини эса статистик физика ва термодинамика курсида баён қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Френкель назариясининг асосий ғоялари яққол ва талабаларга тушунарли бўлиб, осон ўзлаштирилади. Иккинчи томондан, уларнинг тайёргарлиги бу назарияни ўрганишга етарли бўлиб, бу фикрни корреляцион функцияларни умумий физика курсида ўрганишга нисбатан айта олмаймиз (Джораев, 2015).

Статистик назарияни суюқликларнинг хоссаларини ҳисоблашга татбиқ қилишда молекулалараро ўзаро таъсир билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келади. Шунинг учун ҳозиргача ҳам суюқликлар физикасида газ ёки қаттиқ жисмларга ўхшаш суюқлик моделларига асосланган тақрибий назариялар ишлатилади. Бундай моделлар, суюқликларда юз берадиган жараёнларни яққол тасаввур қилишга ва уларни математик ифодалашга имкон яратади. Газга ўхшаш моделлар суюқлик молекулаларини тартибсиз ҳаракатини эътиборга олса, қаттиқ жисмга ўхшаш моделлар эса у ёки бу даражада, суюқлик тартибида тартиблилик элементлари мавжудлигини ифодалайди. Шу сабабли, газга ўхшаш модел суюқлик хоссаларини критик соҳа яқинида, қаттиқ жисмга ўхшаши бўлса, қолган соҳаларда паст температураларда яхши ифодалайди.

Адабиётлар рўйхати:

Абдумаликов А.А., Маматкулов Р. Термодинамика ва статистик физика. – Т.: Ворис, 2006. – 148 б.
Френкель Я И. Кинетическая теория жидкостей. – Л.: Наука, 2000. – 498 с.

Джораев М. Физика ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т., 2015. - 256 б.
Джораев М. Вероятностно-статистические идеи в преподавании физики. Монография. – Т.: Фан, 1992. - 124 с.

Аннотация

СУЮҚЛИКЛАР ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ ИЗЧИЛЛИК

Ғ.Б.Саматов

Мақолада моддаларнинг суюқ ҳолати, суюқликлар физикасини узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида физика курсида ўқитиш масалалари қаралади. Таълим тизимининг турли босқичларида физика курсида суюқликларнинг асосий ҳоссаларини изчиллик асосида ўрганиш бўйича методик тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: Суюқлик, молекула, ўзаро таъсир, статистик назария, газ, қаттиқ жисм, жуфт ўзаро таъсир, изчиллик, Ван-дер –Ваальс тенгламаси.

Аннотация

ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ПРИ ИЗУЧЕНИИ СВОЙСТВ ЖИДКОСТЕЙ

Г.Б.Саматов

В статье рассматривается задачи преподавания жидких состояния тел, физика жидкостей в различных ступенях в системе непрерывного образования. Даны методические рекомендации по изучения основных свойств жидкостей в курсе физики в различных ступенях системы образования.

Ключевые слова: Жидкость, молекула, взаимодействие, статистическая теория, газ, твердое тело, парные взаимодействия, преемственность, уравнение Ван-дер-Ваальса.

Summary

CONTINUITY IN STUDYING THE PROPERTIES OF LIQUIDS

G.B.Samatov

The author of the article discusses the tasks of teaching liquid condistion of bodies, physics of liquids in different stages of continuing education system. The article presents methodological recommendations on learning main properties of liquids within the course of physics in different levels of education system.

Key words: liquid, molecule, interaction, statistic theory, gas, solid body, pairwise interaction, continuity, Van der Waals equation.

УДК 372.851.2

ЭЙЛЕР ТЕОРЕМАСИНИНГ БАЪЗИ ТАТБИҚЛАРИ

А.Ҳакимов[*], Ш.Шодиев[*], С.Х.Исликов[**]

[*]Навоий давлат педагогика институти, [**]Гулистон давлат университети

E-mail: s-islikov@inbox.uz

Бизга маълумки Эйлер теоремаси “Сонлар назарияси” нинг энг дастлабки асосий таянч теоремаларидан ҳисобланиб, бу теоремалар ёрдамида биринчи даражали таққосламалар ва индекслар воситасида n-даражали икки ҳадли таққосламаларнинг умумий ечимларини аниқлаш мумкин (Виноградов, 1974; Исроилов ва бошқалар, 1992).

Ушбу мақолада $\frac{a}{b}$ қисқармас касрнинг даври узунлиги хоналар сонини Эйлер функцияси ва теоремаси ёрдамида аниқлаш мумкинлиги ҳақида теоремалар келтирилиб, уларга оид амалий мисоллар келтирилади.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Эйлер теоремаси. $(a;m)=1$ бўлса, у ҳолда қуйидаги муносабат ўринли

$$a^{\varphi(m)} \equiv 1 (\mathrm{mod}\, m) \qquad (1)$$

бу ерда $\varphi(m)$ - Эйлер функцияси. Бу функция $0,1,2,3,...,m-1$ лар орасидан m билан ўзаро туб бўлган сонлар сонини аниқлайди. Тадқиқот ишида илмий-методик таҳлил ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Фараз қилайлик $(a;m)=1$, Эйлер теоремасига кўра (1) ўринли, энди (1) ни иккала томонини n даражага кўтарайлик:

$$a^{n\varphi(m)} \equiv 1(\mathrm{mod}\, m) \qquad (2)$$

(2) дан кўриниб турибдики, унинг ечимларини сони чексиз

$$a^{\delta} \equiv 1(\mathrm{mod}\, m) \qquad (3)$$

Таъриф. Агар (3) таққосламани қаноатлантирувчи δ ларнинг энг кичиги γ бўлса, у ҳолда *a* сони *m* модул бўйича γ кўрсаткичга тегишли дейилади.

1-теорема. Агар *a* сони *m* бўйича γ кўрсаткичга тегишли бўлса, у ҳолда $\gamma, \varphi(m)$ нинг бўлувчиларида фақат биттаси бўлади.

1-теорема ва Эйлер теоремаларини батафсил исботи (Виноградов, 1974) да келтирилган.

$\frac{a}{b}$, $(b;10)=1$ қисқармас каср берилган бўлсин. $\frac{a}{b}$ қисқармас касрнинг даври узунлиги, рақамлар сонини аниқлаш масаласини қарайлик.

2-теорема. $(b;10)=1$ ва 10 сонни *b* модул бўйича *k* кўрсатгичга тегишли бўлса, яъни $a^k \equiv 1(\mathrm{mod}\, b)$, у ҳолда $\frac{a}{b}$ нинг даври узунлиги такрорланувчи сонларни сони *k* га тенг.

2-теореманинг исботи 1-теоремадан келиб чиқади.

$\frac{1}{17}$ нинг даври узунлиги хоналар сонини аниқлайлик.

$10 = 17\cdot 0 + 10$
$100 = 17\cdot 5 + 15$
$150 = 17\cdot 8 + 14$
$140 = 17\cdot 8 + 4$
$40 = 17\cdot 2 + 6$
$60 = 17\cdot 3 + 9$
$90 = 17\cdot 5 + 5$
$50 = 17\cdot 2 + 16$
$160 = 17\cdot 9 + 7$
$70 = 17\cdot 4 + 2$
$20 = 17\cdot 1 + 3$
$30 = 17\cdot 1 + 13$
$130 = 17\cdot 7 + 11$
$110 = 17\cdot 6 + 8$
$80 = 17\cdot 4 + 12$
$120 = 17\cdot 7 + 1$

Демак, 10 сони 17 модул бўйича 16 кўрсатгичга тегишли, бу эса $\frac{1}{17}$ касрнинг давр узунлиги хоналар сони 16 га тенг

$$\frac{1}{17} = 0,(0588235294117647)$$

Бундан келиб чиқадики, юқоридаги алгоритмдан фойдаланиб $\frac{3}{17}$ нинг даври узунлигини ҳам аниқлаш мумкин:

$$\frac{3}{17} = 0,(1764705882352941).$$

3-теорема. $\frac{a}{b}$ қисқармас касрнинг *k* га кўпайтирганда ҳосил бўлган $\frac{ka}{b}$ каср давр узунлиги хоналар сони ўзгармайди. Бу ерда $(k;b)=1.$

Бу ердан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин.

$\frac{a}{b}$ соф даврий касрни даври узунлиги хоналар сони *a* га боғлиқ эмас экан. Агар $\frac{1}{b_1\cdot b_2\cdot \ldots \cdot b_m}$ даврий каср берилган бўлиб, унинг даври узунлиги хоналар сонини топиш талаб қилинган бўлса, юқоридаги усул ва жадвалдан фойдаланиш мумкин, лекин бу ерда жуда кўп ҳисоблаш ишларини бажаришга тўғри келади, бу эса етарлича вақт сарфлашни талаб қилади. Бу масалани қуйидаги теорема осонгина ҳал қилади.

4-теорема. Агар 10 сони b_1 модул бўйича k_1 кўрсатгичга тегишли, 10 сони b_2 модул бўйича k_2 кўрсатгичга тегишли,... 10 сони b_m модул бўйича k_m кўрсатгичга тегишли бўлса, у ҳолда 10 сони

$b_1 b_2 ... b_m$ модул бўйича k кўрсатгичга тегишли бўлади, бу ерда *k*-сони $k_1, k_2, ..., k_m$ сонларнинг ЭКУКи, $(b_i, b_j) = 1,\ i = \overline{1, m},\ j = \overline{1, m}, i \neq j,$ яъни $\frac{1}{b_1 \cdot b_2 \cdot ... \cdot b_m}$ нинг давр узунлиги хоналар сони k га тенг.

4-теореманинг исботи 1-теорема ва Евклид алгоритмининг хоссаларидан осон келиб чиқади.

4-теоремага оид амалий мисол келтирайлик.

$\frac{1}{3 \cdot 7 \cdot 17}$ соф даврий касрни давр узунлиги хоналар сонини аниқлайлик.

Юқоридаги алгоритмдан фойдалансак.

10 сони 3 модул бўйича 1 кўрсатгичга эга.

10 сони 7 модул бўйича 6 кўрсатгичга эга.

10 сони 17 модул бўйича 16 кўрсатгичга эга.

$k_1 = 1,\ k_2 = 6,\ k_3 = 16.$

$k = [1; 6; 16] = 16 \cdot 3 = 48$

бу ерда кўриниб турибдики, $\frac{1}{3 \cdot 7 \cdot 17}$ каср давр узунлиги хоналар сони 48 талиги келиб чиқади.

5-теорема. $\frac{a}{b}$ аралаш даврий касрнинг бутун қисмидан кейин келадиган такрорланмайдиган рақамлар хоналарининг сони $k = \max\{\alpha; \beta\}$ тенг.

Бу ерда $(a; b) = 1,\ b = 2^{\alpha} \cdot 5^{\beta} \cdot p,\ \ (p; 10) = 1.$

Адабиётлар рўйхати:

И.М.Виноградов. Основные теории чисел.- М., 1974. – 580 с.

М.Исроилов ва бошқалар. Сонлар назарияси асослари. -Т., 1992. . – 344 с.

Аннотация

ЭЙЛЕР ТЕОРЕМАСИНИНГ БАЪЗИ ТАТБИҚЛАРИ

А.Ҳакимов, Ш.Шодиев, С.Х.Исликов

Мақолада баъзи даврий касрлар учун Эйлер теоремасининг тадбиқлари учун ўрганилган маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: Эйлер теоремаси, Эйлер функцияси, даврий каср, давр узунлиги.

Аннотация

НЕКОТОРЫЕ ПРИМЕНЕНИЕ ТЕОРЕМА ЭЙЛЕРА

А.Хакимов, Ш.Шодиев, С.Х.Исликов

В этой статье изучены некоторые свойства периодичность дробей с применением теоремы Эйлера.

Ключевые слова: теорема Эйлера, функция Эйлера, периодичность дробей, длина периодичность.

Summary

ON SOME APPLICATIONS OF EULER'S THEOREM

A.Khakimov, Sh.Shodiev, S.Kh.Islikov

The article is devoted to the study of some properties of periodic fractions with the application of the Euler’s theorem.

Key words: Euler's Theorem, Euler's function, periodic fraction, length of the period.

УДК 371.3:372.8.002

ФУНКЦИЯЛАРНИНГ ГРАФИКЛАРИНИ ЯСАШДА MICROSOFT EXCEL ДАСТУРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Д.Э.Тоштемиров[*], К.Мамадалиев[**], А.А.Худойбердиев[***]

[*]Гулистон давлат университети, [**]Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти,

[***]Янгиер тиббиёт коллежи

E-mail: toshtemirov73@mail.ru

Математикада бир ёки бир нечта қийматни бошқа ўзгарувчига ўзлаштириш жарёнини ифодалашда функция тушунчаси қўлланилади. Компьютер технологияларида эса функция тушунчаси

формулалар асосида ишловчи тайёр ускуналар мажмуасидир. Улар мураккаб бўлган математик ва мантиқий амалларни бажаради. Математик функция устида кўплаб амаллар бажаришга мўлжалланган компьютер дастурлари яратилган. Шундай дастурлардан бири Microsoft компанияси томонидан ишлаб чиқилган Excel дастуридир.

Тадқиқотнинг мақсади функцияларнинг графикларини ясаш, шунингдек тенгламалар ва тенгламалар системасини график усулда ечишда Excel дастуридан фойдаланишнинг мазмун-моҳияти ва амалий методик тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ва қўлланиладиган методлар

Тадқиқот ишлари Гулистон давлат университети Ахборот технологиялари кафедраси базасида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида университетда Информатика ва ахборот технологиялари ўқув предметини ўқитиш жараёни олинди. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатиш, педагогик тажриба, тўпланган маълумотларни таққослаш ва илмий-методик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Excel дастурида функциялар ёрдамида қуйидаги ишларни бажариш имконини беради: формулаларни қисқартириш, формулалар бўйича бажариш имкони бўлмаган бошқа ҳисоб ишларини бажариш, айрим муҳаррирлик масалаларини ҳал қилишни тезлаштириш ва бошқалар.

Функциялар иштирок этган барча формулаларда оддий () қавслар ишлатилади. Қавс ичидаги маълумотлар аргументлар деб аталади. Функциялар қандай аргументлар ишлатилаётганлигига кўра бир-биридан фарқ қилади. Функциянинг турларига қараб улар қуйидагича ишлатилиши мумкин: аргументсиз; бир аргументли; қайд килинган чекланган аргументлар сони билан; номаълум сондаги аргументлар сони билан; шарт бўлмаган аргументлар билан (Арипов, Муҳаммадиев, 2004).

Функцияда аргументлар ишлатилмаса ҳам, бўш қавслар кўрсатилиши лозим. Масалан, = RAND (). Агар функцияда биттадан ортиқ аргумент ишлатилса, улар орасига нуқтали вергул (;) қўйилади. Формулаларга функцияни киритишнинг иккита усули мавжуд: клавиатура ёрдамида киритиш ва Excel даги «Мастер функций» (Функциялар устаси) пиктограммаси орқали киритиш.

Функцияни киритиш усулларидан бири клавиатурадан функция номи ва аргументлар рўйхатини киритишдан иборат. Excel да функцияни киритишда унинг номидаги белгиларни юқори регистрга ўзгартиради, чунки формула ва функцияларда кичиқ ҳарфлар ишлатиш мумкин. Агар дастур киритилган матнни юқори регистрга ўзгартирмаган бўлса, демак, у ёзувни функция деб қабул килмаган, яъни функция нотўғри киритилган бўлади.

Excelдаги «Мастер функций» (Функция устаси) функция ва унинг аргументини ярим автоматик тартибда киритишга имкон яратади.

«Мастер функций» (Функциялар устаси) ни қўллаш функциянинг ёзилиши ва унинг ҳамма аргументларини синтактик тўғри тартибда киритилишини таъминлайди. «Мастер функций» (Функциялар устаси) ни ишга тушириш учун стандарт ускуналар панелидаги пиктограммасини сичқонча кўрсаткичи билан танлаш лозим (Юлдашев, Боқиев, Зокирова, 2002; Ахмедов, Тайлоқов, 2001).

«Мастер функций» (Функциялар устаси) иккита мулоқот шаклидаги дарчасига эга. Категориялар дарчада 11 та турли хил соҳаларга тегишли бўлган функциялар категориялари берилган. Агар фойдаланувчининг махсус функциялари ҳам қўлланилса, бу категориялар сони ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Функциялар рўйхатидаги категориялардан бири танлаб олинса, мулоқот ойнасида шу функция категориясига тегишли функцияларнинг рўйхати чиқади. Руйхатлар дарчасида функциялардан бири танлаб олинса, аргументлар рўйхати билан фойдаланиш ҳақида қисқача маълумот пайдо бўлади. Бу жараён 1-расмда келтирилган.

«Мастер функций» (Функциялар устаси) билан ишлаш жараёнида қуйидаги тавсияномалардан фойдаланиш мумкин:

- Агар танланган функция ҳақида қўшимча маълумот олмоқчи бўлсангиз, унда сичқонча кўрсаткичи орқали «Справка» (Маълумот) тугмасини танланг;
- Янги функцияни киритишда «Мастер функций» (Функциялар устаси)дан фойдаланилса автоматик равишда қатор бошига «=» (тенг) белгисини қўяди;
- «Мастер функций» (Функциялар устаси)ни чақиришда ячейка бўш бўлмаса, унда ячейкадаги маълумотлар ўчириб ташланади;
- «Мастер функций» (Функциялар устаси)ни мавжуд бўлган формулага янги функцияни киритишда қўллаш мумкин. Бунинг учун формулани таҳрирлашда функция киритилиши керак бўлган

жойга курсорни қўйиш, кейин бу киритишни амалга ошириш учун «Мастер функций» (Функциялар устаси)ни ишга тушириш керак.



А) Б)

1-расм. Excelда функцияларнинг рўйхати. А)- инглизча вариант, Б) - русча вариант

Берилган функцияларнинг қийматларига мос графиклар яратиш учун Excel дастурида «Мастер диаграмм» (Диаграммалар устаси) хизматидан фойдаланилади. «Мастер диаграмм» (Диаграммалар устаси) хизмати орқали турли хил диаграммалар ҳосил қилиш мумкин (2-расм). «Мастер диаграмм» (диаграммалар устаси)ни ишга тушириш учун ускуналар панелида пиктограммаси сичқонча кўрсаткичи билан танлаш лозим.



2-расм. Excel дастурининг диаграммалар ҳосил қилиш ойнаси.

Диаграммалар турли ўлчам ва шаклларга эга бўлган графиклар ҳисобланади. Улар электрон жадвалларнинг ажралмас қисмидир. Диаграмма- сонли жадвал кўринишида берилган ахборотларни кўргазмали намойиш этиш усулидир.

Диаграммалар асосан сонлар билан иш юритади. Бунинг учун ишчи жадвал варағига бир неча сон киритилади, сўнг диаграмма тузишга киришилади. Одатда, диаграммалар учун фойдаланилаётган маълумотлар бир жойда жойлашган бўлади. Баъзи ҳолларда бир неча объектлар маълумотлари асосида диаграммалар ҳосил қилинади, яъни битта диаграмма учун маълумотларни кўп сонли ишчи варақлар ва ҳатто ишчи китоблардан ҳам олиши мумкин.

Excelда тузилган диаграммаларни жойлаштиришнинг икки хил варианти мавжуд: 1. Диаграммани варақнинг ички элементи сифатида бевосита варақка қўйиш (Бу диаграмма жорий қилинган диаграмма

деб аталади). 2. Ишчи китобнинг янги диаграммалар варағида диаграмма қўйиш. Диаграмма варағи ишчи китоб варағидан битта диаграммани сақлаши ва ячейкалари бўлмаганлиги билан фарқ қилади (Тоштемиров, 2007).

Агар диаграмма варағи фаоллаштирилса, унда Excel менюси у билан ишлаш учун мос холда ўзгаради. Диаграммани жойлаштириш усулларидан қатъий назар, диаграмма кўриш жараёнини бевосита бошқариш мумкин. Рангларни ўзгартириш, шкала масштабини ўзгартириш, тур (сетка) чизиқларига қўшимчалар киритиш ва бошқа элементларни қўллаш мумкин.

Excel диаграммаси ишчи жадвал варағининг маълумотлари билан бевосита боғлиқ. Ишчи жадвал варағидаги маълумотлар ўзгартирилса, тезда уларга боғлиқ бўлган диаграмма чизиқлари ўзгаради.

Диаграммаларнинг бир неча хил турлари мавжуд: чизиқли, доиравий, фазовий ва бошқалар. Excelда диаграммаларнинг ихтиёрий турини тузиш мумкин. Айрим диаграммалар жуда мураккаб шаклларни ҳам акс эттиради. Масалан, баргли, халқасимон ва бошқалар.

Диаграммалар ҳосил килингандан кейин у ўзгармас ҳолатда бўлмайди, балки ҳар доим унинг шаклини ўзгартириб туриш ва махсус Формат(бичим)лаш атрибутларини қўшиш, янги маълумотлар тўплами билан тўлдириш, мавжуд маълумотлар тўпламини бошқа диапазон ячейкалардан фойдаланадиган қилиб маълумотларни ўзгартириш мумкин.

Бошқа график объектлар каби диаграммаларни ҳам бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин. Унинг ўлчамларини, нисбатларини ўзгартириш, чегараларини тўғрилаш ва улар устида бошқа амалларни бажариш мумкин. Жорий қилинган диаграммага ўзгартиришлар киритиш учун сичқонча кўрсаткичининг чап тугмасини икки марта босиш керак бўлади. Бунда диаграммалар фаоллашиб, Excel менюси диаграммалар билан ишлаш учун керакли буйруқларни кўрсатади. Жорий килинган диаграммаларнинг асосий афзаллиги шундаки, уларни диаграмма тузиш учун фойдаланилган маълумотлар ёнига жойлаштириш мумкин. Алоҳида варақда жойлаштирилган диаграммалар бутун варақни эгаллайди. Агарда бир нечта диаграмма тузмоқчи бўлсангиз, унда ҳар бирини алоҳида варақларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Шунда варақдаги диаграммаларнинг «кўриниш даражаси» сақланади. Бундан ташқари, бу усул қурилган диаграммаларни тезда топиш имконини беради, чунки бу ҳолда диаграмма варағининг муқова ёрлиғига мос номлар бериш мумкин (Тоштемиров, 2007).

Excelда функциялар билан ишлаш, шунингдек, берилган функциянинг графигини яратиш масалаларини $f(x) = \sqrt[5]{x^2 \cdot (x+3)}$ функциянинг графигини ясаш мисолида кўриб чиқамиз:

Биринчи навбатда $f(x)$ функциянинг қийматларини аниқлаймиз. Бунинг учун Excel дастури ишчи ойнасида [A2:A22] ячейкаларга автотўлдириш (автозаполнения) (яъни, A2 ячейкага -5 рақамини киритиб, A3 ячейкага =F2+0,5 формула киритиб, [-5;5] оралиқда аргумент қиймати автоматик равишда ҳосил қилинади) хизмати ёрдамида функция аргументининг қийматларини киритамиз. Функция қийматини B2 ячейкага =(A2^2*(A2+3))^(1/3) кўринишдаги формула бўйича киритилади ва автотўлдириш хизмати ёрдамида аргуменга мос функция қиймати ҳосил қилинади(3-расм).



	A	B	C	D	E	F
1	x	f(x)				
2	-5	-3,68403				
3	-4,5	-3,12013				
4	-4	-2,51984				
5	-3,5	-1,82965				
6	-3	0				
7	-2,5	1,462009				
8	-2	1,587401				
9	-1,5	1,5				
10	-1	1,259921				
11	-0,5	0,854988				
12	0	0				
13	0,5	0,956466				
14	1	1,587401				
15	1,5	2,163374				
16	2	2,714418				
17	2,5	3,251479				
18	3	3,779763				
19	3,5	4,302126				
20	4	4,820285				
21	4,5	5,33534				
22	5	5,848035				
23						

3-расм. Қийматларни автотўлдириш орқали ҳосил қилиш.

Қийматлар ҳосил қилинганидан сўнг, жадвалдаги [A2:B22] диапазон ажратилади. Белгиланган ячейкалар ёрдамида берилган функциянинг графиги ҳосил қилинади. Бунинг учун «Мастер диаграмм» (Диаграммалар устаси) хизмати ишга туширилади. Натижа 4-расмдаги каби бўлади.



x	f(x)
-5	-3,68403
-4,5	-3,12013
-4	-2,51984
-3,5	-1,82965
-3	0
-2,5	1,462009
-2	1,587401
-1,5	1,5
-1	1,259921
-0,5	0,854988
0	0
0,5	0,956466
1	1,587401
1,5	2,163374
2	2,714418
2,5	3,251479
3	3,779763
3,5	4,302126
4	4,820285
4,5	5,33534
5	5,848035

4-расм. *f(x)* функциянинг графиги.

Функция графигини яратиш учун чизиқли ва нуқтали диаграммалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳосил қилинган график ажралиб туриши учун аргументлар ўзгариши оралиғини аниқлаш, чизиқ ва нуқталар қалинлигини ошириш, координата ўқларини ажратиш, сарлавҳаларни шакллантириш зарур (Тоштемиров, 2007).

Функциялар графигини ясаш маълум шартларга асосланса, ушбу шарт Excel дастурининг махсус функциялари ёрдамида жадвал ячейкаларида эълон қилинади.

Шартларга асосан функцияларнинг графигини ясаш масаласини қуйидаги функция асосида қараб чиқамиз:

Қуйида берилган функциянинг графигини 0,2 қадам билан x ∈ [-2; 2] оралиқда ясанг.

$$\rho(x) = \begin{cases} 1 + x + x^2, & x < 0; \\ \sqrt{1 + 2 * x}, & x \in [0; 1] \\ 2 * |0{,}5 + \sin(x)|, & x \geq 1 \end{cases}$$



x	p(x)
-2	3
-1,8	2,44
-1,6	1,96
-1,4	1,56
-1,2	1,24
-1	1
-0,8	0,84
-0,6	0,76
-0,4	0,76
-0,2	0,84
0	1
0,2	1,183216
0,4	1,341641
0,6	1,48324
0,8	1,612452
1	2,68294197
1,2	2,864078172
1,4	2,97089946
1,6	2,999147206
1,8	2,947695262
2	2,818594854

5-расм. *p*(x) функциянинг графиги.

Бу каби шартлар асосида берилган функциянинг графигини ясаш учун аргумент ва функция қийматлари Excel дастурининг махсус функциялари ёрдамида ҳосил қилинади. Шартлар ЕСЛИ функцияси ёрдамида берилади. A1 ячейкага x аргумент, A2 ячейкага аргументнинг қийматлари 0,2 қадам билан x ∈ [-2; 2] оралиқда автотўлдириш орқали ҳосил қилинади. Функция B1 ячейкага, унинг қийматлари B2 ячейкада қуйидаги формула орқали ҳосил қилинади:

= ЕСЛИ(A2<0; 1+A2+A2^2; ЕСЛИ(A2>=1; 2*ABS(0,5+SIN(A2)); КОРЕНЬ(1+2*A2)))

Бу формула асосида берилган функциянинг қийматлари ҳосил қилинади ва функциянинг графиги ясалади (5-расм).

Excel дастурида функциялар, арифметик амаллар ва улар орасидаги боғланишларнинг ифодаланиши Бейсик дастурлаш тили структурасига мос келади.

Хулоса. Функцияларнинг графикларини ясаш, шунингдек тенгламалар ва тенгламалар системасини график усулда ечишда Excel дастури алоҳида аҳамиятга эга. Excel дастури ёрдамида график ясаш ва тенгламаларни график усулда ечиш аниқлиги фан ва техникада жуда катта самара келтирмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

Арипов М., Муҳаммадиев Ж. Информатика, информацион технологиялар. – Тошкент: ТДЮИ. 2004. – 275 б.

Юлдашев У.Ю., Боқиев Р.Р., Зокирова Ф. М. Информатика. - Тошкент: Ғ.Ғулом, 2002. - 240 б.

Ахмедов А., Тайлоқов Н. Информатика. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 272 б.

Тоштемиров Д.Э. Информатика ва ахборот технологиялари. – Тошкент, 2007. - 216 б.

Аннотация

ФУНКЦИЯЛАРНИНГ ГРАФИКЛАРИНИ ЯСАШДА MICROSOFT EXCEL ДАСТУРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Д.Э.Тоштемиров, К.Мамадалиев, А.А.Худойбердиев

Мақолада функцияларнинг графикларини ясаш, шунингдек тенгламалар ва тенгламалар системасини график усулда ечишда Excel дастуридан фойдаланишнинг мазмун-моҳияти ва амалий методик тизими ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: функция, график, тенглама, тенгламалар системаси, график ясаш, график усулда ечиш.

Аннотация

ПРИМЕНЕНИЕ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ПРИЛОЖЕНИИ MICROSOFT EXCEL В СОЗДАНИИ ГРАФИКИ ФУНКЦИИ

Д.Э.Таштемиров, К.Мамадалиев, А.А.Худайбердиев

Статья посвящена обзору применении возможностей Excel в создании графиков функции, а также использование графических приемов в решении уравнении и систем уравнении.

Ключевые слова: функция, графика, уравнение, система уравнении, создание графиков, решение с графиками.

Summary

USING MICROSOFT EXCEL IN CREATING THE GRAPHICS OF FUNCTIONS

D.E. Tashtemirov, K. Mamadaliev, A.A.Hudayberdiev

The article is devoted to presenting the use of Morcosoft Excel in creating graphics of equations and their solving. The authors of the article also present the methodological system of applying excel graphs in the solution of equations and system of equations.

Key words: function, graphics, equation, system of equation, creating graphics, solving with the help of graphics.

Kimyo va kimyoviy texnologiya

УДК 546.73 : 543 (547.3)

KIMYOVIY DEDUKSIYA – KIMYOVIY TAFAKKUR OMILI

R.Sh.Berdiqulov
Toshkent davlat pedagogika universiteti
E-mail: uz_kimyo@rambler.ru

Ta’lim jarayonining natijasi o’zlashtirish, ichki va tashqi faoliyatni maqsadga muvofiq ravishda o’zgartirishdir. Ta’lim bir odamning boshqasiga bilim va ko’nikmalar berishidir. Bilim, ko’nikma va malakalar ta’lim jarayonining natijasidir. Bilimlarni o’zlashtirish jarayoni muammosi P.Ya.Galperin va N.F.Talizina tomonidan o’rganilgan (Талызина,1998). Ular aqliy hatti-harakatlarni bosqichma-bosqich shakllantirish nazariyasini ishlab chiqqanlar. Mualliflar aqliy hatti-harakatlarni moddiy xolda tashqi nutq yordamida hamda aqliy shaklda, fikrda namoyon bo’lishini izohlab berdilar. Aqliy hatti-harakatlarning birinchi bosqichi rasm, sxema, diagramma va shartli belgilar tarzida uz ifodasini topadi. Aqliy hatti-harakatlarning ikkinchi bosqichi ko’rgazmalardan olgan tasavvurlari to’g’risida o’quvchilarning ovoz chiqarib, fikr yuritishidan iboratdir. Uchinchi bosqich esa, sub’ekt ongida tasavvur, tushuncha, qonuniyat, xossa, xususiyat, operatsiya, usul tariqasida namoyon bo’ladi. Ma’lumki, o’quvchilarga taklif etiladigan axborotlar aql bovar qilmaydigan darajada tezlik bilan ko’payib bormokda. SHuningdek, ularning juda tez eskirib qolib, yangilashni taqozo etishi ham o’z-o’zidan ma’lum bo’lmoqda.

To’rtinchi bosqichda bajarilgan hatti-harakatlar ichki rejada ovoz chiqarilmay bajariladi.

Beshinchi bosqichda esa faoliyatni fikran bajarishga o’tiladi (Талызина,1998).

Bundan ravshan ko’rinib turibdiki, materialni asosan yodlab olish va xotirada saqlab qolishga asoslanadigan ta’lim xozirgi talablarga qisman javob bermoqda. O’quvchilarga hamisha yangilanib turadigan axborotni mustaqil ravishda o’zlashtirib borishga va o’qishni bitirib ketganidan keyin, kishiga jadal sur’atlar bilan o’sib borayotgan fan-texnika taraqqiyotidan orqada qolib ketmaslik imkoniyatini beradigan qobiliyatlar taraqqiyotini beruvchi tafakkur sifatlarini tarkib toptirishi muammosi birinchi uringa chikib bormokda. Ta’lim jarayonida o’zlashtirishning muvaffaqiyati quyidagilarga bog’liq (Raxmatullayev,Omonov, Mirkomilov, 2014):

1. Ta’lim mazmuniga.
2.O’quv rejalari, dasturlari, sifatli darsliklar va o’quv qo’llanmalarining mavjudligiga;
3. Ta’lim metodikalarini takomillashganligi;
4. O’qituvchi mahoratiga;
5. O’quvchining individual psixologik xususiyatlari.

Tadqiqotlar shuni ko’rsatadiki, turli individual tipologik xususiyatlarga ega o’quvchilar uchun ta’limning yagona qulay, optimal sharoitlarini yaratish mumkin emas. Ammo o’zlashtirishning samaradorligini oshirishda muammoli ta’lim, noan’anaviy ta’lim usullarini qo’llash muhim ahamiyatga egadir (Raxmatullayev,Omonov, Mirkomilov, 2014).

Ta’lim oluvchilarning ta’lim faoliyatiga ko’ra ta’limning quyidagicha metodlari ajratiladi:

1. Tushuntiruv-ko’rsatmalilik metodi - bu metod reproduktiv metod bo’lib, unda faoliyat o’qituvchi tomonidan olib boriladi. O’quvchilar ta’lim jarayonida bilim oladilar, tanishadilar.

Bu metod juda keng tarkalgan metodlardan biri bo’lib, uni takomillashtirilgan usullari mavjud, bu – plan-konspektli ta’limdir. Reproduktiv metodda o’quvchining faoliyati – berilayotgan bilimni qayta xotirada tiklab, olingan bilimni nusxa sifatida qabul qiladi.

2. Muammoli ta’lim metodi - o’qituvchi tomonidan tashkil etilib, u produktiv xarakterga egadir. Ushbu metod orqali o’quvchi bilim va malakalarini shakllantiradi. Ushbu metodning takomillashtirish yo’llaridan biri ishchan o’yinlarni tashkil etishdan iboratdir.

3. Qisman izlanish metodi. O’qituvchi nazorati ostida tashkil etiladigan metod bo’lib, u produktiv xarakterga ega, bunda o’quvchi ijod qiladi.

4. Tadqiqot metodi. O’qituvchi ilmi yordamisiz tashkil etiladigan ta’lim metodi bo’lib, u o’quvchining mustaqil izlanishi, fikrlashi va bilimlar deduktiv tafakkur talab etadi.

"Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da ta’lim jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarni kiritish ta’kidlanadi. Pedagogik texnologiya - bu ta’lim jarayoniga sistemali yondashuv bo’lib, unda ta’lim jarayonining tashkil etishda texnika va inson imkoniyatlari hisobga olinadi va ularning o’zaro munosabati ta’limning optimal formalari yaratilishiga zamin bo’ladi (Raxmatullaev,Omonov, Mirkomilov, 2014).

Pedagogik texnologiyalarni quyidagi tarkibiy qismlarga bo'lish mumkin;

- Ta'lim-tarbiya ishtirokchilari shaxsiga qo'yiladigan ijtimoiy talablar;
- Xamkorlik faoliyati a'zolarining kasbiy tayyorgarligi;
- Ta'lim jarayoning maqsadi, mazmuni, mohiyati, amalga oshirish vositalari;
- Ta'lim jarayonini differentsiatsiyalashtirish;
- Ijodiylik.

O'quvchini mustaqil ta'lim olishga o'z-o'zini rivojlantirishga tayyorlash bugungi kun o'quv maskanlarining asosiy vazifasidir.

Ta'lim jarayonida o'quvchining mustaqil ta'lim olishini faollashtirish zarur. Mustaqil ta'lim masalaning qo'yilishi, yechish, o'z-o'zini nazorat va baholashning yo'llarini o'quvchi tomonidan tanlanishi va bajarilishi bilan xarakterlanadi.

O'quvchilarda mantiqiy tafakkurni rivojlantirish uchun fikrlash xususiyatlarini shakllantirish zarur. Fikrlash operatsiyalari asosida dars jarayoni faollashtiriladi. Bu o'qituvchining: «Nima uchun?», «Qanday maqsadda?», «Sabablari qanday?», «Natija nima uchun shunday bo'ldi?» singari savollarning muhokamasi orqali amalga oshirilishi mumkin. O'qituvchilarni evristik, muammoli vaziyatlarga tortish, tanqid, gumon holatlarini muhokama qilish, ulardagi muammolarni mustaqil xolda topish va ularni yechish uchun o'z loyixalarini tuzish va himoya qilish o'quvchilar tafakkurining ma'nodor va unumdor bo'lishiga xizmat qiladi.

Demokratik jamiyatda shaxs, umuman har bir inson erkin fikrlaydigan etib tarbiyalanadi. Agar o'quvchi, talabalar erkin fikrlashni o'rganmasa, berilgan ta'lim samarasi past bo'ladi. Albatta, bilim kerak, ammo, bilimni o'z o'rnida qo'llay olish, mustaqil fikrlash, yangi vaziyatda to'g'ri qaror qabul qilish ham katta boylik.

Xozirgi zamon o'quv muassasalarining vazifasi yosh avlodni mustaqil fikrlashga o'rgatishdir. Albatta, fikrlashda ham individual farqlar mavjud. Fikrlashni bilish - bu insonning aqlidir.

Aqlning quyidagi sifatlarini ajratish mumkin:

1. Mazmundorlik (boyligi, chuqurligi, hukmga boyligi).
2. Fikrlashning kengligi (keng va tor) va chuqurligi, nazariya va amaliyotning uzviyligiga bog'liqdir. Amaliyot, hukmning to'g'riligi mezonidir.
3. Fikrlashning mustaqilligi - umumiy tajribani qo'llay olish, shaxsiy fikrga ega bo'lishi, tajribaga munosabat bildirish.
4. Aqlning tashabbuskorligi.
5. Aqlning egiluvchanligi, vazifani standart yechishdan qochish.
6. Aqlning tanqidiyligi, uz ishini aniq baholay olish, uni o'lchash.
7. Aqlning maxsuldorligi.
8. Fikrning ketma-ketligi.
9. Tafakkurning tezligi.

Aql haqida ayrim olimlar va arboblarning fikrlari keltirilgan. "Ulug' aql egalari o'z oldilariga maqsad qo'yadilar, qolgan odamlar o'z istaklari ortidan ergashadilar" (Vashington Irving).

Yuqorida aytib o'tilgan barcha sifatlar yosh o'zgargan sari o'zgarib boradi. Ijodiy ishda fikrlashning mustaqilligi va tanqidiyligi zarur bo'lib, u aqliy faoliyatning produktivligini ta'minlaydi.

Ijodiy layoqatni rivojlantirish, o'quvchilarda tasavvurni shakllantirish – zamonaviy ta'limning asosiy vazifalaridan biri xisoblanadi.

Tadqiqot ob'ekti va qo'llanilgan metodlar

Kimyoda deduktiv xulosalash. Kimyoviy bilimlarni orttirish uchun xizmat qiluvchi kimyoviy deduktiv xulosalash o'quvchilarni kimyoga qiziqtirish, kimyoning chuqur falsafiy qarashlari tomon yetaklash, o'quvchilarda ularni qiziqtirgan savol yuzasidan iloji boricha ko'proq o'rganish istagini uyg'otish, o'qish davrida ilmiy ommabop adabiyotlarni qo'llash maqsadida vujudga keldi.

Kimyoviy deduktiv xulosa chiqarish – o'quvchilar bilimini nazorat qilishning yozma-og'zaki shakli sifatida qo'llanilishi mumkin. Kimyoviy deduksiya o'tkazishda o'quvchilarning fikrlash faoliyati faollashtiriladi, mustaqil ravishda fanning xususiy xolatlari eslanadi va mustaxkamlanadi. Kimyoviy deduksiya o'rganilayotgan mavzuni qo'shimcha ma'lumotlar bilan to'ldirib, kimyoviy bilimlarni kundalik xayotda, ishlab chiqarishda, meditsinada, qishloq xo'jaligida qo'llanilishini tushunishga yordam beradi. Kimyoviy deduksiya fanning xayot bilan bog'liqligini ta'minlab, fanlararo bog'liqlikni amalga oshiradi, dunyoqarashni shakllantiradi, fanni o'rganish motivatsiyasini kuchaytiradi.

Kimyoviy deduksiya nafaqat o'quvchilar bilimini nazorat qilish usuli, balki, o'rgatuvchi funktsiyani xam bajaradi: mavzu yuzasidan fikrlab yozib bo'lib o'z-o'zini nazorat qilish, bir-birini nazorat qilish yoki bajarilgan

topshiriqning muxokamasini tashkil qilish mumkin. Kimyoviy deduksiyaning bajarilishi uchun ayni mavzu yuzasidan multimediali prezentatsiyadan xam foydalanish mumkin.

Kimyoviy deduktiv fikrlar tarkibida qiziqarli metariallar bo'lib, bo'lim yoki bir necha bo'limlarni qamrab oladi.

Kimyoviy deduksiyani o'tkazish usulini o'qituvchi auditoriyaning sharoiti, o'quvchilarning soni va vaqt taqsimotiga qarab turlicha tashkil qilishi mumkin.

Quyida kimyoviy deduksiyani o'tkazish uchun misollar keltiramiz.

1) Organik kimyodan "Uglevodorodlar" mavzusi.

Bunda "Alkanlar", "Alkenlar", "TSikloalkanlar", "Dien uglevodorodlar", "Alkinlar" mavzulari o'tilgandan so'ng amalga oshiriladi. Bu metod yuqoridagi mavzular yuzasidan o'quvchilarning egallagan bilimlarini tekshirishning yaxshi usullaridan xisoblanib, organik kimyoning "Gomologlar" va "Izomerlar" kabi muxim tushunchalarini mustaxkamlashga yordam beradi.

Kimyoviy deduksiya bir o'quv mashg'ulotida o'tkazishga mo'ljallangan va organik kimyoning uglevodorodlar bo'limi bilimlarini umumlashtirish maqsad qilib olingan. Kimyoviy deduksiyani o'tkazishda individual yoki juftlikda ishlashni tashkil qilish mumkin.

O'quvchilar "Uglevodorodlar" mavzularining asosiy tushunchalarini ustun shaklida yozib olishadi. O'qituvchi u yoki bu tushunchaga tegishli bo'lgan ma'lumotlarni o'qiy boshlaydi. O'quvchilar esa bir vaqtning o'zida xar bir o'qilgan ma'lumotni qaysi tushunchaga tegishli bo'lsa, o'shaning to'g'risiga raqamini qo'yib boradilar. Fikrlash so'nggida o'quvchilar o'z javoblarini to'g'ri javob bilan solishtirib o'z-o'zlarini nazorat qilib olishadi.

- Alkanlar(2, 5, 16)
- Alkenlar(3, 8, 9, 10)
- Alkinlar (3, 6, 9, 10, 13, 14)
- Dien uglevodorodlar(3, 8, 10, 11, 14)
- TSikloalkanlar (3, 7, 15)
- Izomerlar (1, 12)
- Gomologlar (4)

Savollar:

1. Tarkibi bir xil, tuzilishi va kimyoviy xossalari bilan farq qiluvchi moddalar (izomerlar)
2. Bu uglevodorodlarni boshqacha nomi parafinlar (alkanlar)
3. Bu uglevodorodlarga birikish reaktsiyalari xos (alken, alkin, tsikloalkan, dienlar)
4. Kimyoviy xossalari o'xshash, tarkibi bo'yicha o'zaro bir yoki bir necha CH_2 guruxga farq qiluvchi moddalar (gomologlar)
5. Bu qatorning bir vakilini botqoq gazi deb atashadi, chunki u botqoq tubidan chiqib turadi (metan – alkanlar)
6. Kucherov reaktsiyasini o'tkazish uchun muxim modda. Qaysi ugvodorodlar qatoriga mansub? (atsetilen – alkinlar)
7. Yopiq zanjirga ega bo'lgan to'yingan uglevodorodlar (tsikloalkanlar)
8. Bu uglevodorodlarga sp^2 gibridlanish xos (alken, dienlar)
9. Bromli suvni rangsizlantiruvchi uglevodorodlar (alken, alkin)
10. Polimerlanish reaktsiyasiga kirishuvchi uglevodorodlar (alken, dien, alkinlar)
11. Bu uglevodorodlarning xosilalari kauchuk olish uchun asosiy xom-ashyo sifatida ishlatiladi. (dienlar)
12. Butin va butadienlar o'zaro ..... xisoblanishadi. (izomerlar)
13. Bu moddani ikki xil usulda olish mumkin, shulardan biri karbidli usul. U qaysi qatorga mansub (atsetilen – alkinlar)
14. Bu uglevodorodlarning tuzilishida 2 ta π bog'lanish mavjud (alkin, dienlar)
15. Bu uglevodorodlarning boshqacha nomi naftenlar (tsikloalkanlar)
16. Bu uglevodorodlarning umumiy formulasi C_nH_{2n+2} (alkan)

2) "Anorganik birikmalar asosiy sinflari bilimlarini umumlashtirish" bo'yicha kimyoviy deduksiya

"Anorganik birikmalarning asosiy sinflari" mavzusini o'tib bo'lingandan so'ng, oksidlar, kislotalar, asoslar, tuzlarning xossalari bilimlarini nazorat qilish maqsadida kimyoviy deduksiya o'tkaziladi. Bu usul yordamida o'quvchilar muxim sinflarning formulalarini osonlik bilan farqlash ko'nikmalari rivojlanishi bilan birga mazkur mavzu bilimlarini mustaxkamlanadi.

- Oksidlar (2,3,5,12,13,15)

- Asoslar(4,7)
- Kislotalar(6,14)
- Tuzlar(1,3,9,11)
- Ishqorlar(4,7,8)

Savollar:

1. Bu guruh vakilini juda ko'p xollarda oziq-ovqat tayyorlashda ishlatiladi va osh tuzi nomi bilan yuritiladi(tuzlar)
2. Bu moddalar oddiy moddalarning yonishidan xosil bo'ladi(oksidlar)
3. Kislota va asosning reaktsiyasidan xosil bo'lgan moddalar .....sinflarga mansub bo'ladi.(oksidlar-H_2O, tuzlar)
4. O'yuvchi kaliy shu sinfga mansub(asoslari, ishqorlar)
5. Ular kislotali, asosli, amfoter, ba'zi xolda indeferent bo'lishi mumkin.(oksidlar)
6. SO_3 ni suvda eritilganda shu sinfga mansub birikma xosil bo'ladi(kislota)
7. Bu birikmalar metall atomi va gidroksil guruxidan iborat(asoslar, ishqorlar)
8. Suvda eruvchi asoslar shunday ataladi (ishqorlar)
9. Bu birikmalar 5 ta guruhga bo'linadi (o'rta, nordon, asosli, qo'sh, kompleks) (tuzlar)
10. Kundalik hayotda bu sinf vakilini "soda" deb nomlashadi. (tuzlar)
11. Metall atomi va kislota qoldig'idan iborat birikmalar shu nom bilan atashadi. (tuzlar)
12. Umumiy formulasi R_nO_m bo'lgan birikmalarni shu nom bilan atashadi.(oksidlar)
13. Suvda erimaydigan asoslarning parchalanishida shu sinf birikmalari hosil bo'ladi (oksidlar)
14. Bu birikmalar bilan hamma metallar ham reaktsiyaga kirishavermaydi, metallarning aktivlik qatorida vodoroddan chapda turgan metallar ulardan vodorodni siqib chiqarishi mumkin. (kislotalar)
15. Bu birikmalarni vodorod bilan qaytarish natijasida toza metall olish mumkin. (oksidlar)

Olingan natijalar va ularning tahlili

Eksperiment va uning natijalari. Eksperimental sinov Nizomiy nomidagi TDPU Tabiiy fanlar fakulteti Kimyo o'qitish metodikasi ta'lim yo'nalishi 2 kurs talabalarining "Anorganik kimyo" kursi, Pedagogik kadrlarning malakasini oshirish va qayta tayyorlash kursi tinglovchilarining "Kimyo fanining dolzarb masalalari" kurslarida o'tkazildi.

Birinchi tajriba sinovni o'tkazishda guruh talabalarining (2015-2016 o'quv yillaridagi)1 kursda o'zlashtirish ko'rsatkichi asosida o'rtacha bilim ko'rsatkichlari tenglashtirib, ikki guruhga bo'lingan holda olib borildi. Bilim darajasini o'rganish va o'rtacha qilib belgilash uchun, 1 kursdagi anorganik kimyo, fizika, kimyodan xavfsizlik texnikasi, umumiy psixologiya fanlarining qaydnomalari asos qilib olindi.



1-rasm. Guruhlar sinovi

Bu yerda ordinataga 100 ballik tizimda guruhlarning o'rta hisobdagi ballari keltirilgan bo'lsa, abtsissada 2015-2016 o'quv yilidagi sinov uchun tanlab olingan shu guruhlarning fanlari keltirilgan. Tanlangan har bir fan kesimida birinchi ustunda 101 KO'M, ikkinchi ustunda 102 KO'M yo'nalishlarining o'rtacha ballari keltirilgan. "Kimyodan xavfsizlik texnikasi" va "Umumiy psixologiya" fanlari 2015-2016 o'quv yilining 1 semestridan, "Anorganik kimyo" va "Fizika" fanlari ikkinchi semestrdan tanlab olingan.

Sinov natijasi tahlil qilinganda guruhlarning o'rtacha o'zlashtirish ko'rsatkichlari bir-biriga yaqinligi aniqlandi. Talabalarning bilim darajasiga individual yondashilgan holda, talabalar eksperiment uchun qayta guruhlandi hamda nazorat (N1) va eksperimental (N2) etib nomlab olindi. So'ngra, anorganik va organik kimyo bo'yicha test sinovi o'tkazildi. Sinov natijalari quyidagicha ko'rinishni aks ettirdi.



2-rasm. Pedagogik eksperiment uchun sinov

Qayta guruhlangan talabalarda 2016-2017 o'quv yilida o'qitiladigan "Anorganik kimyo" va "Organik kimyo" fanlaridan qayta sinov o'tkazildi. 2-rasmda ordinata va abtsissa o'qlariga mos holda 100 ballik tizimda o'rtacha to'plangan ball va fanlar keltirildi. Tahlil natijasi guruhlardagi o'rtacha ballarni o'zaro ayni muvofiq kelishini ko'rsatmoqda.

2016 yilning noyabr–dekabr oyi davomida haftada bir marta eksperimental guruhda kimyoviy deduksiya o'tkazildi. Nazorat guruhida formulalarni yodlab kelish topshirig'i berib borildi.

2017 yil yanvar oyida eksperimental sinov og'zaki savol-javob, suxbat tarzida o'tkazildi. Har bir savolga berilgan javoblar to'g'riligini tekshirish bilan birga talabalarning fikrlashi, nutqi, faolligi kuzatib borildi va 100 ballik tizimda baholandi. Natijada eksperimental guruh (N2) talabalarining mantiqiy fikrlashi, deduktiv dunyoqarashi, kimyoviy tafakkuri nazorat (N1) dan yaxshiroq rivojlanganligini ko'rsatdi.



3-rasm. Tajriba-sinovdan keyingi so'rov natijalari

3-rasmda ordinatada foiz, abtsissada kriteriyalar keltirilgan. Diagrammada o'tkazilgan pedagogik tajriba-sinovning kuzatish, tahliliy, taqqoslash metodlariga asoslangan holdagi guruhlarning o'rtacha foiz ko'rsatkichlari keltirilgan. Bunda talabalarning darsdagi faolligi, nutq ravonligi, fikr tiniqligi kuzatuv asosidagi o'rtacha foiz hisobida, javob to'g'riligi esa tahliliy va taqqoslash metodlari asosida o'rtacha foiz hisobida keltirilgan. Bu kriteriylarning eng asosiysi sifatida javobni to'g'ri belgilash va optimal qaror chiqarish deb belgilab olingan bo'lsa, keyingi o'rinlarda fikr tiniqligi, darsdagi faollik va nutq ravonligi qilib belgilandi.

Ikkinchi tajriba sinov malaka oshirish kursi tinglovchilarining “Kimyo fanining dolzarb masalalari” o’quv kursida o’tkazildi. SHaxsiy xayrixoxlik bilan tanlangan tinglovchilarida Kimyoviy deduksiya o’tkazilgandan so’ng ularning fikrlari anketa yordamida aniqlandi.



4-rasm. Malaka oshirish kursi tinglovchilaridagi so’rov natijalari

Bu diagrramadagi ordinata o’qiga tinglovchilar soni, abtsissa o’qiga esa o’tgan ikki yil davomida Nizomiy nomidagi TDPU PKQT va MO institutiga kelgan tinglovchilar guruhlari (mos holda: 1-ustun ijobiy, 2-ustun salbiy, 3-ustun betaraflar, 4-ustun jami qatnashuvchilar soni) keltirilgan. Bu tajriba sinov kimyo o’qituvchilarida o’tkazilganligi uchun ulardan olingan so’rov fikri uch guruhga ajratildi: ijobiy, salbiy va betaraf. Tinglovchilarning fikri avvalgi sinovdagi 4 ta kriteriy bo’yicha aniqlandi: darsdagi faollik, nutq ravonligi va o’quvchilarning to’g’ri qaror chiqarishga o’rgatish. Tinglovchilar fikri tahlil natijasiga ko’ra ijobiy fikr bildirganlari soni ko’pchilikni tashkil qildi.

Eksperiment natijalari bo’yicha tinglovchilarning asosiy qismi kimyoviy deduksiyalarni o’tkazish ijobiy natijalar berishini ta’kidlab o’tishgan.

Bu kabi fikrlash usuli o’quvchi va talabalar tomonidan cheklanmagan ravishda kurs mobaynida takrorlanishi mumkin. Har safargi tafakkur o’yinida (bu usulni shunday atash ham mumkin bo’lar) savollar va tushunchalar takomillashtirib borilganda o’quvchilarning anorganik birikmalar sinflari to’g’risidagi tushuncha va bilimlari yanada mustahkamlanib, kursning boshqa mavzulari bilimlarini egallashda yordam beradi. Kimyoviy deduksiya natijalari o’quvchilar ishtirokida tekshirilib, xatolarni tuzatib borish, noaniqliklarga izoh berib borish tavsiya qilinadi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

Зоминсув дарёсининг ўнг соҳили адирларда Чўнқайма, Қоратош, Туркман қишлоқлари атрофида ва Қоплантоғ (1320 м) этакларида қилтиқзор, қўнғирбошзор, рангзорлар орасида сўғд шувоқзори жамоалари тарқалган, уларнинг ҳозирги ҳолати аниқланиб, бу формациянинг тарқалган майдонлари лалми экинзорларнинг кенгайиши натижасида камайиб бормоқда. Сўғд шувоқзорлари таркибида *Poa bulbosa, Carex pachystylis, Phlomis thapsoides, Cullen drupacea, Taeniatherum crinitum* кабиларнинг доимий иштироки уларнинг бир хил тупроқ типи ва иқлим шароитга мослашганлиги сабабли, адир

минтақасининг доимий иштирокчиларидир. Улар асосий яйлов типларини ҳосил қилувчи турлар бўлиб ҳисобланади.

Р.С. Верник, Т. Рахимовалар (1982) Наманган вилояти "Янгиқўрғон тумани яйловлар харитаси" нинг изоҳида сўғд шувоқзорларининг йил фаслларидаги ҳосилдорлигини аниқлашиб, энг яхши кўрсаткич ёз ва куз фаслларига тўғри келишини қайд этишган.

Шувоқзорларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг оптимал йўллари, яъни уларнинг биоэкологик, ем-хашаклик хусусиятларини ҳисобга олиб, уларда бошоқли ўсимликлар, шўралар уруғини экиш яхши натижалар беришини, ҳосилдорлигининг 5-6 марта табиий яйловлардан кўпроқ бўлишини қайд этишган (Саидов Д.К. ва бошқ 1975).

Сўғд шувоқзори формациясида қуйидаги ассоциациялар ажратилди: эфемерли-қўзиқулоқли-сўғдшувоқзори; бегона ўтли-эфемерли-сўғд шувоқзори; шўрали-йирик ўтли-эфемероидли-сўғдшувоқзори.

Эфемерли–қўзиқулоқли–сўғдшувоқзори ассоциацияси Зоминсув дарёсининг чап соҳилида денгиз сатҳидан 1200 м баландликда типик тўқ бўз тупроқда тарқалган. Биринчи ярусни ташкил этувчи *Artemisia sogdiana* (30-40 см) билан бирга *A. ferganensis* ҳам (40-45 см) иштирок этади. Бирмунча сернам жойларда буталардан *Amygdalus spinosissima* (sol) ажралиб туради. Кўп йиллик ўсимликлардан *Alhagi pseudalhagi, Phlomis thapsoides, Cousinia resinosa* эфемероидлардан, *Carex pachystylis, Poa bulbosa* эфемерлар қаватининг асосини *Bromus danthoniae, Trigonella geminiflora, Taeniatherum crinitum, Astragalus filicaulis, Koelpinia linearis, Anisantha tectorum, Eremopyron buonapartis, Malcolmia africana* ташкил қилади. Ассоциация учун икки хил аспект характерли. Баҳорда эфемерлар иштирокида оч яшил ва ёзда улар қуригандан кейин шувоқларнинг бир хил тусли кулранг аспектлар ўзаро алмашинади. Йиллик ёғин миқдори ноқулай келган 2009 йилда (120-170 мм) эфемерлар суст ривожланганлиги туфайли баҳорги аспектни ҳам асосан шувоқ турлари ташкил қилган. Ўсимликлар қопламининг даражаси 50-60% ни ташкил қилади.

Бегона ўтли–эфемерли–сўғд шувоқзорлари ҳам асосан Зомин сув омбори шарқий ёнбағирликларидаги юқори адирда типик бўз тупроқда денгиз сатҳидан 1200 м баландликни эгаллайди. Бегона ўтлардан *Phlomis thapsoides, Cullen drupacea, Eremurus sogdianus, Acroptilon repens* юқори ярусни ташкил этади. Қопланиш даражаси 40-50%. Намлик кўпроқ бўлгани учун, бу синузия таркибида оқ шувоқ (*Artemisia ferganensis*, sp_2) ҳам иштирок этади.

Шўрали–йирик ўтли–эфмероидли–сўғд шувоқзорлари ассоциацияси юқоридаги келтирилган ассоциациялардан таркибида бир йиллик шўраларнинг *Gamanthus gamocarpus, Salsola sclerantha* учрашидан (sp_2) ҳамда турлар таркибининг кўплигидан фарқ қилади. Ассоциация асосан Бешкуби қишлоғидан 2-3 км шимоли-шарқий ёнбағирликларда (700 м) типик бўз тупроқли адир ерларида кенг тарқалган. Бундан ташқари, адирларнинг асосий компоненти *Carex pachystylis* ва *Poa bulbosa* фитоценотик аҳамиятининг юқорилигини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Ўт ўсимликлар ва эфемерлар қопламнинг асосини ташкил қилади.

Адирларда сўғди шувоқзоридан ташқари фарғона (оқ шувоқ) шувоғи ҳам жамоалар ташкил қилиб, ўзига хос ландшафт ҳосил қилади. Бунга асосий сабаб антропоген омиллар: сув омбори, қўриқхоналар ташкил қилиниб, ташқи муҳитга таъсири натижасида *Artemisia ferganensis* кўпайган.

Фарғона шувоқзорларининг таркиби, тузилиши ҳам адир минтақасининг тупроқ, иқлим шароитига мослашган, кенг тарқалган формациялардан биридир. Бу шувоқзорнинг таркиби сўғди шувоқзор таркибига ўхшашдир. Бу формация Тоғтерак қишлоғи атрофининг тепа қисмида, Ўриклисойнинг ўнг соҳилида Зоминсув сув омборининг ҳар иккала ёнбағридаги адирликларда денгиз сатҳидан 1000-1500 м баландликкача тарқалган. Формация таркибида 2 ассоциация ажратилди: эфемерли-аралаш ўтли-фарғона шувоқзори, ширачли-мавракли-фарғона шувоқзори.

Эфемерли–аралаш ўтли–фарғона шувоқзори ассоциацияси денгиз сатҳидан 1200-1300 м баландликдаги адирларда, йирик тошли ва майда тош шағалли, қорамтир бўз тупроқларда шаклланган. Жамоа Ўриклисойнинг ўнг соҳили Тоғтерак қишлоғи яқинидан 1,5 км шимолда тасвирланган. Қоплам таркибида *Ephedra equisetina* (sol-sp_1), *Cerasus erythrocarpa* (sol) сийрак бўлгани учун алоҳида ярусни ҳосил қилмайди. Юқори ярусни *Artemisia ferganensis* ҳосил қилади. Шувоқлар орасида *Perovskia angustifolia, Rumex syriacus, Verbascum songoricum* туплари (sol-sp_1) учраб туради. Қуйи яруснинг асосини эфемерлар ташкил этади. Ассоциация ривожланиб бораётган иккиламчи жамоалар қаторига киради. У асосан сувга (намга) ва аҳоли пунктлари яқинида, сув омбори қурилгандан сўнг фарғона шувоқлар жамоалари шакиллана бошлаган. Ассоциация таркиби 30 турдан

иборат бўлиб, қопланиш даражаси 50-60%.

Ш и р а ч л и – м а в р а к л и – ф а р ғ о н а ш у в о қ з о р и ассоциацияси майдонлари Тоғтерак қишлоғининг юқори қисми тош шағалли тўқ бўз тупроқларда, шимолий-ғарбий ёнбағирларда учрайди. Жамоалар икки ярусли. *Eremurus olgae, Verbascum songoricum, Salvia sclarea, Artemisia ferganensis* лар биринчи ярусни ҳосил қиладилар. Майдончадан ташқарида, ёнбағирликларнинг пастки қисмида *Perovskia angustifolia* ҳам анча зич жойлашган. Шунингдек, *Cousinia radians, Alhagi pseudalhagi, Rumex syriacus, Mentha asiatica, Cynodon dactylon, Achillea bibersteinii* сингари ўтлар ҳам кўплаб қайд этилган. Қуйи ярусни *Bromus oxyodon, Trigonella grandiflora, Lappula microcarpa* ва бошқа турлар ҳосил қилади.

Бундан ташқари, ҳавзанинг юқори адир қисмида ингичкабаргли шувоқзор формацияси ҳам ажратилди. Бу формацияни П.Қ. Зокиров (1989) адир дашти *Imioreophyta* (*Adyrophyta*) эдафотипига киритган. Формация таркибида қуйидаги ассоциациялар қайд этилди: эфемерли-аралаш ўтли-ингичкабаргли шувоқзор, буғдойиқли-ингичкабаргли шувоқзор, бутали-буғдойиқли-ингичкабаргли шувоқзор, баланд ва бошоқ ўтли-бутали-ингичка баргли шувоқзор. Ингичкабаргли шувоқ нафақат юқори адирда кенг тарқалиб қолмасдан, балки аралаш бутазор ва арчазорлар таркибида ҳам кичик майдонларда жамоа ҳосил қилади. Бу формациянинг жамоалари Дуғоба қишлоғи ва Зоминсув сув омборининг ҳар икки соҳилидаги юқори адир ерларида кенг тарқалган. Е.М. Демурина (1975) Туркистон тоғининг шимолий ёнбағрида *Artemisia sogdiana* ва *A. diffusa* формациясини ёзган, аммо *Artemisia ferganensis* ва *A. tenuisecta* формацияларига тавсиф бермаган. Формациянинг флористик таркиби, тузилиши, тарқалиш қонуниятлари, тупроғи буғдойиқзорларга яқин. Бу формациянинг флористик таркибида эфемерлар, бошоқли ўтлар, турли хил ем-хашак ўтлар кўп тарқалганлиги сабабли, йил давомида чорва молларини боқиш мумкин бўлган табиий яйлов манбаидир.

Ингичкабаргли шувоқзор формациясида кенг тарқалган ассоциациялар қуйидагилар: э ф е м ерл и – а р а л а ш ў т л и – и н г и ч к а б а р г л и ш у в о қ з о р ассоциацияси Зоминсув сув омборининг ўнг томони Дуғоба қишлоғидан 5-6 км шимолда қайд этилган. Жамоалар асосан жануби-ғарбий ёнбағирликлардаги йирик тошли, тош шағалли тупроқларда тарқалган. Бу ерларда ўсимликлар қоплами зич, 20 $м^2$ майдонда 30 дан ортиқ тур қайд этилди. Ассоциацияда *Artemisia tenuisecta* (sp_3), *Eremurus regeli* (sp_3) доминант ҳисобланиб, биринчи ярусни ташкил этади. Тупроқнинг тошлилик даражаси ортиши билан ширачлар кўпайиб боради. Сойга яқинлашган сари *Perovskia angustifolia, Artemisia ferganensis, Lactuca serriola* ва бошқа ўсимлик турлари ортиб боради. Эфемер ва эфемероидлардан иборат энг пастки ярус *Bromus oxyodon, Koelpinia linearis, Ziziphora tenuior, Poa bulbosa, Aegilops crassa, Tythimalis falcatus* каби ўсимликлардан ташкил топган.

Б а л а н д в а б о ш о қ ў т л и – б у т а л и – и н г и ч к а б а р г л и ш у в о қ з о р Зоминсув сув омборининг ўнг соҳили жануби-шарқий ёнбағирларда тош шағалли тўқ бўз тупроқларда қайд этилган. Жамоалар таркибида *Amygdalus spinosissima, Cerasus erythocarpa, Atraphaxis pyrifolia* каби буталар учрайди. Биринчи ярусни буталар ҳосил қилиб, бута тупларининг оралиғи шувоқ, ҳар хил ўтлар ва айниқса, бошоқли ўтлар билан қопланган. Ёнбағирликларнинг пастки қисмида *Perovskia angustifolia* туплари тасма шаклида жойлашган. Ҳар хил ўтлар таркибида *Tragopogon malicus, Silena guntensis, Trihodesma incanum, Sisymbrium altissimum* кабилар учрайди. Бутали ингичка-баргли шувоқзорлар тасма шаклида ҳавзанинг шарқий ҳамда ғарбий чегараларидаги сув айиргичларгача боради. Пастки ярусни эфемер ва эфемероидлар ташкил этиб, қопланиш даражаси 60-70%.

Хулосалар

1.Зоминсув ҳавзасида олиб борилган геоботаник тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар таснифланиб, ҳавзада шувоқларнинг *Artemisieta sogdianae* - сўғд шувоқзори, *Artemisieta ferganensis*- фарғона шувоқзори, *Artemisieta tenuisectae* - ингичкабаргли шувоқзор формациялари тарқалганлиги аниқланди.

2.Улардан фарғона шувоқзорлари таркиби, тузилиши ҳам адир минтақасининг тупроқ, иқлим шароитига мослашган, кенг тарқалган формациялардан биридир. Бу шувоқзорнинг таркиби сўғд шувоқзор таркибига ўхшашдир.

3.Ингичкабаргли шувоқзорлар нафақат юқори адирда кенг тарқалиб қолмасдан, балки аралаш бутазор ва арчазорлар таркибида ҳам кичик майдонларда жамоа ҳосил қилади. Бу формациянинг жамоалари Дуғоба қишлоғининг адир ерларида, Зоминсув сув омборининг ҳар икки соҳилидаги юқори адир ерларида кенг тарқалган.

Адабиётлар рўйхати:

Афанасьев К.С. Растительность Туркестанского хребта в переделах Таджикистана и Киргизии. – М.-Л. АН СССР, 1956. – 278 с.

Верник Р.С., Рахимова Т. Естественная растительность и пастбища адыров Наманганской области. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 3 - 89.

Демурина Е.М. Растительность западной части Туркестанского хребта и его отрогов. – Ташкент: Фан, 1975. – 188 с.

Закиров К.З., Закиров П.К. Принципы и номенклатура типологии растительности // Узбекский биологический журнал. – Ташкент, 1969. № 5. – С. 34-41.

Закиров П.К. Классификации растительности Средней Азии // Узбекский биологический журнал. – Ташкент, 1989. № 3. – С. 43-50.

Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. – Ташкент: АН УзССР, 1962. -544 с.

Майлун З.А. Ксерофильная полукустарничковая растительность – *Xerohemithamnisca* / Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. В 4-х т.– Ташкент: Фан, 1976. Т. 3. – С. 72-139.

Полевая геоботаника. В 5-и т. 1.т.– М-Л.: Наука, 1976.

Саидов Д.К., Хасанов О.Х, Верник Р.С, Запрометова Н.С., Рахимова Т.У., Маркова Л.Е., Таджиев С.Ф., Усманалиев А., Мухитдинов Н., Рахимова Т. Инструкция по созданию исскуственных пастбищ и сенокосов на малопродуктивных землях Чартакских адыров Ферганской долины // Информационное сообщение. – Ташкент: Фан, 1975. – № 134. – 24 с.

Хасанов О.Х., Верник Р.С., Рахимова Т. Усманалиев А. Инструкция по созданию искусственных пастбищ и сенокосов на Чуст-Папских адырах Ферганской долины // Информационное сообщение. – Ташкент: Фан, 1985.– № 35. – С. 1-20.

Черепанов С.К. Сосудистые растения России и сопредельных государств. – Санкт-Петербург: Мир и семья, 1995. – 990 с.

Drude O. Sonorische Florenreich. Berichte Frankf // System. Bot. fur, 1922. – P. 120-121.

Аннотация

ЗОМИНСУВ ҲАВЗАСИ ШУВОҚЗОРЛАРИ

Л.А.Ботирова

Мақолада Зоминсув ҳавзасидаги шувоқзорларнинг 3 та яъни *Artemisieta sogdianae*, *Artemisieta ferganensis* ва *Artemisieta tenuisectae* каби формациялари учраши ва бу формациялар таркибида энг кенг тарқалган ассоциациялар хақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: *Artemisia,* қурғоқчил минтақа, шувоқ, формация, ассоциация.

Аннотация

ПОЛЫННИКИ БАССЕЙНА РЕКИ ЗААМИНСУ

Л.А.Ботирова

В статье приводится данные о 3 встречающихся формациях *Artemisieta sogdianae*, *Artemisieta ferganensis* и *Artemisieta tenuisectae,* а также о широко распространенных ассоциациях в составе этих формациях.

Ключевые слова: *Artemisia,* аридная зона, полын, формация, ассоциация.

Summary

THE WORMWOOD RIVER BASIN ZAMIN WATER

L.A.Botirova

The article is given information about 3 common formations Artemisieta sogdianae, Artemisieta ferganensis and Artemisieta tenuisectae, and widely for common associations within these formations.

Keywords: *Artemisia,* arid zone, sagebrush, formation, association.

УДК 502.7 : 581.52 : 633.37

УДК 581.14 - 16.

КОН ЧИҚИНДИЛАРИ РЕКУЛЬТИВАЦИЯСИДА ЎСИМЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Ф. Абдухаликов
Самарқанд давлат университети
E-mail: f-abduxalikov@umail.uz

Ватанимиз ўсимликлар дунёси ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш олдимизда турган долзарб вазифаларидан ҳисобланади (Белолипов ва бошқалар, 2015). Атрофимиздаги флоранинг ҳар бир вакили ўзига хос ўринга эга. Масалан, Ўзбекистон набобот оламининг энг катта оилаларидан бири ҳисобланган бурчоқдошлар оиласи ўз таркибига 480 дан ошиқ турни олади (Флора Уз., 1955). Оила вакилларининг 90 % дан ортиқроғи қимматли ем-хашак ва доривор ўсимликлар ҳисобланиши билан бирга тупроқ табиий унумдорлигини ошишига хизмат қилади. Айрим вакиллари (оққурай, янтоқ, қашқарбеда, ширинмия, талхак, зиракўт, астрагал ва бошқалар) яхши асал берувчи ўсимликлар ҳам саналади. Жумладан, ширинмия туркуми вакиллари илдизида глицирризин кислотаси ва бошка флавиноидлар бирикмаларини сақлаб, фармацевтика саноатида муҳим ўрин тутади (Ашурметов ва бошқалар, 2005). Ширинмиянинг яна бир хусусияти унинг кам унумдор ва шўрланиш даражаси 2 % ортиқ ерларда ўса олишидир. Собик Ўз ФА Ботаника институти олимлари томонидан ширинмиянинг иккиламчи шўрланган майдонларда илдизпоя ва уруғидан кўпайтириш агротехникаси яратилган.

Ушбу оиланинг астрагал, зиракўт, оққурай ва янтоқ туркуми вакиллари чўл ва дашт минтақаларида кенг тарқалган бўлиб, қурғоқчил ҳудудларда ўса олишга яхши мослашган. Шу сабабли уларнинг кўпчилигини деградацияга учраган ҳудудларда фитомелиорация ва рекультивация ишларида қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бундай ўсимлик турлари флорамизнинг бошқа оилаларда учрайди. Уларни аниқлаш, тур хилларини танлаш ва биоэкологик хусусиятларини тадқиқ этиш шу куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади.

Тадқиқотнинг мақсади Маржонбулоқ конлари атрофида кенг тарқалган ўсимлик турлар биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва улардан рекультивация мақсадида фойдаланиш имкониятларини таҳлил этишдир.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқот объекти сифатида Маржонбулоқ кони ҳудудида кенг тарқалган ўсимлик турлари олинди. Тадқиқотни олиб боришда ўт ўсимликларни ўрганиш бўйича таклиф қилинган услублардан кенг фойдаланилди (Сацыперова. 1993; Ашурметов, Каршибаев, 2008). Ўсимлик турларини аниқлашда “Flora uz” тизимидан фойдаланилди. Расмлар “Cannon” фотоапаратида олдинди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ўсимликлар оламига инсон томонидан кучли таъсир кўрсатилаётган ҳозирги кунда флорамиз вакилларининг экобиологиясини илмий асосда ўрганиш, уларнинг репродуктив ҳаракатини баҳолаш, фойдали маҳаллий флора турларининг интродукциясини амалга ошириш, уларнинг коллекцион питомникларини яратиш, ўсимликлар уруғларини махсус генбанкларга жойлаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади (Белолипов ва бошқалар, 2015).

Айниқса, атроф-муҳитга ва табиий экотизимларга бўлаётган антропоген таъсирлар натижасида ўсимликлар табиий жамоаларида кузатилаётган инқирозий ҳолатларни ўз вақтида аниқлай олиш, ўсимликларнинг ўзгараётган эколого - ценотик шароитдаги жавоб реакцияларини тўғри баҳолаш ҳамда селекцион ишларни олиб боришга илмий асосланган тавсияларни бериш муҳим ўрин эгаллайди (Ашурметов, Каршибаев, 2008).

Сўнгги йиллар мобайнида Гулистон давлат университети олимлари томонидан 60 дан ортиқроқ турларининг табиий ва дастлабки интродукция шароитида экобиологик хусусиятлари, репродукция жараёни, кўпайиш йўллари ва уруғдан тикланиш масалалари чуқур тадқиқ этилмоқда. Жумладан Республикамизнинг Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари чўл ва адир ҳудудларида тарқалган айрим турларнинг ценопопуляциялари ҳолатлари ўрганилди. Текшириш натижаларига кўра, чорва моллари боқилаётган табиий яйловлар билан бир қаторда қўриқланаётган ҳудудларда ҳам антропоген

омилларнинг таъсирини ниҳоятда кучайганлиги, жумладан, адир ва чўл минтақаларидаги қишлоқлар атрофида чорва молларини меъёр талабларидан ошиқроқ боқилиши туфайли табиий фитоценозларга катта салбий таъсир курсатилаётганлиги аниқланди. Айниқса, чўл ва адир яйловларидаги табиий ўсимлик ценопопуляцияларда генератив босқичга кирган индивидлар миқдори 0,7-3,1 % ни, айрим турларда ушбу кўрсатгич 0,2-0,3 % ни ташкил қилаётганлиги ниҳоятда ташвишли ҳолдир. Ушбу турларнинг ценопопуляцияларида уруғдан чиққан ниҳоллар ўз онтогенезида генератив босқичгача етиб бормаётганлиги қайд қилинди. Ушбу ҳолат айрим турлар учун катта хавфни яратади. Ценопопуляция ичида борадиган микроэволюция жараёни бузилиб, тур ценопопуляцияларининг турғунлигини бузилишига, айрим тур формаларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин (Каршибаев ва бошқалар, 2014).

Ўсимликларнинг уруғдан тикланиши ва кўпайиши мураккаб, кўп босқичли жараён бўлиб, ҳозирги замон биология фанида энг кам ўрганилган соҳалардан биридир. Ўсимликнинг кўпайиш биологияси ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқ бўлиб индивид, популяция ва биоценоз даражаларида тадқиқ қилишни талаб қилади. Турнинг уруғдан кўпайиш тизими бир томондан турга тегишли генератив тузилмалар тузилишига боғлиқ бўлса, бошқа томондан ташқи муҳитга бевосита боғлиқ бўлади.

Ўсимликнинг уруғдан тикланиши макон ва замонда маълум турга тегишли популяциянинг индивидлар сонини оптимал ҳолатда ушлаб туришга қаратилган ҳаракат бўлиб, биоценотик характерга эгадир. Чунки уруғдан ҳосил бўладиган наслнинг пайдо бўлиши, сони ва маълум қисмининг сақланиб қолиши биоценотик омиллар билан назорат қилиб борилади.

Адир минтақасида ўсимликларнинг репродуктив тизимини комплекс ўрганиш уларнинг уруғдан кўпайиши ва тикланишининг асосий кўрсатгичларини аниқлаш имкониятини беради, бу эса интродукция ва рекультивация ишлари учун энг чидамли ва тез мослашиб кетадиган турларни танлашга хизмат қилади.

Биоэкологларнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири техноген таъсирлар оқибатида бузилган ландшафтларни қайта тиклаш, конлар атрофида тупланиб қолган тоғ жинсларини рекультивация қилиш масаласидир. Ушбу соҳадаги ишлар энди бошланмоқда. Ўсимликлар рекультивацияси, яъни ўсимликларни янги жойда ўстириш ҳозирги кун ботаника фани олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади. Чунки бу масала Республикамизда амалга оширилаётган биохилма-хилликни сақлаш ва экологогик ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари билан чамбарчас боғланиб кетади. Тараққиётнинг ҳозирга даври мамлакатимизда ва бутун дунёда барқарор ривожини таъминлашда нафақат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалар, шу билан бир қаторда экологик масалаларни ҳал қилишни ҳаётнинг ўзи долзарблигини кўрсатмоқда. Кейинга пайтда пайдо бўлган “Барқарор ривожланиш” ибораси Ўзбекистонни нафақат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдангина эмас, балки экологик жиҳатдан ҳам барқарор бўлишини таъминлаш демакдир. Жаҳондаги кўп давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат таълим тизимини такомиллаштириш ва янги инновацион технологияларни қўллаш орқали умуммиллий масала ҳисобланган барқарор ривожланишнинг замини яратилади.

Инсон табиат қонунларини ўрганиши ва ўз ҳаётини шу қонунлар асосида қуриши керак. Ўзбекистон Республикаси 1995 йили “Биохилма-хиллик бўйича Конвенция” (Рио-де- Жанейро, 1992) га қўшилди ва биохилма-хилликни сақлаш, генетик ресурслардан оқилона фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратишга киришди. 1998 йил 1 апрел куни Вазирлар Махкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг биохилма-хилликни сақлашнинг Миллий стратегияси ва ҳаракат режаси” тасдиқланди. Унда Республикамизда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимни яратиш, аҳоли орасида экологик таълим - тарбияни кенг йўлга қўйиш ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг илғор ва тежамли технологияларини қўллаш вазифалари қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил қабул қилинган “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида ушбу соҳадаги асосий вазифалар сифатида флоранинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш ва бойитиш, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишни ва уни такрор етиштиришни таъминлаш, ўсимлик объектларидан маданий-маърифий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда кенг фойдаланиш йўлга қўйиш белгиланган. Маржонбулоқ конлари атрофида ишлаб чиқариш натижасида ҳосил бўлган тошшағалли тепаликларнинг ўсимликлар қоплами билан қопланиш жараёнини ўрганиш натижасида *Taeniatherum, Capparis, Alhagi, Cousinia, Carduus* туркумига оид ўсимлик турлари кўпроқ тарқалгани

аниқланди (1-расм). Улар янги жойда ўз вегетациясини тўлиқ ўтайди ва репродукция жараёнига киришади.

а

б

1-расм. Маржонбулоқ кони атрофидаги тепаликлар (а) ва улардаги бирламчи сукцессия (б).

Олинган натижалар тахлили шундай кўрсатдики, тезликда чўл ва адир минтақаларида йўқолиб кетиш арафасида турган юқори мослашувчан хусусиятига эга бўлган турлар мониторингини ташкил қилиш, уларнинг уруғларини териш ва махсус генбанкларда сақлашни жориий этиш соҳасидаги ишларимизни янада кучайтиришни талаб этади. Айниқса техноген таъсирлар оқибатида юзага келаётган инқирозли ҳудудлар ўсимликлар қопламини қайта тиклашда тегишли интродуцентларни танлаш ўта муҳим масала ҳисобланади. Маълумки, интродукция жараёни инсон томонидан танлаб олинган ўсимлик турини маданийлаштиришга қаратилган мақсадли фаолият ҳисобланади (Karpun, 2004). Интродукция жараёнининг тадқиқот объектлари бўлиб четдан олиб келинган ёки махаллий табиий флорадан танлаб олинган ўсимлик (туркум, тур, кенжа тур, нав ва формалар) лар хизмат қилади. Интродукция мазкур минтақадаги ўсимликлар таркибини ва генофондини кенгайтириш ҳамда инсон учун керакли бўлган ўсимлик турларини танлаб олиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўсимликлар рекультивацияси соҳасида ўтказиладиган кенг қамровли тадқиқотлар инқирозга учраган ҳудудларни қайта тиклаш учун тегишли фитомелиорантларни танлаш ва амалиётга киритишга замин яратади.

Адабиётлар рўйхати:

Ашурметов О.А., Қаршибоев Ҳ.Қ., Қўзиев А.Ж. Ширинмия (фойдали хусусиятлари, биоэкологияси ва кўпайтириш усуллари).- Ташкент, 2005.- 100 б.

Ашурметов О.А., Каршибаев Х.К. Методические указания по изучению репродукции травянистых растений. -Гулистан: Университет, 2008.- 24 с.

Каршибаев Х., Тухтаев Б., Каршибаев Ж. Особенности репродукции дикорастущих растений аридных зон Узбекистана. Жизненная стратегия и репродукция.- Saarbrucken, Deutschland. Lambert Academic Publishing, 2014 – 48 s.

Белолипов И.В., Тухтаев Б.Ё., Каршибаев Х.К. “Ўсимликлар интродукцияси” фанидан илмий – тадқиқот ишларини ўтказишга оид методик кўрсатмалар. - Гулистон, 2015. - 36 б.

Сацыперова И.Ф. Основные аспекты и методы изучения репродуктивной биологии травянистых растений при их интродукции // Труды Бот. ин-та. Вып. 8.- СПб., 1993.- С. 25-35.

Флора Узбекистана. 3-том - Ташкент, 1955. – 825 с.

Karpun Yu.N. The main problems of introduction // Hortus botanicus, 2004. № 2. -P. 17-32.

Аннотация

КОН ЧИҚИНДИЛАРНИ РЕКУЛЬТИВАЦИЯСИДА ЎСИМЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Ф. Абдухаликов

Мақола кон чиқиндилари рекультивациясида фойдаланиш учун ўсимлик турларини танлаш ва уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш масалаларига бағишланган.

Таянч сўзлар: кон, тур, рекультивация, мосланиш, репродукция

Аннотация

ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РАСТЕНИЙ ПРИ РЕКУЛЬТИВАЦИИ РУДНИКОВЫХ ОТХОДОВ

Ф. Абдухаликов

Статья посвящена к отбору видов растений для рекультивации рудниковых отходов и исследования их биоэкологических особенностей.

Ключевые слова: рудник, вид, рекультивация, адаптация, репродукция

Summary

THE PROBLEMS OF USED OF PLANTS RECULTIVATION FOR MINERAL WASTE

F. Abduhalikov

The article is devoted to the selection of plant species for the reclamation of mine waste and the study of their bioecological features.

Key words: mine, species, reclamation, adaptation, reproduction

Filologiya

УДК 809.437.5 : 801.313.1

АЙРИМ ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

Ҳ. Ёдгоров, Ш. Қаюмова
Гулистон давлат университети
E-mail: hyodgorov@bk.ru

Тарихий ҳақиқатни тўғри ёритиш, фан тараққиёти жараёнларининг ҳақиқий манзарасини яратишдек муҳим вазифалар соҳа олимларининг олдида турган долзарб вазифалардандир. Айни таъкидни ўзбек тилининг ҳарбий терминологияси билан ҳам боғлаш мумкин.

Бугунги кунда ўзбек ҳарбий терминологияси ўзбек адабий тилининг ажралмас бир бўлаги сифатида жадал ривожланиб бормоқда. Фан-техника тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда бу соҳага кўплаб янги тушунчалар ва уларни ифодаловчи янги терминлар кириб келмоқда.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Ўзбек тилининг луғат бойлигида “полк”, “рота” каби терминлар мавжуд бўлиб, улар ҳарбий тушунчаларни ифодалашга хизмат қилиб келмоқда. Афсуски, мазкур терминларнинг келиб чиқишига кўра қайси тилга мансублиги ҳали-ҳануз ўз ечимини топган эмас.Биз қуйида полк терминининг этимологияси хусусида фикр юритмоқчимиз.

Шу ўринда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981) га мурожаат қиламиз. “Полк” терминига шундай изоҳ берилган: “Одатда дивизия ёки бригада составига кирадиган ва бир неча батальон ва ротадан ташкил топган алоҳида ҳарбий қисм, шу билан бирга, луғатда унинг асли русча термин эканлиги кўрсатилган”.

Мазкур терминнинг рус тилидаги изоҳи билан қизиқар эканмиз, 1972 йилда Москвада чоп этилган “Словарь русского языка” (568-бет) луғатига мурожаат этамиз.Ушбу луғатдаги изоҳ ўзбек тилидаги изоҳга тўлиқ мос келади.

1975 йил Москвада чоп этилган “Краткий этимологический словарь русского языка” номли луғатда “полк” термини рус тилига поляк тилидан ўзлашганлиги айтилган. Шу билан бирга, луғатда ушбу терминнинг умумславянча эканлиги, герман (folk-“народ, толпа, войско”) ва болтиқ (pulkas-“толпа”) тилларига мос келиши баён қилинган. Қизиғи шундаки, изоҳнинг сўнгида мазкур терминнинг герман тили билан чатишиб кетганлиги ҳақиқатдан узоқлиги ҳам алоҳида таъкидланган. Шундай бўлса, мазкур терминнинг “умумславянча” эканлиги қаёқда қолади? Хуллас, мазкур терминнинг этимонини аниқлаш, унинг асли қайси тилга мансублигини белгилашда юқорида кўрсатилган манбаларда аниқ фактлар етишмайди.

Мақолани ёритишда тилшуносликнинг тавсифий, қиёсий- тарихий ҳамда тарихий-этимологик методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Шу ўринда тилимиз тарихига, аниқроғи, ўзбек тили ҳарбий терминологияси тарихига назар ташласак, мазкур муаммонинг ечимини топган бўламиз.

Тилшунос Л.Будаговнинг “Сравнителный словарь турецко-татарских наречий” (СПб, 1871, Т. I-II) номли китобида эски ўзбек тилида “полк, группа, отряд” тушунчаси **бөлук//бөлак** ҳарбий термини орқали ифодаланганини таъкидлайди. Бобурнинг “Бобурнома” асарини кузатар эканмиз бўлук//бўлак лексемалари “ҳарбий отряд, бўлинма” маъноларида ишлатилганлигининг гувоҳи бўламиз: Кофир кишиси хабардор бўлуб, ўтрудин **бўлак-бўлак** ясаб келдилар (Бобурнома, 290-бет).

Навоий асарларида отряд, бўлинма, дивизия каби ҳарбий тушунчаларни ифодалаган ушбу термин булук шаклида қўлланган. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сида мазкур термин “бўлак” шаклида ишлатилганлиги маълум бўлди: Бу **бөлак** чун қайтиб бардылар (Шайбонийнома, 211-бет).

Ўбек тили тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борган таниқли тилшунос Ҳ.Дадабоев ҳарбий тушунча ифодалаётган **бөлук//бөлак** термини ясама эканлигини, у “бўл” феъл ўзагига –ук, -ак сўз ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали ясалганини таъкидлайди: бол+ак, бол+ук (1).

Юқоридаги фактларга таяниб айтиш мумкинки, қадимги туркий, эски туркий, эски ўзбек тили давридан истеъмолда бўлган, ҳарбий тушунча ифодалаган **бөлук//бөлак** термини славян тилларига фонетик ўзгаришга учраган ҳолда ўзлашган: полк < бөлук < бөлак.

"Полк" терминининг умумтуркий эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. Ваҳоланки, мазкур термин халқаро термин бўлиб, дунё тиллари лексикасидан аллақачон ўрин эгаллаган. Шундай экан, дунё тиллари ҳарбий терминологиясининг шаклланишида туркий ҳарбий терминларнинг ҳам маълум ҳиссаси борлиги қувончли ҳолдир.

Энди эса ҳозирги ўзбек ҳарбий терминологиясидан муқим ўрин олган "қамал" термини хусусида фикр юритамиз.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (М., 1981) да "қамал" терминига шундай изоҳ берилган: "қамал-қарши томон қўшинлари, истеҳком ва шу кабиларни лашкар билан ўраб олиш; блокада, қуршов, муҳосара". Мисол: Етмиш кунлик бир қамал, етмиш кунлик четдан ва ози қишлоқлардан муносабатларни узиб туриш, албатта, Тошкентни бўлдириб қўйган эди (А.Қодирий. "Ўтган кунлар").

Албатта, мазкур термин изоҳини ўқир эканмиз, изоҳ айрим камчиликлардан ҳоли эмаслиги кўзга ташланади.

Биринчидан, лашкар термини ҳозирги кунда ҳарбий термин сифатида истеъмолда эмас, унинг ўрнини аллақачонлар умумтуркий бўлмиш "қўшин" эгаллган.

Иккинчидан, душман кучларини фақат ўраб олиш ҳали қамал дегани эмас, уни қуршовда ушлаб туриш қамал ҳисобланади.

Учинчидан, изоҳдаги *блокада, муҳосара* лексемалари ҳозирги ўзбек тилида истеъмолда эмас, уларни олиб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнингча, "қамал" терминига шундай изоҳ берилиши керак: "Қарши томон қўшинлари, истеҳком ва шу кабиларни ҳарбий куч билан ўраб олиш ва қуршовда ушлаш".

Кузатишлар шуни кўрсатдики, мазкур термин қадимги туркий, эски туркий, эски ўзбек тилида ҳам ҳарбий тушунчани ифодалашга хизмат қилган ва *қабал* шаклида муомалада бўлган экан: Икки айким қабал эрди анда ("Шайбонийнома", 43-б). Мазкур термин худди шу маънода Навоий асарларида ҳам, Бобурнинг "Бобурнома" асарида ҳам ишлатилганлиги маълум: Хисрав шоҳ бўлак ланг ва лавандни йиғиб яхши-ёмон мингча кишиси била Қундузни қабамоқ доияси била келиб, бир-икки йиғоч Хожа Чортоққа тушди ("Бобурнома" 140-б).

"Қамал" термини тарихига назар ташлар эканмиз, унинг ясама эканлиги маълум бўлади. Мазкур термин тил тарихида дастлаб "қа" шаклида бўлиб, -ба/-ма аффикснинг қўшилиши кейинги даврларнинг маҳсулидир. Тилимиз тарихида айтмоқ сўзи -ай, санамоқ сўзи -са, синдирмоқ сўзи –сы/си, боғламоқ сўзи -ба шаклида бўлганлиги фикримизни тасдиқлайди (Ахматов, 1978).

Ҳозирги кунда қамал терминининг асоси ўзбек, қозоқ, қирғиз тилларида *қама,* туркман тилида *қаба*, озар тилида *ғапа* шаклида ишлатилади (Юнусалиев, 1959).

Ўзбек тили тарихи бўйича таниқли тилшунос Ҳ.Дадабоевнинг "Проблемы лексики староузбекского языка" (1990) номли китобида ҳам мазкур ҳарбий термин *"қаба"* (қама) феълига –л аффиксини қўшиш орқали ясалганлиги ҳамда қамал, қуршов маъноларини ифодалаши таъкидланган.

Шу ўринда М.Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" (1960-1963) асарига мурожаат қиламиз. Луғатда қа(п) лексемаси идиш, қоп маъноларини ифодалаши айтилган. Шу билан бирга, *қаб* термини қуйидаги: 1) қап-ёпмоқ, ушламоқ, қўлга олмоқ; 2) қап-ғилоф, идиш, қоп каби маъноларни ифодалаши кўрсатилган.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, синхрон нуктаи назардан туб деб қаралаётган "қамал" термини аслида (тарихан) ясама бўлиб, *қама* феълига –л аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлган: қама+л = қамал.

Умумтуркий бўлмиш қамал термини тилимиз тарихидан ҳозиргача ҳарбий тушунча ифодалаб келмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

Дадабаев Х. Проблемы лексики староузбекского языка.- Т., 1990. - С. 16-20.
Ахматов М.А. Глагол в языке орхоно-енисейских памятников.- Саратов, 1978. - С.13-15.
Юнусалиев Б.М. Киргизская лексикология. -Бишкек, 1959. - С. 67-127.
Дадабаев Х. Проблемы лексики староузбекского языка. Т., 1990.- С. 76-82.
М.Қошғарий. "Девону луғотит турк".- Т., 1960-1963. I,195;- II, 4.

Аннотация

АЙРИМ ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

Ҳ. Ёдгоров, Ш. Қаюмова

Ушбу мақолада айрим ҳарбий терминларнинг этимологияси ҳақида фикр юритилади. Муаллиф ўзбек ҳарбий терминологиясидан муқим ўрин олган полк, қамал терминларининг асли умумтуркий эканлигини илмий асослаб беради. Бундай терминларни билиш ёш авлоднинг билимини, дунёқарашини ва онгини бойитади.

Таянч сўзлар: полк, этимология, термин, ҳарбий термин, ҳарбий терминология, қамал, лексик қатлам.

Аннотация

ОБ ЭТИМОЛОГИИ НЕКОТОРЫХ ВОЕННЫХ ТЕРМИНОВ

Х.Ядгаров, Ш.Каюмова

В данной статье ведется речь об этимологии некоторых военных терминов.Автор в статье научно обосновывает отнесенность терминов полк, блокада, занявших устойчивое место в узбекской военной терминологии, изначально к общетюркскому происхождению.

Ключевые слова: полк, этимология, термин, военный термин, военная терминология, блокада, лексический пласт.

Summary

ON THE ETYMOLOGY OF SOME MILITARY TERMS

Kh.Yadgarov, Sh.Kayumova

The Article is devoted to military epithet and its meanings. Author is proved that the word of “polk” belong to general Turkic languages and proved it through scientific way.

Key words: polk, etymology, the term, military term, military epithets, occupation (milit.epithet), lexical layers.

УДК 372.881.116.11

УЧЕБНЫЙ ПЕРЕВОД КАК ЭФФЕКТИВНОЕ СРЕДСТВО В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

С.С.Кулбаева, Х.Хужакелдиева

Гулистанский государственный университет

E-mail: s-kulbaeva@inbox.uz

Введение. Как известно, стремительное вхождение Узбекистана в мировое сообщество, интеграционные процессы в различных сферах политики, экономики, культуры, идеологии, смешение и перемещение народов и языков, поднимают проблему межкультурного общения, взаимопонимания участников общения, принадлежащих к разным культурам.

В то же время следует признать, что в современных условиях межгосударственных, и межнациональных отношений русский язык сохраняет на территории республики функцию языка межнационального общения, а при межгосударственных отношениях Республика Узбекистан использует русский язык как один из мировых языков. Не уменьшается информационная ценность русского языка, который в настоящее время обеспечивает значительную массу общезначимой информации, особенно научно-технического характера.

Владение русским языком, наряду с другими языками мира - одно из условий повышения качества подготовки высококвалифицированных специалистов. Естественно всё это не может не отразиться на методике обучения русскому языку как неродному. С развитием наукоёмких технологий возрастает роль информации и знания на всех уровнях и во всех сферах общественного развития.

В связи с этим **становится актуальным**, что для специалиста уже недостаточно владеть информацией на родном языке. Необходимо быть в курсе развития своей области в мировой практике. Отсюда возрастающая значимость обучения русскому языку, формированию коммуникативной компетентности.

Цель работы заключается в том, что максимальное развитие коммуникативных способностей - вот основная, перспективная, но очень нелегкая задача, стоящая перед преподавателями неродного языка.

В суверенной Республике Узбекистан реализация языковой политики на современном этапе определяет новые лингвометодические подходы к изучению и официальному использованию узбекского, русского и других языков. В республике восстановлен статус узбекского языка как государственного, что способствует расширению его 'социальных функций в сфере официально-делового общения. На официальном уровне общения закрепляется приоритетность узбекского языка как государственного.

В условиях современной языковой ситуации перед национальной школой стоит важная задача - формирование способности решать языковыми средствами различные коммуникативные задачи в определенных сферах и ситуациях общения. Конечной целью обучения языкам в школе является практическое овладение ими. Достижение этой цели находится в прямой зависимости от использования эффективных методов, приемов и средств обучения. Одним из таких приемов является обучающий перевод. Упражнения переводы, по мнению большинства ученых, способствуют осознанному, а значит прочному усвоению языкового материала, активизируют мыслительную деятельность учащихся (Абдурахманова, 1996).

До сих пор на проблему использования учебного перевода в процессе обучения русскому языку в национальной школе существуют две противоположные точки зрения. Одна группа ученых (Б.В. Беляев, М.М.Михайлов, В. Шярнас, В.Х. Салибаев и другие) выступает за отказ от переводных упражнений, мотивируя это усилением интерференционного влияния родного языка на изучаемый. Вторая группа ученых, и их большинство, высказывается за использование упражнений-переводов с родного языка на уроках русского языка. Однако до сих пор не определен статус учебного перевода, роль данного вида упражнений в обучении второму языку. Анализ практики обучения русскому языку в школах с узбекским языком преподавания дает основание говорить о недостаточно эффективном использовании учебного перевода в школе (Азизов, 1983, 1989).

Во многом это предопределяется недостаточной разработанностью теории и практики использования упражнений-переводов в методике обучения русскому языку узбекских школьников.

В качестве основных причин можно назвать:

- малое количество этого типа упражнений в ныне действующих учебниках русского языка для узбекских школ;

- поверхностные знания учителей-словесников относительно типов, форм, видов работ по переводу;

- отсутствие взаимосвязи в работе учителей русского и узбекского языков (Азизов, Ризаева, 1989).

Чтобы теоретически обосновать и экспериментально подтвердить необходимость целенаправленного использования учебного перевода, определить статус упражнений-переводов, роль данного вида упражнений в овладении вторым языком, необходимо создать научно обоснованную методику использования учебного перевода на уроках русского языка в школах с узбекским языком обучения.

Использование упражнений-переводов в процессе преподавания русского языка в школах с узбекским языком обучения будет способствовать совершенствованию механизма переключения с одного языка на другой, нейтрализации интерференционного влияния родного языка, более прочному усвоению фактов как русского, так и родного языков.

Упражнения-переводы прежде всего помогают предупреждать и преодолевать интерференцию родного языка, а также обогащают словарный запас, совершенствуют грамматический строй русской речи учащихся.

Как установлено психологией, при изучении языковых фактов, помимо обычных наглядных пособий, большую роль играет специальная языковая наглядность, которая осуществляется средствами сравнения изучаемого и родного языков.

Многие языковые факты в практике преподавания русского языка, как второго родного языка, требуют особого толкования сопоставления и обобщения с учетом межязыковых соответствий и расхождений. Например, для узбекского учащегося важно понять причины, которые лежат в основе разграничения употребления глаголов: пришел- «он здесь», а приходил – «его здесь нет», отошел – «его здесь нет, а отходил- «он снова здесь». Количество синтаксических моделей в принципе ограничено.Но множество предложение -бесконечны. Для построения предложений используются порождающие модели, причем имеется ввиду конечное множество грамматических правил, ограниченное количество правил порождения, построенные в соответствии с правилами

порождающей, не всегда адекватны предложениям естественного языка. Для учащегося-узбека не встает вопрос о том, что ему надо сказать. Перед ним встает задача как выразить мысль, оформленную на родном языке средствами русского языка. Начиная изучать другой язык, человек всегда слова и целые предложения этого нового языка переводит мысленно на свой родной язык. Установлено, что слабое владение речью обуславливает собой недостаточную дифференцированность восприятия, слабость запоминания изучаемого материала. Если не развита речь, то обычно не развито и абстрактное мышление. В методическом плане этот принцип означает, что усвоение языка неразрывно связано с постижением определенных сторон окружающей действительности. Успешное использование родного языка в обучении русскому языку находится в прямой связи с уровнем лингвистического описания обоих языков в сопоставительном плане.

Учебный перевод может эффективно использоваться в первую очередь для предупреждения и преодоления интерферирующего влияния родного языка. Более прочное усвоение фактов как русского так и узбекского языков будет успешным при классификации учебного перевода и разработке путей оптимизации переводных упражнений через приведение учебного перевода в соответствие с современными психологическими и методическими требованиями, предъявляемыми к любому упражнению (разработка специфических видов переводных упражнений, предполагающих более полную реализацию их возможностей).

На основании анализа существующей литературы мы пришли к выводу, что учебный перевод, способствуя лучшему усвоению обоих языков.

Наиболее оптимальным этапом обучения для систематического использования упражнений-переводов следует считать средние классы - начало систематизации знаний по курсу русского языка.

Педагогические наблюдения и анализ основных видов упражнений-переводов, используемых в методике обучения второму языку, позволяют говорить о необходимости совершенствования учебного перевода как в учебниках, так и в практике преподавания предмета. Усовершенствование должно идти по следующим направлениям: приведение учебных переводов соответствие с современными психологическими и методическими требованиями, предъявляемыми к любому упражнению, придание учебным переводам коммуникативного характера, разработка специфических видов переводных упражнений.

Совершенствование учебного перевода позволило в процессе опытного обучения разнообразить виды работ по переводу, использовать такие двуязычные упражнения, которые не применялись в современной практике обучения русскому языку в национальной школе.

Правильное применение сопоставления русского языка с родным языком помогает обучающимся точно и быстро выражать свои мысли на русском языке, показывает, что в русском и родном языке совпадает и то, что не совпадает, отличается, тем самым способствует облегчения процесса необходимого неизвестного, мысленного перевода с родного языка на русский.

Использование фактов родного языка с соответствующими фактами русского языка может сыграть особую роль в проявлении интереса к русскому языку, как определенной лингвистической сущности и учебному предмету. Поясним это на примере. В процессе усвоения практического курса русского языка, студенты сталкиваются с такими категориями, которые отсутствуют в родном языке. Путем сопоставления грамматических конструкций с их эквивалентом на родном языке студенты убеждаются, в том, что этих категорий в их родном языке действительно нет.

Перевод – это особый вид речевой деятельности, привлекающий внимание различных специалистов: литературоведов, этнографов и лингвистов.

Что касается лингвистики, то она имеет самое непосредственное и прямое отношение к переводу. Оживлению интереса к переводческой деятельности в немалой степени способствовали достижения в области машинного перевода, которые повлекли за собой изучение лингвистических аспектов перевода.

Лингвистическая теория перевода тесно связана с одним из важных разделов языкознания - сопоставительной лингвистикой. Сопоставительная лингвистика во многом решает практические задачи изучения иностранного языка. Сопоставительная лингвистика преследует в первую очередь практическую цель - облегчить овладение вторым языком. В то же время сопоставительный анализ двух языков имеет прямой выход не только в методику изучения иностранных языков, но и в теорию перевода.

Теория перевода тесно связана с изучением проблем двуязычия. Двуязычие обычно определяется как сосуществование и взаимодействие родного и некоторого количества неродных языков.

Упражнения-переводы оказывают значительное влияние на обогащение словарного запаса учащихся, на повышение качества создаваемых школьниками самостоятельных высказываний как на русском, так и на родном языке. Использование упражнений-переводов повышает интерес к изучению русского языка, активизирует познавательную деятельность школьников, способствует овладению нормами русского и родного языков (Андриянова, 1988).

Выводы. Учебный перевод способствует выработке тормозящего устройства, подавляющего импульс к употреблению неправильных форм, конструкций, свойственных родному языку, тем самым предупреждает появление интерференционных ошибок, в результате чего повышается уровень знаний учащихся. Кроме того, учебный перевод способствует становлению навыка переключения с одного языка на другой, что не является программным требованием, однако имеет большое практическое значение.

Перспективным и актуальным, на наш взгляд, является разработка методики использования упражнений-переводов как средства развития речи учащихся узбекских школ, разработка системы устных и письменных двуязычных упражнений для обучения в старших классах, выяснение роли упражнений-переводов в организованной транспозиции знаний, умений и навыков, полученных на уроках родного языка.

Список литературы

Абдурахманова И.Э. Перевод как средство обучения на уроках родного русского языка в 7-9 классах общеобразовательной школы. - М., 1996. - 188 с.

Азизов А.А. Русско-узбекский краткий словарь.- Ташкент: Укитувчи, 1989. - 510 с.

Азизов А.А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. - Т. Укитувчи, 1983. - 239 с.

Азизов А.А., Ризаева З. Узбекско-русский словарь: Для учащихся средних школ. -Ташкент: Укитувчи, 1989. - 234 с.

Андриянова В.И. Совершенствование обучения русской устной речи узбекских школьников.- Ташкент: Фан, 1988. - 93 с.

Аннотация

ТАРЖИМА - РУС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ҚЎЛЛАНАДИГАН САМАРАЛИ ВОСИТАЛАР СИФАТИДА

С.С.Кулбаева, Х.Хужакелдиева

Маколада миллий мактабларда рус тилини ўқитиш жараёнида таржимадан фойдаланиш муаммолари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: рус тили, ўқув жараёни, таржима, методик ишланма.

Аннотация

УЧЕБНЫЙ ПЕРЕВОД КАК ЭФФЕКТИВНОЕ СРЕДСТВО В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

С.С.Кулбаева, Х.Хужакелдиева

В статье рассматривается проблема использования учебного перевода в процессе обучения русскому языку в национальной школе.

Ключевые слова: русский язык, учебный процесс, перевод, методическое пособие.

Summary

PEDAGOGICAL TRANSLATION AS AN EFFECTIVE TOOL OF TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE

S. Kulbaeva, H. Hujakeldieva

The article deals with the problem of using pedagogical translation in the process of teaching Russian at the national school.

Key words: Russian language, educational process, translation, methodological recommendation.

UDC: 801.313.1

TEACHING CULTURAL COMPETENCE IN ENGLISH OF FOREIGN LANGUAGE LESSONS

N.Kh. Kushieva, G.X. Bakieva
Uzbekistan State World Languages University
E-mail: nodira.kushieva@mail.ru

Introduction

Today, it is a broadly known fact that teaching and learning a foreign language can not be abridged to the direct teaching of linguistic skills like phonology, morphology, vocabulary, and syntax. The modern models of communicative competence show that there is much more to learning a language, and they comprise the dynamic element of cultural knowledge and awareness (Bachman 1990; Council of Europe 2001). In other words, to learn a language well usually entails knowing something about the culture of that language. Communication that lacks applicable cultural content often results in hilarious incidents, or worse, is the source of solemn miscommunication and misunderstanding. According to Kramsch (1993), culture is always in the background, right from day one, ready to unsettle the good language learners when they expect it least, making evident the restrictions of their hard-won communicative competence, perplexing their ability to make sense of the world around them.

- Adapting teaching to different student characteristics by using diverse methods of teaching. Adaptation to the ability levels, patterns of different abilities, learning styles, personality characteristics, and cultural backgrounds.

- Integrating the curriculum by developing inter-disciplinary curriculum units that enable students to acquire knowledge from different disciplines through a unifying theme while having the opportunity to contribute in different and special ways to the objectives of the integrated units.

Ninety one percent of public two- and four-year institutions offered, or planned to offer, distance education courses by the year. The advantages of distance education include increasing student access to higher education and reducing travel and scheduling problems. Technology-mediated learning within distance education takes many forms. The National Center for Education Statistics (1999) reports that in 1995 the most frequently used method of delivering distance education courses were two-way interactive video (57%) and one-way prerecorded video (52%). Of the institutions of higher learning that were currently using or planning to use distance education, 80% indicated that they would start or increase the use of two-way interactive video within the next three years. Thus, interactive video network (IVN) is a popular choice of institutions wishing to offer distance education.

Clearly, most public two- and four-year institutions are using distance education. Utilizing technology to improve education, as advocated by the National Education Association, and maintaining quality educational standards requires teachers who model mastery of the teaching/learning process as well as skill in modifying that process for use with technology (Barker & Baker, 1994). However, as Phipps and Merisotis (1999) suggest after an extensive review of research on the effectiveness of distance learning in higher education, we have a lot to learn regarding the ways and means that technology enhances the teaching/learning process.

Technology provides excellent long distance communication possibilities yet physical distance and social and psychological separations (Ashe & Buell, 1998) often hamper genuine dialogue and, in turn, impede learning. Thus, the problem of creating a true community of learners exists throughout distance education and requires a relationship to be established among and between teachers and learners (Clark, Sanders, & Stammen, 1999; NEA, 1998). In short, the role of outreach specialist has been added to the position description of university professors (Day & Baugher, 1999); achieving proficiency in this new role requires modifying the traditional teaching/learning process.

A recent National Education Association Poll (NEA, 2000) of instructors of distance learning courses, however, suggests that instructors believe quality learning can occur through distance education. The question, then, becomes: How can distance learning instructors create a true community of learners while providing quality learning experiences? The purpose of this article is to discuss modifications to the traditional teaching/learning process that enable distance learning instructors to create a community of learners while upholding quality educational standards. Because many interactive elements are involved in this process, a systemic approach (von Bertalanffy, 1968), in which the whole system is considered, is necessary. The core concepts of general system theory 1) organization, 2) control, 3) energy, and 4) time and space (von Bertalanffy), help clarify change when using technology in education.

Systemically, the teacher is at the top of the hierarchy (Whitchurch & Constantine, 1993) in the classroom; the organization of the classroom system is dependent on the teacher. Thus, the teacher's role is considered essential in fostering a climate that maximizes technology-mediated learning (McHenry & Bozik, 1997). The teacher creates an inviting technology-mediated classroom atmosphere (Gallaher & McCormick, 1999) in which rules define behavioral roles and, therefore, the boundaries of the system (Becvar & Becvar, 1996; Whitchurch & Constantine).

Secondly, the teacher's control regulates the amount of change in the system. Systemically, information from students forms a recursive loop that feeds back into the system and affects future actions (von Bertalanffy, 1968). By listening to student feedback (Ashe & Buell, 1998), teachers modify the instructional design and content (Gallaher & McCormick) so that students have a stable but dynamic, growing experience (Becvar & Becvar, 1996).

Thirdly, the teacher monitors the energy in a well-functioning classroom. The concept of thermodynamics states that, over time, energy loss occurs (von Bertalanffy, 1968). If too much or not enough information comes to the students, the classroom atmosphere becomes disorganized or disintegrates (Becvar & Becvar, 1996). Therefore, in a well-functioning classroom, the teacher screens out information that will not be helpful and avoids change that threatens the classroom atmosphere (Becvar & Becvar, 1996).

Finally, the systemic concept of time and space refers to structure, the organization of the specific classes (parts) in relationship to the whole course, and process, the ongoing functions of the class over time (Nichols & Everett, 1986). The systemic concept of time and space suggests the necessity of both formative (ongoing) and summative (final) evaluation of distance courses (Ashe & Buell, 1998) as recommended by the NEA (1998).

In summary, systems theory considers the entire system (von Bertalanffy, 1968). Reciprocity, recursiveness, and shared responsibility are emphasized (Becvar & Becvar, 1998). Rather than looking at isolated incidents or people, the process or context that gives meaning to behavior is the focus for change (Becvar & Becvar, 1998), (Connelly, Clandinin, 1990).

Experiences in a capstone course in which students in multiple majors within one academic unit are separated by 90 miles but linked by interactive video provide an illustration of the systemic concepts in action as instructors create a community of learners while ensuring quality educational experiences. Four areas will be addressed: classroom atmosphere, instructional design and content, feedback, and evaluation. While the focus of comments in this article is on one aspect of distance education, interactive video network (IVN), many techniques are transferable to other technology-mediated learning situations.

The approaches to teaching can be categorized according to major educational goals that affect teaching strategies. On one hand the goal of education is viewed as the transmission of knowledge by the teachers to the students. On the other hand the goal of education is viewed as facilitating students' autonomous learning and self expression. The former approach which converges toward the teaching of specified subject matter, may be termed '**convergent**' teaching and the latter approach which stresses open ended self-directed learning may be termed '**divergent**' teaching. The convergent approach is highly structured and teacher-centered; the students are passive recipients of knowledge transmitted to them and learning achievements are measured by standardized tests. The divergent approach is flexible, student-centered, where the students are active participants in the learning process and learning achievements are assessed by a variety of evaluation tools such as self-evaluation in parallel to teacher evaluation; documentation portfolios; and special projects .

In the highly complex education system there may be various combinations of the different approaches to teaching and probably no 'pure' convergent or divergent teaching. Still, the tendency in the education system of today is toward the convergent approach. In fact, among the current suggestions for implementing educational reforms to deal with the considerable problems of the education system, there has been a strong emphasis on setting convergent goals, an aspect of which is the use of across-the-board standardized testing. Testing has been commonly viewed as a prudent way to determine the success or failure of the teaching and learning process. There has been a relatively limited use of other means of evaluation which are more complicated and more demanding in terms of application and interpretation.

As educators seek ways to meet the demands put upon the education system in today's world of rapid changes and ever increasing complexity, it may be helpful to recognize that there is a need for both convergent and divergent approaches to teaching and learning. Educators who stress the importance of the acquisition of specific knowledge as a useful way to prepare the students for productive future functioning, must come to realize that even for the purpose of this goal alone, a divergent approach is needed today. With the great proliferation of knowledge and rapid changes in most fields as well as the appearance of many new fields, it is critical to develop students' capacity for self-directed learning and self growth. On the other hand, those who emphasize the importance of autonomous growth and creative self-expression, must realize that the students need academic skills (such as reading, writing, calculating, etc.) as prerequisites for productive self expression. Since the creative process involves new ways of using existing knowledge, it is important to provide opportunities for students to acquire such knowledge (which can be acquired by convergent teaching). Hence, convergent and divergent teaching strategies are both needed and the challenging question is how to find the balance between them within the complexity of the process of teaching and learning. It is likely that the two approaches may increasingly become not mutually exclusive but interrelated and interdependent.

An important development is the growing awareness that academic achievement could improve by adapting teaching to students individual differences. This awareness is finding its most distinct expression in the education system's attempts to deal with the issues of students with special needs. However, other aspects of adaptation to students' individual differences get far less attention.

In general, adaptation to individual differences under **convergent teaching** tends to be limited. The students are all expected to strive toward one goal of learning specified required knowledge; some may attain it and others may fall by the wayside or be given some remediation with limited results. Nevertheless, there are various possibilities of effective adaptation to individual differences under convergent teaching. In addition to adaptation in the rate of learning, where each student can be allowed to work at his/her own pace, there are many possibilities of adaptation through the use of diverse methods of teaching. Even when all the students are taught the same material, teachers can use different methods, different techniques or different media, to cater to individual differences in abilities and personality characteristics. Such a '**multi-convergent**' approach can be

more effective in giving the students opportunities to use their aptitudes and inclinations for learning and attaining higher achievements. As the students experience success and consequently a sense of competence, their motivation is enhanced to pursue further learning. Such an approach has a better potential for success than the common reality of students with learning difficulties, who often struggle through remediation with a sense of inadequacy and discouraging experiences of failure.

Adaptation to individual differences under **divergent teaching** may be expected to be productive because of its emphasis on student autonomous, active, self-reliant learning. Yet, there are students who may not function well under divergent conditions because of their strong need for guidance, direction, and structure. Divergent teaching can cater to such needs by individual guidance, along with ongoing assessment and subsequent modifications. This is a '**guided-divergent**' approach which is more structured and less flexible than the open divergent teaching but less narrow and limiting than convergent teaching.

Conclusion

There is no such thing as "the perfect teacher." Giving a homily on what "good teachers" do appears to be unhelpful and unrewarding to those who want to improve their own practices. A far more helpful approach seems to be the study of teachers' beliefs, which inform and shape their actions. Constructivism lies at the heart of this endeavor, as it offers valuable insights into the cognitive as well as affective aspects of the relationship between teachers and their self-images, and teachers and students. Teaching is not merely information or knowledge, but mainly an expression of values and attitudes. What teachers usually get back from their students is what they themselves have brought to the teaching-learning process.

Problems encountered required immediate reexamination of teaching fundamentals that expanded our grasp of methodologies useful in technology-mediated classrooms as well as traditional classrooms. We addressed a wider variety of learning styles in an effort to keep students' attention; utilization of such techniques has improved the teaching/learning process in non-technology mediated classes as well. The process of organizing and preparing for classes, accomplished in a more timely manner than when teaching in a traditional classroom, undoubtedly took more time but led to more smoothly running classes and more meaningful learning experiences.

Group work often appeared as a noisy, three-ring circus but objectives were achieved. Each week when class was over, we both felt exhausted because IVN requires intense concentration on the content and process of the course material as well as the technology. Room facilitators who managed the cameras and sound were helpful and pleasant. IVN trainers/support staff patiently explained the technology and helped anticipate problems. They did everything possible to smooth the way for the fearful and ameliorate problems for the frustrated. Our final assessment of IVN suggests, at the affective level, that our perception of IVN changed from apprehension to satisfaction. At the professional level, we believe students achieved course objectives through quality learning experiences; we grew as individuals and teachers. In parallel fashion, then, students and instructors experienced the transformative learning process.

References

Argyris, C. and Shon D. A. Theory in Practice. San Francisco: Jossey-Bass., 1974.- p. 156.

Argyris, C. and D. A. Schon. Perceptions of self-managed learning Opportunities and academic locus of control: a causal interpretation, Journal of Educational Psychology, 1978.70 (b), - p. 988-992.

Ashton-Warner, S. Teachers. 2nd edn. London: Virago. 1980. - p. 198.

Clark, C. and P. Peterson. Teachers?? thought processes. In M. Wittrock (Ed.) Handbook of Research on Teaching, New York: Macmillan. 1986. – p. 255-296.

Connelly, F. and D. Clandinin. Stories of experience and narrative inquiry. Educational Researcher, 1990.19(4), -p. 2-14.

Freire, P. Pedagogy of the Oppressed. New York: Continuum. 1970. - p. 134.

Gow, L. and D. Kember. Conceptions of teaching and their relationship to Student learning. British Journal of Educational Psychology, 1993. 63, -p. 20-33.

Louden, W. Collegiality, curriculum and educational change. Curriculum Journal, 1991. 2 (3), -p. 361-73.

Meighan, R. and J. Meighan. Alternative roles for learners with particular reference to learners as democratic explorers in teacher education courses. The School Field, 1990. 1(1), -p. 61-77.

Salmon, P. Psychology for Teachers: an alternative approach. London: Hutchinson. 1988. – p. 240.

Schon, D. A. The Reflective Practitioner: how professionals think in action. New York: Basic Books. 1983. – p.144.

Smyth, J. Teachers as Collaborative Learners. Milton Keynes: Open University Press. 1991. – p.120.

Аннотация

ЎҚИТИШ ВА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ

З.А. Каримова, Н.Ў.Ҳамидова

Мақолада ўқитишнинг замонавий технологияларидан бири компьютер технологияларининг инглиз тили дарсларида қўллашнинг мақсади, самараси ҳамда унинг қулайликлари ҳақида сўз борган. Таълим жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш юқори натижаларга эришиш ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Ўқитишнинг замонавий усуллари дейилганда кўпроқ таълимнинг инновацион технологиялари назарда тутилади. Ўқитишнинг янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштирмай ва жорий қилмай таълимнинг сифатини ошириш ҳамда юқори натижаларга эришиб бўлмайди.

Таянч сўзлар: ижобий натижалар, ижодий истеъдод, ижодий имконият маҳорат, технология, ахборот, ахборот асри.

Аннотация

ПРОЦЕСС ПРЕПОДАВАНИЯ И ОБУЧЕНИЯ

З.А.Каримова, Н.У.Хамидова

В данной статье рассматриваются процесс преподавания и обучения. Использование современных педагогических технологий приводит к повышению качества образования. Когда речь идёт о современных методах обучения, имеются в виду инновационные технологии. Не применяя современных педагогических а также компьютерные технологии, нельзя повысить уровень и качество образования.

Ключевые слова: положительные результаты, творческий талант, творческие возможности, мастерство, технология, информация, век информации.

Summary

THE TEACHING AND LEARNING PROCESS

Z.A. Karimova, N.U.Hamidova

The given article devoted to the teaching and learning process in English, intended for teachers of English as a foreign or second language who want to give their students opportunities to speak English more spontaneously and creatively. New technologies being introduced into education serve the increasing of the quality of the scholastic process and lead to positive results. All of these will be very useful for those who are interested in new technologies of the English lesson.

Key words: positive results, creative abilities, creative potential, skill, technology, information, information age.

УДК 372.854

МАРГАНЕЦ ВА УНИНГ БИРИКМАЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Н. Бийназова Ш.Тошбоева

Гулистон давлат университети

E-mail: tashbaeva@mail.ru

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонида ижтимоий соҳа, хусусан таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, таълим тизимининг узлуксизлигини янада такомиллаштириш мақсадида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш муҳим вазифа этиб белгиланган.

Бу ҳужжат миллий олий таълим тизимини жаҳон амалиёти билан уйғун ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини кескин оширишга хизмат қилади ва унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун ёш авлоднинг маънавий-аҳлоқий салоҳиятини, техник тафаккурининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш, таълим муассасаларида уни такомиллаштириб фанларни инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитишни тақозо этмоқда (Қосимова, 2017).

Тадқиқотнинг объекти ва қўлланиладиган методлар

Тадқиқотда марганец ва унинг бирикмалари мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг мазмун-моҳияти ва методик тизимини ишлаб чиқиш масалалари баён этилади. Тадқиқотда кузатиш, илмий-методик таҳлил ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги тараққиётимиз инновацион омилга, фаолиятга ва маданиятга боғлиқ. Айниқса, инновациялар таълим тизимидаги ислоҳотларни муваффақиятли ҳал этиш асосий омилдир. Инновациялар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Педагогик инновациялар самарали илмий-тадқиқотлар, тинимсиз изланишлар натижасида юзага келади. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади. Одатда дарс жараёнида танланаётган ҳар қандай усул хоҳ у анъанавий усул, хоҳ инновацион усул бўлсин, таълим олувчиларнинг ёши, эҳтиёжи, қабул қилиш даражасига асосланган ҳолда муайян мақсадга эришишга қаратилган фаолиятни ташкил этишнинг тартибга солинган, тизимлаштирилган йўллари йиғиндиси тушунилади. Бу эса ўқувчилар томонидан мавзунини тўлиқ ўзлаштириш имконини беради ҳамда ўқитувчи дарснинг мақсадига эришишда вақтдан оқилона ва унумли фойдалана олишга эришади. Инновацион услубларни ижобий ва самарали бўлиши учун, биринчидан, ўқитувчи ноанъанавий ва инновацион усулларни ҳамда таълим принципларини тўлиқ, мазмунан чуқур, мукаммал билиши, узвий ҳолда ташкиллаштира олиши лозим. Интерфаол методларда ўқитувчининг ўрни қисман ўқувчиларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади (Ишмуҳамедов ва б., 2010; Қўлдашева, 2016).

Замонавий педагогик технологияларни таълим тизимига татбиқ этиш, иқтисодий самара бериши билан бир қаторда, ўқув жараёнида янги ўқитиш услубларини қўллашга кенг имкониятлар очади Ҳозирги кунда педагогик инновацияларга яхлит мураккаб динамик жараён сифатида қаралиб, унинг интерфаол сифатлари, функционал тавсифи ва узвийлиги изчил тадқиқ қилинмоқда. Бундан кўзланган мақсад бўлажак мутахассисларни янгича шароитларда ишлашга тайёрлаш, олдинги эгаллаган билимлари асосида ижобий педагогик самараларни берувчи янгича ёндашув технологиясини, яъни инновацион таълим технологиясини яратиш ва жорий этишдан иборат (Холмаматова, 2007).

Кимё фанини ўқитишнинг ўз хусусиятлари бор. Олдинги мавзуни етарли даражада ўзлаштира олмаган ўқувчи кейинги мавзуларни ўрганишда қийналади. Ўрганилмаган мавзуларнинг кўпайиб бориши эса фанга эътиборсиз бўлишига, қизиқишининг сўнишига олиб келади. Синфда барча ўқувчиларнинг қобилияти бир хил эмаслигини эътибордан қочирмаслик муҳим. Ўқувчилар орасида ўзига хос рақобат борки, унга самимият бағишлаган ҳолда унумли тарзда фойдалана олиш ўқитувчининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзига ишониш туйғусини ривожлантириш, қўйилган мақсадга эриша олиш учун ирода ва меҳнат зарурлигини ўқувчи англай олишига кўмаклашиш керак. Бунга оддий воситалар билан эришиш жуда қийин (Чернобельская, 2002; Раҳматуллаев ва бош., 2013).

ДТС талаблари асосида “Ноорганик кимё” курсида ўтиладиган “Марганец гуруҳчаси элементлари” мавзуси бўйича талабалар элементларнинг даврий хоссалари, табиатда тарқалган муҳим бирикмалари, лаборатория ва саноат миқёсида олиниш усуллари, физикавий ва кимёвий хоссалари, халқ хўжалигида қўлланилиш соҳалари ҳақида билимларга, кимёвий жараёнларнинг тенгламаларини тузиш ва уларнинг моҳиятини айтиб бериш кўникмаларига эга бўлишлари лозим. Амалий ва лаборатория машғулотларида масалалар ечиш, лаборатория жиҳозларини йиғиш ва тажрибаларни мустақил ўтказиш малакаларига эга бўлишлари талаб этилади. Амалий ва семинар машғулотларида интерфаол методларни қўллаш яхши самара беради.

Масалан, марганец гуруҳчаси элементларининг даврий хоссалари, электрон тузилиши, олинишини “Б-Б-Б”технологияси, “Бумеранг” технологиясидан фойдаланиб, физикавий хоссаларни “Чархпалак”, “Стрелка”, “Венн диаграммаси” методлари асосида, бирикмаларини “Кластер”, “Идрок харитаси” методлари орқали, энг муҳим бирикмаларининг кимёвий хоссаларини ўқитишда ахборот–коммуникацион технологияларидан фойдаланилса, дарс самарадорлиги ва ўқувчиларнинг мавзуни ўзлаштириш даражаси ортади.

Марганец, технеций ва рений VII гуруҳ кўшимча гуруҳини ташкил этади. Бу гурухча элементларининг асоий хоссалари жадвалда келтирилган. Металларнинг атом радиуси марганецга караб камайган. Уларнинг электрон тузилиши $(n-i)d^5ns^2$ электрон конфигурацияга эга.

Рений ва технецийнинг ўхшаш хоссалари кўп. Шунинг учун марганец улардан фарк қилади. Марганец учун +2,+4,+7 оксидланиш даражасига эга бўлган бирикмалари баркарордир. Лекин +3,+5,+6

оксидланиш даражасига эга бўлган бирикмалари ҳам учрайди. Технеций ва ренийда +7 бирикмалар анча барқарор. Mn-Te-Re қаторида кимёвий фаоллик камаяди. Табиатда марганецнинг $_{25}{}^{55}Mn$ (100%) изотопи учрайди. Ренийнинг энг барқарор изотопи $_{75}{}^{185}Re$ (36,07%) ни ташкил этса, технецийнинг 15 та изотопи борлиги маълум. $_{43}{}^{99}Tc$ энг барқарор изотоп (ярим емирилиш даври $2*10^5$ йил).

Еттинчи ёнаки гуруҳча металларининг хоссалари

Элемент	$_{25}Mn$	$_{43}Tc$	$_{75}Re$
Табиий бирикмалари (қавсда – минерал-ларнинг номи)	MnO_2 (пиролюзит) Mn_3O_4 (гаусманит) Mn_2O_3 (браунит)	Уран рудаларида	Молибденли ва бошқа рудаларда $CuReS_4$(жезказганит)
Ранги: компакт ҳолда кукунсимон	Кумушсимон Оч-кулранг	Кумушсимон-кулранг	Кулранг-оқ қора
Табиий изотопларининг массалари (%)	55(100)	–	185(37,07) 187(62,93)
Зичлиги ρ*, г/см^3	7,44	11,487	21,03
Атомнинг ков. радиуси, нм	0,117	0,127	0,128
Атомнинг мет. радиуси, нм	0,132	0,136	0,137

Олиниш усуллари. 1. Марганецни 1774 йилда швед кимёгари К. Шееле очган. Тоза ҳолда марганецни биринчи бўлиб швед кимёгари Ю. Ганн пиролюзит MnO_2 минералини писта кўмири солинган тигелда қиздириб ажратиб олган. Mn эркин ҳолда – оксидлар ёки галогенидларни H_2, Na, Mg, Al, C ёки Si (*кремнийтермия*) билан термик қайтариш:

$$3Mn_3O_4 + 8Al \xrightarrow{t} 9Mn + 4Al_2O_3,$$

$$MnO_2 + Si \xrightarrow{t} Mn + SiO_2.$$

Тоза Mn – $MnSO_4$ нинг сувдали эритмасини электролиз қилиб олинади.

2. Tc-1937 йил сунъий йўл билан олинган, молибденни дейтронлар билан бомбардимон қилиш натижасида синтез килинган.

$$_{42}{}^{98}Mo + {}_1{}^2D \rightarrow {}_{43}{}^{99}Te + {}_0{}^1n$$

Tc бирикмалари атом энергетикаси чиқиндиларидан ажратилади. Tc эркин ҳолда – NH_4TcO_4 ёки Tc_2S_7 дан водород билан қайтариб олинади:

$$Tc_2S_7 + 7H_2 \xrightarrow{1100^\circ C} 2Tc + 7H_2S,$$

ёки ядро реакцияси ёрдамида олинади:

$$^{96}_{42}Mo + {}^2_1D \rightarrow {}^{97}_{43}Tc + {}^1_0n.$$

3. Эркин Re – калий перренатлар (аммоний перренатлар) ёки оксидларни водород билан қайтариб олинади:

$$2NH_4ReO_4 + 4H_2 \xrightarrow{1000^\circ C} 2Re + N_2 + 8H_2O,$$

$$Re_2O_7 + 7H_2 \xrightarrow{800^\circ C} 2Re + 7H_2O \text{ (Парпиев Н. ва б. 2003)}$$

Mn бирикмаларидан энг муҳими $KMnO_4$ - деярли кора рангдаги кристалл модда, сувда эриса қизғиш-пушти ранг ҳосил қилади. 200^{o}C да парчаланади. Бу реакция лабораторияда кислород олиш учун ишлатилади: $2KMnO_4=K_2MnO_4+MnO_2+O_2$

Техникада калий перманганат марганец (IV) оксидига KOH билан кислород кўшиб олинади: $4MnO_2 + 4KOH + 3O_2 = 4K_2MnO_4 + 2H_2O$

$3K_2MnO_4 + 2CO_2 = 2KMnO_4 + 2K_2CO_3 + MnO_2$

Техникада $KMnO_4$ органик моддаларни оксидловчи агент сифатида ишлатилади. Шунингдек жун, газламаларни оқартиришда ҳам ишлатилади. Перманганатлар билан оксидлаш шароитга қараб ҳар хил кетади:

$$MnO_4^-\ (пушти) \longrightarrow \begin{cases} \rightarrow & H^+ \rightarrow Mn^{2+}\ (рангсиз) \\ \rightarrow & H_2O \rightarrow MnO_2\ (қўнғир) \\ \rightarrow & OH^- \rightarrow MnO_4^{2-}\ (яшил) \end{cases}$$

Калий перманганатнинг оксидловчилик хоссалари:

$2KMnO_4 + 5Na_2SO_3 + 3H_2SO_4 = 2MnSO_4 + 5Na_2SO_4 + 3H_2O + K_2SO_4$

$2KMnO_4 + 3Na_2SO_3 + H_2O = 2MnO_2 + 3Na_2SO_4 + 2KOH$

$2KMnO_4 + Na_2SO_3 + 2KOH = 2K_2MnO_4 + Na_2SO_4 + H_2O$

Технеций ва рений учун (II) валентли бирикмалар учрамайди, MeO_2, $MeCl_4$, K_2MeO_3, K_2MeF_6 бирикмалари маълум. ReO_2 кора рангли, ReO_3 қизил рангли, Re_2O_7 – сариқ рангли. Энг баркарор оксиди рений (VII) оксиди ва перренат кислотаси ($HReO_4$). Технеций билан рений нитрат кислота таъсиридан уларнинг кислоталари ҳосил бўлади: $3Tc+7HNO_3=3HTcO_4+7NO+2H_2O$

$HMnO_4$-$HTcO_4$-$HReO_4$ каторида кислоталар кучи камаяди. MnO_4^- пушти-сиёх, TcO_4^- пушти, ReO_4^- рангсиз.

Марганец тирик организмлар учун зарур бўлган ҳаётий мухим 10 та биоген элементлардан бири ҳисобланади. Технеций биофосфанатлар билан бирга радио-изотопли тахлилда ишлатилади.

“Б-Б-Б”технологиясида талаба мазкур мавзу бўйича умумтаълим, академик лицей ва касб ҳунар коллежларида олган билимлари аосида жадвалнинг биринчи устунини тўлдиради. Иккинчи устунига ёдидан чиққан ёки яна нималар қизиқтириши ҳақида ёзади ва учинчи устун мавзуни якунловчи қисми сифатида талаба билиб олган, ўзлаштирган билимларига хулоса ясаб тўлдиради

Тушунчалар	Биламан	Билмоқчиман	Билиб олдим
Mn гуруҳчаси элементларининг атом тузилиши			
Табиатда таркалиши			
Олиниш усуллари			
Физик ва кимёвий хоссалари			
Аҳамияти			

“Блиц–ўйин” методи – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

БЛИЦ-СЎРОВ САВОЛЛАРИ

1. Mn (II) оксидловчи бўла оладими?
2. $HMnO_4$, H_2MnO_4, $Mn(OH)_4$, $Mn(OH)_3$, $Mn(OH)_2$ қаторда кислота хоссаси қандай ўзгаради?
3. Рений табиатда мустакил бирикма хосил кила оладими?
4. Mn – Tc – Re каторда электроманфийлик қандай ўзгаради?
5. MnO_4^{2-} ионига хос ранг?
6. Кайси элементнинг Pt ва W билан хосил килган котишмалари термопара ва юкори кучланишга чидамли электр лампалар тайёрлашда ишлатилади?
7. Тоза рений органик моддалар синтез килишда яхшигина ... хисобланади.
8. Лабораторияда перманганатлар кандай максадда ишлатилади?
9. $MnSO_4$ эритмасининг электролизида катод маҳсулоти нима? Анод маҳсулотичи?
10. Технеций табиий усулда олинганми?

“Тармоқлар” методи (Кластер) методи бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун ҳизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш, ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

Ҳар қандай усулни тўғридан тўғри қўллаш ҳамма вақт ҳам ижобий натижа бермайди. Усулнинг қўлланилишига талаба (ўқувчи) тайёр бўлиши керак. Бу йўналишда кимё фанини ўқитишнинг ўз хусусиятлари мавжудлиги, уни ўқитувчи билиши ва уларни дарсга тайёргарлик жараёнини ҳисобга олиши, янги мавзу ўрганилаётганда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни (салбий ва ижобий) олдиндан тасаввур (фараз) қила олиши жуда муҳим.



Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўқитувчи ўқувчиларнинг мавзулар юзасидан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш кўрсаткичларини, мониторингини доимо олиб бориш, таҳлил этиш, ўз-ўзини баҳолаш методлари, ўқувчининг дарсни қай даражада ўзлаштирганлигини турли тестлар ёрдамида аниқлаб бориши ҳамда унинг натижалари асосида ўз иш тажрибаларини бойитиб бориши, турли самарали услубларни ишлаб чиқиши керак бўлади. Бу эса инновацион таълим мазмунини тўғри тушуниб англаган ҳолда технологик жиҳатдан ижобий ёндашиши орқали педагогик жараёнларнинг тўғри ташкил этилишига олиб келади.

Адабиётлар рўйхати:

"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони //Халқ сўзи, 7.02.2017 й. №27
М.Қосимова. Таълим ва фанда ҳаракатлар стратегияси. "Маърифат" газетаси, 1.04.2017 й. №26.
Ishmuhamedov R.J, Abduqodirov A., Pardayev A. Tarbiyada innovatsion texnologiyalar (ta'lim muassasalari o'qituvchilari, tarbiyachilari, guruh rahbarlari uchun amaliy tavsiyalar). –T.: "Iste'dod", 2010. -140 b.
М.Қўлдашева. Ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни инновацион усуллар ёрдамида тўлдиришнинг ўзига хос жиҳатлари//Халқ таълими, 2016. №1. - 96-102-б.
Холмаматова Л. Кимё дарсларини янги педагогик технология асосида ташкил этиш. // Халқ таълими, 2007. №5 - 81-83 б.
Парпиев Н.А., Рахимов Ҳ.Р., Муфтахов А.Г. Анорганик кимё .-Тошкент, "Ўзбекистон", 2003.-504 б.
N.G.Rahmatullayev, H.T.Omonov, Sh.M.Mirkomilov. Kimyo o'qitish metodikasi.-T.: "Iqtisod-moliya", 2013.-320 b.
Чернобельская Г.М. Основы методики обучения химии. Учебник.- М., Просвешение, 2002 .- 255 с.

Аннотация

МАРГАНЕЦ ВА УНИНГ БИРИКМАЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Н. Бийназова Ш.Тошбоева

Мақолада марганец ва унинг бирикмалари мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг мазмун-моҳияти ва методик тизими ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: марганец, бирикма, ўқув жараёни, педагогик технология, метод, интерфаол методлар.

Аннотация

ПРЕИМУЩЕСТВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ МАТЕРИАЛОВ НА ТЕМУ МАРГАНЕЦ И ЕЕ СОЕДИНЕНИЯ

Н. Бийназова Ш.Тошбоева

В статье обсуждаются приимущества использования интерактивных методов в процессе обучения материалов темы марганец и ее соединения.

Ключевые слова: марганец, соединение, учебный процесс, педагогическая технология, метод, интерактивные методы.

Summary

ADVANTAGES OF THE USE OF INTERACTIVE METHODS IN THE STUDY OF MATERIALS ON THE THEME OF MANGANESE AND ITS COMPOUNDS

N.Biynazova, Sh. Toshboeva

The article discusses the advantages of using interactive methods in the process of teaching materials on the topic of manganese and its compounds.

Key words: manganese, compound, educational process, pedagogical technology, method, interactive methods.

УДК 581.52 : 582.739

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.А.Мухиддинова[*], Н.А.Истамова[**]

[*]Гулистон давлат университети, [**]Навоий давлат педагогика институти

E-mail: s-muxiddinova@umail.uz

Ўқув жараёнида замонавий инновацион технологиялар, жумладан, ҳамкорликда ўқитиш, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет ресурсларидан фойдаланиш, ўқитишда шахсга йўналтирган ёндашувни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Талабалар қобилиятлари, ўрганганлик даражаси, қизиқишларини ҳисобга олиб, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Чет тилларни ўқитишда компьютердан қуйидаги жараёнларда фойдаланилади: лексикани ўргатишда; талаффуз устида ишлашда; диалогик ва монологик сўзлашувларни ўргатишда; ёзувни ўргатишда; грамматик ҳодисаларни қайта кўриш ва таҳлил қилиш ва бошқалар.

Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бир қатор дидактик вазифаларни ечишга кўмаклашади: ўқиш кўникмалари шакилланади; ёзув малакалари такомиллашиб боради, талабаларнинг луғат захираси тўлдирилади, уларда чет тилини ўрганишга қизиқиш барқарорлашади. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялар дунёси бизнинг ҳаётимизда катта ўрин эгалламоқда. Улардан чет тили дарсларида фойдаланиш талабаларнинг билиш фаоллигини оширади, чет тилини ўрганишга рағбатлантиради, дунёқарашни кенгайтиради.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида чет тилларини ўрганишнинг коммуникатив ёндашув асосида шакиллантиришдан иборатдир. Коммуникатив ёндашув мулоқот қила олишга ўргатиш ва маданиятлараро ўзаро ҳаракат қила олиш қобилиятларини шакиллантиришни назарда тутади.

Татқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Жаҳон ахборот маконида фаолиятни муваффақиятли йўналтира олиш учун талаба ёшлар ахборот маданиятини эгаллашлари зарур бўлади. Интернет глобал тармоғи сайёрамизнинг ҳар қайси нуқтасида жойлашган талаба ва ўқитувчиларга ҳар қандай керакли ахборотни олишга имкон беради. Интернет ресурсларидан чет тилларини ўқитишда фойдаланишга йўналтириш алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқотда кузатиш, илмий-методик таҳлил ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва унинг муҳокамаси

Ахборот-коммуникация технологиялари ресурсларидан чет тилларни ўқитишда фойдаланишнинг асосий мазмуни ўқув дастурлар, қўлланмалар, тақдимотлар, тарқатма материаллар, лойиҳалар ва бошқаларни яратишдан иборат бўлади.

Ахборот-коммуникация технологиялари тизим сифатида ўз фойдаланувчиларига турфа хил ахборот ресурсларини таклиф этади. Базавий хизматлар мажмуи қуйидагилардан иборат бўлади (Полат,2003):

- электрон почта;
- телеконференция;
- видеоконференция;
- ахборотни чоп этиш;
- ахборот ресурсларига эга бўлиш;
- маълумотномали каталоглар;
- излаш тизимлари;
- тармоқ ичида суҳбатлашиш.

Ушбу ресурсладан Чет тили машғулотларида фаол фойдаланиш мумкин.

Коммуникатив ва маданий лаёқатлиликни эгаллашни муомала амалиётисиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам чет тили дарслари машғулотларида ахборот-коммуникация технологиялари ресурсларидан фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Ахборот-коммуникация технологияларининг асосий тизимларидан бири Интернет тизимидаги виртуал муҳит замон ва макон чегарасидан чиқишга имкон беради, ўз фойдаланувчиларига амалдаги суҳбатдошлари билан иккала томонни ҳам қизиқтирадиган долзарб мавзуларда аутентик муомала қилиш имкониятини яратиб беради (Полат, 2003). Бироқ шуни унитмаслик лозимки, Интернет ўқитишнинг фақатгина ёрдамчи техник воситаси бўлиб, оптимал натижаларга эришиш учун машғулот жараёнида ундан фойдаланишни савияли ташкил этиш зарур бўлади. Масалан, Интернет тармоғида чет тилларида гаплашувчилар билан суҳбатлашиш талабаларни жуда қизиқтиради. Бундай суҳбатларни дарсдан кейин факультатив машғулотларда ташкиллаштириш мумкин.

Чет тилларини ўқитишда коммуникатив йўналтирилганликка эришиш учун машғулотларда компьютер ёрдамида Word режимидаги матн муҳарриридан фойдаланиш мумкин. Бу муҳаррир матнли процессорлар синфидаги энг замонавий дастурлардан бири бўлиб, юзлаб операцияларни бажара олади. Унинг ёрдамида осонликча матн устида муҳим коммуникатив хатти – ҳаракатларни ва амалларни бажариш мумкин. Матнли процессордан турли машқларни яратиш, талабаларни ўрганилаётган тилда матнларни яратиш устида фаолиятини рағбатлантириш учун муҳим восита сифатида ҳам фойдаланса бўлади (Сысоев,2008).

Масалан, топшириқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- матнни теринг, унга ўзгартиришлар киритинг;
- матнни қисқартиринг, унда фақат энг муҳим ахборотни олинг;
- матндан фойдаланиб, берилган саволларга жавобларни топинг ва ажратиб кўрсатинг;
- матнни маъноли қисмларга ажратинг;
- гапларнинг тўғри, изчиллик тартибини тикланг;
- матнда тиниш белгилари, бош ҳарфлар, сўзлар ўртасида очиқ жойлар йўқ, матнни тикланг;
- пассив конструкцияларни топинг ва уларни курсивда ажратиб кўрсатинг ва ҳоказо.

Бундан ташқари, талабалар коммуникатив муҳим матнларни яратишади: табрикномалар, анкеталар, таржимаи ҳоллар, рефератлар, лойиҳалар ва бошқалар.

Чет тиллар ўқитувчилари ва чет тилларини эгаллаётган талабаларга ёрдам берувчи кўплаб компьютер дастурлари мавжуд. Ўрганувчи компьютер дастурлари анъанавий ўқитиш усулларига қараганда катта имкониятларга эга. Улар турли сўзлашиш фаолияти кўринишларини машқ қилишга, уларни турли комбинацияларга уйғунлаштиришга имкон беради, тилдаги ҳодисаларни англаб олишга кўмаклашиб, лингвистик қобилиятларни шакллантиради, коммуникатив вазиятларни яратишга ёрдам беради, тил ва сўзлашув ҳаракатларини автоматлаштиришга ҳамда талабалар мустақил ишларга индувидуал ёндашувнинг амалга оширилишини таъминлайди.

“Профессор Хиггинс” дастурининг “Грамматика” бўлимида иккита фасл мавжуд: назарий ва амалий. Талабалар билимини текширишда дастур унинг ютуқларини кўрсатиб, керак бўлганда кўмаклашади. Мазкур электрон дарсликдан чет тилини эгаллашда фойдаланиш тавсия этилади. Бу дарслик фонетик машқларни ўтказишда ҳам катта ёрдам беради. Товушлар, сўзлар, иборалар ва гаплар талабалар томонидан эшитиб (аудио) ва кўриб (визуал) қабул қилади. Талабалар компьютер экранида артикуляцион хатти – ҳаракатларни кузата олишади, тўғри талаффуз қилишни эшитиб ўрганишади. Талабаларнинг хотираларида тўғри намуналар сақланиб қолади. Мазкур дарсликда кўплаб грамматик

машқлар ҳам мавжуд. Компьютерда ишлаш жараёнида ҳар бир талаба саволни ўрганади, жавобни топишга керакли вақт сарфлайди (Коряковцева, 2002).

Компьютерда ишлашга қизиққан талабалар янги ахборот технологиялари воситаларига ўрганиб қолишади ва ўқув дастурларни, тақдимотларни, лойиҳаларни яратишда ҳам катта қизиқиш билан иштирок этишади. Бундай талабалар учун ўқитувчи фақат ишчи материални ташкил этиб, уларнинг интелектуал салоҳиятини такомиллаштириб боришга бўлган иштиёқларни қўллаб – қувватлаб туради. Иш жараёнида талабалар нафақат фойлаланувчилар учун керак бўлган асосий кўникмаларни эгаллашади, балки шу билан бирга, мустақил ишлаш кўникмаларни ҳам ривожлантира оладилар. Бундай машғулотлар, айниқса, маҳсулдор, қизиқарли ва замонавийдир.

Талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштиришнинг самарали воситаларидан бири – мустақил таълимий жараёнларда ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Компьютер талабаларнинг лисоний, билиш ва коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришга имкон берувчи восита бўлиб қолади. Айниқса, биринчи ва иккинчи курс талабалари компьютер дастурлари билан ишлашга жуда қизиқишади. Чет тили машғулотлари компьютер синфларида олиб борилганда, талабаларни электрон дарсликлар билан ишлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Интернетда инглиз ва рус тилидаги электрон дарсликлар жуда кўплаб топилади. Хуллас, фаолият турлари ва мавзуларнинг турли – туманлиги, қизиқарлилиги, улардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, компьютер топшириқларнинг ўқув дарсларига мос келиши талабаларда турли коммуникатив кўникмаларни самарали ривожлантиришга ёрдам беради.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, чет тили машғулотларида ҳар бир талаба чет тилидаги сўзлашувни эшитиш имкониятига эга бўлади. Сўзлашишга ўрганиш жараёнида ҳар бир талаба чет тилида ўз компьютери ёнидаги микрофонга шу тилда ибора ва гапларни айтиши мумкин. Ёзувни ўрганиш жараёнида эса, талабалар компьютерга киритилган кроссворд, чайинворд, сканвордларни ечиши, керакли сўзларни излаб топиши, турли ўйинли машқларни бажариши мумкин.

Интернетдаги ўйинлар товушли ва мусиқали бўлиб, талабалар бундай топшириқларни бажонидил бажаришади ва фаол иштирок этишади. Ҳатто заиф ва ўзлаштириши паст бўлган талабалар ҳам қизиқиб, ўз қобилиятларини ва кўникмаларини намаён қилишга уринади. Кичик гуруҳлар ўртасидаги рақобат ва мусобақа эса яхши натижаларга эришишга рағбатлантиради. Умуман олганда, чет тили машғулотларида ўқитишни ўйин шаклида олиб бориш имкониятлари жуда катта. Шунинг учун ҳам кўпчилик машҳур педагоглар ўқитиш жараёнида ўйинларнинг самарадорлигини таъкидлаб ўтишган. Ўйинлар ижобий натижага эришишга йўналтирилган бўлиб, бу эса ўқитиш сифатини оширишга кўмаклашади. Ўйинлар грамматик материални коммуникатив контексда ва жадвалларда мустаҳкамлаб олишга ёрдам беради. Машғулотларда ўйинлар фойдаланилса, талабаларда чет тилини ўрганишда фаол қизиқиш вужудга келади, улар билимларни эгаллашга интиладилар.

Бугунги кунда компьютер ўқитувчининг кундалик фаолиятида фойдаланиладиган асосий восита бўлиб қолмоқда. Компьютер ёрдамида календар – тематик режалар, рейтинг ишланмалар, ўқув ва ишчи дастурлари, тарқатма материаллар (карточкалар, жадваллар, чизмалар, тестлар), саволномалар, турли рўйхатлар, ишланмалар тайёрланади. Кўргазмали материал, лойиҳалар, ўқув – услубий мажмуалар, маъруза матнлари тайёрлашда ҳам компьютердан фойдаланилади. Бундан ташқари ўқитувчи компьютер ёрдамида ўқув жараёни мониторингини олиб бориши, талабаларнинг фан бўйича рейтинг натижаларини киритиши, тест натижаларини олиб бориш мумкин. Талабаларга лойиҳавий топшириқлар, тақдимотларни бажаришни уйга вазифа сифатида бериши мумкин.

Тақдимот ҳар қандай чиқишни (жавобни, илмий – ижодий иш, реферат ҳимояси) кўргазмали тарзда намойиш этишга ёрдам беради. Тақдимот – ўқув жараёнини ташкил этишдаги янги дидактик воситадир. Чет тили машғулотларида компьютерли тақдимотдан фойдаланишнинг бир нечта асосий шаклларини ажратиш мумкин:

- ўқув материалини кўрсатиш ва намойиш қилиш учун компьютерли тақдимот;
- талабалар мустақил ишлари натижаларини намойиш қилиш учун компьютерли тақдимот;
- билимларни текшириш учун компьютерли тақдимот (www.internetworldstats.com).

Ахборот-коммуникация технологиялари ўқитиш субъектида қизиқиш, мотивация, фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган, талабаларнинг интерфаоллиги, мустақиллигини кучайтиришга, талабаларда креативлик, ижтимоийлашувни ривожлантиришга хизмат қилади (Елизарова, 2001).

Талабалар турли лингвистик танловларда, олимпиадаларда, чет тили билимдонлари танловларида, қувноқлар ва зукколар тадбирларида, чет тилидаги слайдли тақдимотлар, рефератлар, лойиҳалар

танловларида иштирок этиш мумкин. Буларнинг барчаси талабаларда чет тилида маданиятлараро оғзаки ва ёзма нутқни, мулоқотни шакиллантириб, улар орасидан иқтидорларни танлаб олишга ёрдам беради. Бундан ташқари, талабалар ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгаллашади.

Ахборот-коммуникация технологиялар чет тилини ўргатишнинг ўқув мотивациясини кучайтиришга хизмат қилади ва талабалар олган билимларини такомиллаштиришга кўмаклашади. Ахборот-коммуникация технологиялар ўқитиш жараёнини интенсификациялаш, уни ташкиллаштиришнинг шакл ва услубларини такомиллаштирилган йўналтирилган бўлади.

Чет тили машғулотларида ахборот – коммуникация технологияларини кенг қўллаш услубларидан бири лоиҳавий ўқитишдир. Лойиҳа – бу муаммо, лойиҳалаш, ахборотни излаш, иш маҳсули, тақдимот босқичларидан иборат фаолият маҳсулидир. Бугунги кунда лойиҳавий фаолиятни ахборот технологиялари асосидаги лойиҳа кўп қиррали, самарали, истиқболлидир. Компьютерлар талабалар томонидан турли кўринишдаги – ахборотли, ўйинли, тадқиқот, ижодий лойиҳаларни бажаришда қўлланилади. Лойиҳаларни тайёрлаш учун Интернет имкониятларидан ҳам фойдаланилади. Машғулотларда компьютердан фойдаланиш талабаларни билим олишга қизиқтиради. Бу эса, тафаккурнинг ривожланиши билан бирга нутқ ва сўзлашувни ҳам ривожлантириб боради (Елизарова, 2001).

Бироқ, компьютерлар билан ишлашнинг айрим камчиликлари ҳам мавжуд. Компьютерлаштириш шароитида ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги, талабаларнинг бир – бирлари билан ўзаро мулоқот шароитлари ўзгаради. Ўқитишни эса ўқитувчи (яъни, ўргатувчи) нинг талабалар (яъни, ўрганувчилар) га тарбиявий таъсирсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Замонавий ахборот технологиялари талабаларни ўқув машғулотларига қизиқтирувчи дидактик воситалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ахборот технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келади. Компьютердан фойдаланишнинг аҳамияти шундаки, у ўқитувчилар касбий даражасини ҳам юксалтиради. Замонавий ахборот технологияларини ўз фаолиятида қўллаши натижасида ҳар бир ўқитувчи ўқув жараёнини, таълим тизимини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлади. Таълимга жорий қилинаётган замонавий ахборот технологиялари ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга хизмат қилади.

Хулоса

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш чет тили ўқитувчисини ижодий ишлашга олиб келади. Ижодий ишловчи ўқитувчи эса мустақил ишлайдиган талабаларнинг иқтидорини ўстиради. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш талабаларда чет тилини ўрганишга қизиқишини орттиради, уларда индувидуал, ижодий қобилиятларни шакиллантиради. Ҳар бир талаба ўқув жараёнида ўзининг ижодий салоҳиятини ўстириб, тадқиқотчилик, мустақил ишлаш қобилиятларини намоён қила олади.

Адабиётлар рўйхати:

Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования.-М.: 2003. С.70-78.

Елизарова Г.В. Культура и обучение иностранным языкам.-СПб: Союз, 2001. – 219 с.

Коряковцева Н.Ф. Современная методика организации самостоятельной работы изучающих иностранный язык. - М.:Аркти, 2002. С. 35-37.

Сысоев П.В., Евстигнеев М.Н. Современные учебные Интернет ресурсы в обучении иностранному языку.// Иностранные языки в школе.-2008.-№6. – С.14-15.

Аннотация

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.А.Мухиддинова, Н.А.Истамова

Мақолада замонавий ахборот коммуникацияон технологияларининг чет тилларни ўқитишдаги ва таълим сифатини оширишдаги ўрни ҳақида сўз боради. Чет тили дарсларида компьютер

технологияларини қўллаш тил ўрганувчиларнинг чет тилини ўрганишга бўлган қизиқишини ошириши, уларда индивидуал, ижодий ёндашувни шакллантириши муаллифлар томонидан кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўзлар: компьютер, сифат даражаси, ўқув жараёни, ахборот технологиялари, чет тили, мустақил таълим.

Аннотация

РОЛЬ КОМПЬЮТЕРНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА

С.А.Мухиддинова, Н.А.Истамова

В статье показано роль новых информационных технологий внедряемых в образование, которые служат повышению степени качества учебного процесса и приводят к положительным результатам. Использование информационно – коммуникационных технологий повышает интерес студентов к изучению иностранного языка, формирует у них индивидуальные, творческие способности, соответствующие умения и навыкам. Каждый студент в учебном процессе раскрывает свой творческий потенциал, креативные навыки и способности к самостоятельной работе.

Ключевые слова: компьютер, уровень качесвта, учебный процесс, информационные технологии, иностранный язык, самостоятельное образование.

Summary

THE ROLE OF COMPUTER TECHNOLOGY IN LEARNING FOREIGN LANGUAGE

S.A.Muxiddinova, N.A.Istamova

New information technologies being introduced into education serve the increasing of the quality of the scholastic process and lead to positive results. The use of the information – communication technologies raises students' interest to studying foreign languages, forms their individual, creative abilities and corresponding skills. Each student reveals his/her creative potential, skills and gifts for work on his/her own.

Key words: computer, level of quality, educational process, information technologies, foreign language, independent education.

Қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш технологиялари

УДК 633.853.52 : 651.53

СИРДАРЁДА ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН “ГЕНЕТИК-1” СОЯ НАВИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Х.К. Каршибаев
Гулистон давлат университети
E-mail: hkarshibaev_82@inbox.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 17 май куни Сирдарё фермерлари билан бўлган учрашувида ердан унумли фойдаланиш ва унинг унумдорлигини сақлаб қолиш, дехқончиликка янги технологияларни олиб кириш масалалари устида тўхталиб, сояни такрорий экин сифатида етиштиришга эътиборни алоҳида қаратди.

Ҳақиқатдан ҳам маданий дуккакли экинлар орасида ўзининг таркибида юқори миқдорда оқсил ва мой сақловчи соя ўсимлиги алоҳида ўринга эгадир. Ўсимлик оқсиллари ичида биргина соя оқсили ўзининг химиявий таркиби жихатида ҳайвон оқсилига ўхшайди. Соя донининг таркибида 40-52 % оқсил ва 22-27 % мой бўлиб, соя оқсилида инсон ва ҳайвон организми учун зарур бўлган жами аминокислоталар мавжуд (Петибская, 2004; Юлчиев ва бошқалар, 2014).

ФАО маълумотларига қараганда ер юзида соя 90 млн. гектардан ошиқроқ ерга экилади, унинг ўртача ҳосили 220 млн. тоннани ташкил этади. Аммо Ўзбекистонда сояни етиштириш, унинг юқори ҳосилли навларини яратиш ва районлаштиришга кам эътибор қаратилган эди. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан таклиф қилинган «Соя экинини етиштириш ва аҳолини соя ўсимлик мойига бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор лойиҳасида 2017—2021 йилларда соя ўсимлиги экиладиган майдонлар босқичма-босқич кўпайтириб борилиши, мазкур вақт давомида жами 92 266 гектар майдонга асосий, 40 557 гектар майдонга эса такрорий экин сифатида экилиши кўзда тутилган (www.norma.uz).

Таъкидлаш жойизки, соя навлари ниҳоятда кўп. Биргина Россия ўсимликшунослик институти Кубан тажриба станцияси соя коллекциясида 6500 дан ортиқ нав ва формалар мавжуд (Некрасов, 2004). Ўзбекистон Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида проф. М. Абзалов томонидан ташкил қилинган соя коллекциясида 150 яқин навлар сақланмоқда.

Сояда дуккакли ўсимликларга хос бўлган табиий азотли фиксация қилиш хусусияти мавжуд бўлиб, ўз вегетация даврида тупроқда ўртача 70-90 кг азотни тўплайди ва тупроқ унумдорлигини ошириш учун хизмат қилади (Белявская, 2013).

Маълумки, Республикамизда соя экиш 1930 йиллардан бошланган. 1960 йилларга келиб М. М. Сальтас, М. Когай, Т. Л. Югай, О.В. Буригина, К. Шоакрамов ва бошқалар соя бўйича ишлай бошладилар. 1970 йилларда махалий “Ўзбекистон-2” нави яратилди (Ёрматова, 1991).

1977 йилда Самарқанднинг “Боғистон”, Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида, Сурхандарё вилояти Термиз туманларида олиб борилган дастлабки тажирбалар соянинг бизнинг шароитимизда ҳам яхши ҳосил беришини кўрсатди.

1979 йилдан бошлаб Тошкент қишлоқ хўжалик институтида З. Умаров, А. Виноградов ва Х.Н. Атабоевалар ҳам соя ўсимлиги билан шуғирлана бошладилар. З. Умаров ўсимликнинг қатор ораси, экиш нормаси ва экиш муддати каби жараёнларни ўрганди. А. Виноградов ва Х. Н. Атабоевалар сояни маккажўхори, судан ўти ва бошқа ем-хашак ўсимликлари билан қўшиб экиш технологиясини ўргандилар.

Соя ўсимлиги Сирдарё шароитида дастлаб 1986-1988 йилларда Гулистон тумани хўжаликларида синаб кўрилди. Бунда асосий ҳаракат сояни маккажўхори билан аралаштириб экиб, кўк масса олиш ва чорвани юқори каллорияли озуқа билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга қаратилди (Ёрматова, 1991).

Сояни ғалла экинларидан кейин такрорий экин сифатида экиб кўриш масалалари ҳали тўлиқ ечимини топмаган.

Соя навлари ичидан Мирзачўл минтақасига мос, тезпишар, ғўза-ғалла алмашлаб экишда такрорий экин сифатида фойдаланиш мумкин бўлган соя навини аниқлаш, уни етиштиришнинг биологик ва технологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда соядан фойдаланиб тупроқ унумдорлигини кўтариш долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот объектлари ва методлари

Тадқиқот объектлари бўлиб соянинг "Рента", "Лада", "Ника", "Лидия" ва "Генетик-1" навлари олинди. Тажирба-синов ишлари Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани Ғаллакор ҳужалигида олиб борилди. Тажирба-синов ишлари олиб боришда ЎзПИТИ томонидан тайёрланган "Дала тажирбаларини ўтказиш услублари" (2007) ва Гулистон ДУ да нашр қилинган "Ўт ўсимликлар репродукция жараёнини ўрганишга оид методик кўрсатмалар" (2008) қўлланмаларидан фойдаланилди.

Соя уруғи буғдой йиғиштириб олингандан кейин 2-8 июл кунлари ҳайдалган майдонларга чигит экадиган сеялкада 4 см чуқурликда экилди. Уруғ экилгандан кейин қатор оралатиб уруғ суви қуйилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига, репродукция жараёнига ташқи муҳит омилларининг ва агротехник тадбирларнинг таъсирини ўрганиш ўта долзарб масала ҳисобланади, чунки ушбу таъсирлар маданий ўсимлик навининг ҳосилдорлигини кескин камайишига сабабчи бўлиши мумкин. Бу ўз навбатида ўсимликнинг биоэкологик хусусиятларини чуқур тадқиқ этиш масалалари билан узвий боғлиқдир.

Сўнгги йилларда Гулистон давлат университети олимлари томонидан 5Ф-18/1 – грант лойихаси доирасида бурчоқдошлар (*Fabaceae*) оиласига тегишли бўлган қатор турларининг, жумладан соянинг қатор навларининг Мирзачўл шароитида экобиологик хусусиятлари чуқур тадқиқ этилди.

Мирзачўлда соянинг "Амур-41", "Ўзбекистон-2", "Дўстлик", "Краснодар-10", "Тезпишар-5", "Волна" каби қатор навлари асосий экин сифатида синаб кўрилган. Кейинги йилларда юқори ҳосилли маҳаллий соя навлари сифатида "Орзу", "Генетик-1", "Сочилма" навлари тавсия этилмоқда (Абзалов, 2008; Атабаева ва бошқалар, 2011; 2014). Ҳалқаро ИКАРДО ташкилоти томонидан синаб кўриш учун "Рента", "Лада", "Ника", "Дельта", "Лидия" каби навлар таклиф қилинди. Ўсимликшунослик институти ва Ҳалқаро полизчилик маркази эса фермерларга экиш учун "Султон" ва "Универсал" навларини тавсия қилишмоқда (www.agriculture.uz).

2001-2006 йиллари Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани "Ғаллакор" жамоа хўжалигида хориждан келтирилган 4 та соя нави (Toury, Canton, Дельта, Вилана) ғалладан кейин такрорий экин сифатида экилиб ўстириб кўрилди (Қаршибаев, 2004). Назорат сифатида маҳаллий "Дўстлик" нави олинган эди. Ушбу навлар бизнинг шароитда вегетация давринг узоқлиги (130-155 кун), сувни кўп талаб қилиши, айрим йиллари донининг тўлиқ пишмай қолиши билан шароитга мос келмаслиги қайд этилди. Шу сабабли 2013-2016 йилларда соянинг Россиядан келтирилган бошқа навлари ("Рента", "Лада", "Ника", "Лидия") ва махаллий "Генетик -1" нави синаб курилди.

Экилган соя уруғлари навига қараб 6-11 кунда униб чиқди. Ўсимликлар вегетацияси то ноябр ойининг биринчи декадасигача давом этди. Синаб кўрилган навлар орасида "Генетик -1" ўзининг бирмунча тезпишарлиги ва ўртача шўрланишга чидамийлиги билан бошқа навлардан ажралиб туриши кузатилди.

А Б

1-расм.”Генетик 1 нави” : А- умумий кўриниш, Б-ўсимлик мевалаш даврида.

“Генетик -1” нави Ўз ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида яратилган бўлиб, ўсимлик бўйи 47-55 см ташкил қилади (1-расм). Ўсимлик поясида ўртача 9-10 та буғим шаклланиб, ҳар буғимда 2-7 та дуккак ҳосил бўлади. Ҳар дуккакда 1-3 та дон сақлайди (2-расм).

В Г

2-расм. “Генетик 1” нави: В-дуккаклар пишиш даврда, Г- дуккаги ва уруғи.

Тажирба синов ишлари олиб борилган йилларда “Генетик -1” навининг вегетация даври 92-104 кунни ташкил қилиб, Мирзачўл шароитида тўлиқ пишиб етилади, хориждан келтирилган навларда эса вегетация 96-108 кундан (Лада) - 128 – 136 кунгача (Рента) давом этиши кузатилди.

“Генетик -1” экилган хар гектардан тажирба синов йиллари 21-24 ц хосил олинди, хорижий навларда эса бу кўрсатгич 18-22 ц/га ни ташкил этди. Соя экилган майдонларда кейинги йили пахта ҳосили гектарига 3-4 ц юқори бўлганлиги қайд этилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Сирдарё шароитида ғўза-ғалла алмашлаб экишда такрорий экин сифатида синаб кўрилган соя навлари орасида “Генетик -1” нави вегетация даврининг нисбатан қисқалиги ва донини тўлиқ пишиб етилиши билан ажралиб туриши қайд этилди. Бу эса “Генетик -1” навидан Сирдарё шароитида такрорий экин сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

Абзалов М. Сорт сои “Генетик-1”.- Ташкент, 2008.- 5 с.

Атабаева Х.Н., Исроилов И.А., Умарова Н. Соя навларини етиштиришда экиш муддати ва меъёрини аниқлаб бериш ва ишлаб чиқишга жорий этиш. – Тошкент, 2011. – 4 б.

Атабаева Х.Н., Юлчиев Д., Рустамов Н. Соянинг “Орзу” навини ўтлоқи ботқоқ тупроқлар шароитида етиштириш //Агросаноат мажмуи тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари.- Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Тошкент, 2014.- Б. 48-50.

Ашурметов О.А., Каршибаев Х.К. Методические указания по изучению репродукции травянистых растений. - Гулистан, 2008.- 24 с.

Белявская Л. Соя будещего // Зерно, 2013.- С. 30-32.

Дала тажирбаларини ўтказиш услублари.- ЎзПИТИ, 2007.- 147 б.

Каршибоев Х.К. Сирдарё вилоятида дала экинларини етиштиришнинг илғор технологиялари. – Гулистон, 2004. – 24 б.

Некрасов А.Ю. Новые перспективные сорта сои мирового генофонда//Итоги исследований по сое за годы реформирования и направления НИР на 2005-2010 гг.- Краснодар, 2004.- С. 57-63.

Петибская В.С. Биохимические особенности пищевых сортов сои//Итоги исследований по сое за годы реформирования и направления НИР на 2005-2010 гг.- Краснодар, 2004.- С. 7-15.

Ёрматова Д. Е. Соя.-Т.: Меҳнат, 1991.- 96 б.

Юлчиев Д., Рустамов Н., Нуралиева Г. Соя ҳосилдорлигига фосфорли уғитлар таъсири //Агросаноат мажмуи тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари.- Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, 2014.- Б. 37-39.

http://www.norma.uz.

http://www.agriculture.uz.

Аннотация

СИРДАРЁДА ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН “ГЕНЕТИК 1” СОЯ НАВИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Х.К.Каршибаев

Мақола Сирдарё шароитида буғдойдан кейин такрорий экин сифатида ўстирилган соянинг “Генетик -1” навининг биоэкологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Соянинг ушбу нави синаб кўрилган бошқа навларга қараганда тезпишарлиги ва юқори ҳосил бериши билан фарқланиши қайд этилгин.

Таянч сўзлар: дуккаклилар, соя, “Генетик -1” нави, алмашлаб экиш, такрорий экин.

Аннотация

БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОРТА СОИ “ГЕНЕТИК-1” ПРИ ПОВТОРНОМ ПОСЕВЕ В УСЛОВИЯХ СЫРДАРЬИ

Х.К.Каршибаев

Статья посвящена к изучению сорта сои “Генетик -1” при повторном посеве после пищеницы в условиях Сырьдарьи. Это сорт отличается скороспелостью и высокоурожайностью от других изученных сортов сои.

Ключевые слова: бобовые, соя, сорт «Генетик-1», севооборот, повторный посев.

Summary

BIOECOLOGICAL FEATURES OF THE SOYA "GENETICIAN-1" IN THE REPEATED SOWING IN THE CONDITIONS OF SYRDARYA

H. Karshibaev

The article is devoted to the study of the soybean variety Genetik-1 after re-sowing after eating in the Syrdarya. This variety is characterized by precocity and high yield from other soybean varieties studied.

Key words: legumes, soybeans, variety "Genetic-1", crop rotation, re-sowing.

Ijtimoiy - iqtisodiy va siyosiy fanlar

УДК 372.81

KATTALAR UCHUN BOLALAR HAQIDA

Yo.A. Nurumbekova
Guliston davlat universiteti
E-mail: nurumbekova@inbox.uz.

Insonda muammo qanchalik ko'p bo'lsa, shunchalik tarbiya turi talab qilinadi. Bu pedagogik qonuniyat. Aksariyat hollarda bu qonuniyatga e'tibor berilmasligi bois, ko'plab muammolarga duch kelinadi. Ayniqsa kattalar, ota-onalar, o'qituvchi va murabbiylar bola muammosiga befarq qarashadi. To'g'risini aytganda bola muammosi hozirga qadar pedagogika va psixologiya fanlarida o'rganilmagan. Yoshi kattalar go'yo bolada muammo bo'lishi mumkin emasdek qarashadi. Shunga ko'ra kattalar uchun bolalar to'g'risida ma'lumot kerak. Muammoning sodir bo'lishiga qarab qaysi tarbiya turi yetakchi omil vazifasini o'tashini bilish lozim. Jumladan, ma'naviy-axloqiy, aqliy mehnat, nafosat va jismoniy tarbiya hamda ularning mazmun-mohiyatidan kelib chiqilgan jinsiy, ekologik, iqtisodiy, kasbiy va boshqa tarbiya turlari falsafadagi sabab va oqibat kategoriyasiga uyg'unlashtirilgan holda o'rganilishi, bu jarayonda oqibatni kutib o'tirmay masalaning mohiyatini sababdan qidirib topish maqsadga muvofiq.

Tadqiqotning ob'ekti va qo'llaniladigan metodlar

Pedagogika tarbiya to'g'risidagi, tarbiya san'ati haqidagi fan ekan, bugun nafaqat o'quvchi va talaba-yoshlar, balki fermer, muhandis, bog'bon, sartarosh, shifokor, soldat, ofitser, siyosiy rahbar,hamda aksariyat ota-onalar uchun ham tarbiya kerak. Ishlab chiqarish bo'ladimi, siyosatning turli sohalari bo'ladimi, ta'lim-tarbiya muassasalarimi qayerda bo'lishdan qatiy nazar rahbar bilimdon, yuksak ma'naviyatli, o'z-o'ziga va qo'l ostidagilarga talabchan, ayni paytda mehrli, hojatbaror bo'lsa, ishda unum bo'ladi. Bunday talablar rahbar (soha yo'nalishiga qarab) professiogrammasida aniq ko'rsatilgan. Tadqiqotda kuzatish, suhbat, ilmiy metodik tahlil, qiyoslash metodlaridan foydalanildi.

Olingan natijalar va ularning tahlili

Ta'kidlanganidek, rahbar mas'uliyatsiz, o'z-o'ziga talabchan bo'lish o'rniga liberal xarakterda bo'lsa, bunday joyda tartibsizliklar vujudga kela boshlaydi, tarbiyaviy ishlar bo'shashib ketganligi qayd etilib, evaziga rahbarning o'zi hayfsan yoki ogohlantirish oladi. Ushbu jarayonda turli muammolar sodir bo'lib uning oldi olinmasa, keskin chora-tadbirlar belgilanmasa, ravshanki, bunday rahbar ishdan olinadi, ya'ni egallab turgan lavozimidan ozod qilinadi. Yo'l qo'yilgan xatoliklarni isloh etish chora-tadbirlari belgilanadi (Karimov, 2008).

"Inson-inson", ya'ni inson bilan ishlanadigan soha borki, barchasida sog'lom tarbiyaviy muhit bo'lishi talab etiladi. Bu jarayonda yoshi katta, tajribali, hayotning achchiq-chuchugini tatib ko'rgan xodimlar uchun ham alohida mas'uliyat yuklatiladi. Ular yoshlar, yosh mutaxasislar uchun maslahatchi, ustoz bo'lish barovarida ibrat-namuna ko'rsata olishlari lozim. Albatta bu o'rinda yoshi katta insonlarni har jihatdan ibrat ko'rsatishlari barovarida yangi tashabbus va ijodiy fikr hamda g'oyalarni o'rtaga tashlab, jamoani yanada ahil bo'lishlarida, jamoaviylikda xislat ko'pligini amalda ko'rsatib kelayotganliklarining shohidi bo'lasiz. Shunga muvofiq yoshi ulug'larning izzat-hurmati milliy tarbiyamizda qadriyat darajasiga ko'tarilgan.

Ma'lumki, uzluksiz tarbiya tizimida bola tarbiyasi kattalar tarbiyasidan farq qiladi. Pedagogikada ko'rsatib o'tilgan tarbiyaning ko'p qirrali jarayon ekanligi, uni uzoq muddat davom etishi, ya'ni uzluksizligi, yaxlit va konsentretlik asosda amal qilishi, ikki tomonlama xususiyatga ega ekanligi, tarbiyada qarama-qarshiliklarning ko'pligi, ularni yengib o'tishda ijtimoiy faollik va ijobiy raqobatning zarurligidan tashqari, tarbiyani ta'limdan yana bir farq qiladigan jihati, hamma bir-biriga ta'lim bera olmasligida ko'rinadi. Ammo insonlar, ayniqsa, yoshi kattalar bir-birlariga tarbiyaviy ta'sir ko'rsata oladi. Yoshlar uchun ibratning bir yechimi ham mana shu jarayonda ko'zga tashlanadi. Shuning uchun san'atlar

ichida eng qiyin va murakkabi tarbiya san'ati xisoblanadi. Tarbiya jarayoni yillar davomida tajriba ortirib borishni taqozo etadi. Insonni qalbi bilan fikrlash tarzi va ular o'rtasidagi munosabat masalasi har qanday matematikaga oid masaladan yengil emas. Chunki qalb-tuyg'u bilan fikr-fikrlash har doim ham bir-biriga mos kelavermasligi mumkin.

Eng qizig'i bu jarayon aksariyat hollarda yosh tanlamaydi. Demak bu yerda qandaydir ochilmagan muammo mavjudki, bu alohida tatqiqot obyekti ko'rinishida o'rganilishi lozim.

Buyuk allomalarimizdan Abu-Nasir Farobiy tarbiyani bilimsiz, sezilarsiz (so'zsiz, imo-ishora, ibrat-namuna ko'rinishida) amalga oshgani ma'qulligini uqtirgan va ana shunday tarbiyaning ta'sirchanligini alohida ko'rsatib o'tgan.

Ba'zan "menga tarbiya kerak emas!", "menga aql o'rgatma!", "O'zim bilaman!", "men yosh bola emasman!" deguvchilarga duch kelasiz. Hatto ota-onasiga "bas qiling, nasihatlaringiz jonimga tegdi!" deb o'shqirguvchilar ham topiladi. Shuning uchun:

Kattalar uchun bolalar haqida;

Bolalar uchun bolalar haqida;

Kattalar uchun kattalar haqida alohida pedagogik mavzularning tub mohiyatini ilmiy-amaliy tahlil va tatbiq etish joiz hisoblanadi. Chunki fanda tadqiqot natijasi qayta-qayta olinib, uning ishonchligi asoslanadi, shuning uchun ham u fan. San'atda esa natija qaytarilmaydi, shuning uchun ham u san'at. Tarbiya san'atida aynan betakror shaxs tarbiyasi nazarda tutiladi (Abdukarimov, 2010).

Tarbiyaning tayyor retsepti yo'q. Ammo tarbiya jarayonini takomillashtirishga doir tavsiyalar ishlab chiqiladi. Tavsiyalar tadqiqot izlanishlari yoki uzoq muddatli hayotiy tajribalar o'laroq kuzatib boriladi va qay hollarda qanday yondoshish lozimligi ko'rsatiladi. Tadqiqotga oid olib borayotgan izlanishlarimiz, bolani birinchi galda ruhan va jismonan sog'lom o'sishi oila tarbiyasi bilan bog'liq ekanligini ko'rsatadi. Ota-onaning har jihatdan sog'lomligi bolaga beriladi. Shundan kelib chiqib, bolaning ijtimoiy shakllanishiga: oilaning tarkibi, ota-onaning yoshi, ma'lumoti, oila a'zolarining soni, oilaviy munosabatlar, moddiy ta'minot, ota-onaning, bir gap bilan aytganda yoshi kattalarning ma'naviy-axloqiy qiyofasi, madaniyati va diniy e'tiqodi bola tarbiyasiga tasiri kiradi.

Bundan tashqari to'liq, noto'liq va qayta tiklangan oilalarda bola tarbiyasi, uning himoyasi bir-biridan farq qiladi. Oilada bola tarbiyasida bobo va momolarning tarbiyaviy ta'sirini ham alohida inobatga olish lozim. Bobo-momolar "danagidan ham mag'zi shirin" naqliga amal qilishib, nabiralarni imkon qadar erkalatib, suyub tarbiyalashadi, mehr ila boshlarini silashadi. Ba'zi qattiqqo'l ota-onalardan cho'chigan bola imkon qadar bobo va momolariga talpinadi. Nima bo'lganda ham tarbiyada talab bir xil bo'lishiga erishish lozim. Qolaversa, bola tarbiyasida yetakchi kim ekanligi ham ahamiyatli. Ota yetakchi bo'lsa bola irodali, qo'rqmas, mehnatdan bo'yin tovlamaydigan bo'ladi. Ona yetakchi bolsa, bola bir oz yumshoq tabiatli bo'lishi kuzatilgan. Chunki "tipratikan yumshog'im" desa, "qora qo'ng'iz, oppog'im" degani kabi onalar mehr tarbiyasiga ko'proq suyanishadi.

Dunyo pedagogikasidan ma'lumki, oilada faqat ona, bog'chada bog'cha opa, maktabda muallima "tizimi" shakllansa, bolani yumshoq tabiat, bir muncha qizmijozroq bo'lib tarbiyalanishi o'z isbotini topgan. Bu jarayon yaxlit holda feminizatsiya deyilib, Sharq tarbiyasida kamdan kam kuzatiladi. Albatta bu hollar G'arb tarbiyasida ko'proq ko'zga tashlanadi. Umuminsoniy qadriyatlar nuqtaiy nazardan G'arbga xos ijobiy tarbiyalarning ko'pligi, ularni o'rganish va tarbiya amaliyotiga tatbiq etish lozimligini qayd etgan holda, ayrim "ommaviy manaviyat", "globallashuv", tezkor va ko'r-ko'rona taqlidlardan ehtiyot bo'lish milliy qadryatlarimiz asosidagi tarbiyamizning boy tajribalariga (an'ana, urf-odat, rasm-rusmlariga) suyanishimz lozim. G'arbona tarbiyaga Sharqona texnologiyaning kirib borayotganligini mamlakatimizga kelayotgan sayyohlar, turistlar, ilm-fan namoyondalarining fikr-mulohazalaridan ham bilsa bo'ladi.

To'g'ri, tarbiya-bu erkinlikni, mustaqillikni o'rganish sari intilish. Ammo bu bilan erkinlik va mustaqillikni o'z holiga tashlab qo'yish lozim degani emas. Bu jarayondagi ozgina befarqlik ko'ngilsizlik holatlarni keltirib chiqarishi mumkin. Shu ma'noda pedagogik yondashuv asosida bola tarbiyasini shartli ravishda besh qadam bilan o'lchash mumkin (Nurumbekova, 2012).

Birinchi qadam- bolaning tug'ulishi, yorug'likka, erkinlikka chiqishi, ona parvarishi.

Ikkinchi qadam- bolani beshikdan pastga tushishi, emaklashi, turli predmet va o'yinchoqlarga talpinishi, qiziqish bilan qarashi, qo'liga ushlashga va ko'proq og'ziga solishga harakat qilish (birinchi refleks-so'rish, onani emishdan kelib chiqib) va hokazo.

Ayni paytda mumkin emaslarning shakillanishi. Mumkin emaslar muammoli vaziyatlar hamda muammoning oldini olishga qaratiladi. Bolada: "o'zim!", "men" ning, ya'ni "ona-bola" muloqotining shakllanishi. Bolaning yurib ketishi, ota-ona va bola uchun ham go'yo kutilmagan yangilik hisoblanib, yoshga mos harakatlar sodir bo'la boshlaydi.

Uchinchi qadam- ancha ahamiyatli va ayni paytda o'ziga xos murakkab jarayonlarni qamrab oladi. Bu jarayon bolaning ikki yoshi va undan keyngi oylariga to'g'ri kelib, bolada so'zlarni erkin ayta olish, "ota", "ona", "aka", "opa", "xola" hatto ularning ismlari bilan ham chaqirish, och qolgani, chanqagani, biron joyini og'riganini qo'li bilan ko'rsatishi, "men", "meniki", "ber", "o'zim" kabi tuyg'uning paydo bo'lishi, yaxshi va yomonni, chiroyli va xunukni, ranglarni farqlash, gullar, qushlar va uy hayvonlarini nomi bilan aytishi, kiymlarini, ota-onasi va bobo-momolaring ust-boshlarini bilishi, turli xil rasmlarga tikilib o'zicha gapirishi, rasm chizishga intilishi, o'yinchoq hamda qo'g'irchoqlar bilan erkin o'ynashi, "muloqot"ga kirishishi, sakrashi, baqirishi, yugurishi, suv o'ynashga, cho'milishga qiziqishi, uyalish va tortinish hissining paydo bo'lishi kabilar dastlabki hayotiy ko'nikmalarga turtki bo'la oladi, ya'ni motivatsiya vazifasini o'taydi. Chunki birgina uyalish hissining shakllanishi ahloqiy tarbiyadan dalolatdir.

To'rtinchi qadam - bolani hovlidan ko'chaga chiqishi. Zinalardan erkin tushib va ko'tarilishi, bu jarayonda ba'zan qoqilib-surunib yiqilishi, ba'zi joylari lat yeyishi hamda o'zini o'zi ehtiyot qilishga intilishi, issiq, sovuq va qaynoq narsalardan, elektr va boshqa hatarlardan saqlanishni tushunib borishi asnosida turli mashg'ulotlarni yoshiga mos ravishda bajarishi. Bolani maktabgacha ta'limga jalb etilishi orqali muloqot maydonining kengayishi, o'yin faoliyati orqali aqliy rivojlanishi, assalomu aleykum, marhamat, rahmat va xayr ning mohiyatini anglashi va hokazo.

Beshinchi qadam - bolani o'yin faoliyati orqali maktabga kirib kelishi. Aqliy tarbiyaga e'tiborini kuchayishi. Yangi bilim, ko'nikma va malakalarni egallash davri. Turli kasb-hunarga qiziqishlarini ortishi kabilar. Bu o'rinda shuni ta'kidlash lozimki, ozmi-ko'pmi kattalarni pedagogik ma'lumotga ega bo'lishlari, bola faoliyati bilan yaqindan qiziqib borishlari lozim. Ota-onalar farzandlarini yaxshi inson bo'lishlarini orzu qilishadi. Yaxshi inson avvalo halol, pok, adolatli va mehnatsevar bo'ladi. Demak farzandi kim va qanday amal mavqeida bo'lishidan qat'iy nazar, chin inson bo'lishi lozim degani. Halol insonlar ayni paytda vatanparvar insonlar hamdir.

Ota-ona farzandini yaxshi tilaklar bilan ishga, o'qishga kuzatar ekan, yaxshi ishlab va yaxshi o'qib kelishini ham intizorlik bilan kutishadi. "Yaxshi keldingmi bolam?" deb kutib olishadi. Ba'zi ota-onalar "qayerda yuribsan? nega kech qolding?gapingga ishonmayman,"-deb do'q po'pisa bilan bolani qarshi olishadi. Bu jarayonda oilaviy sog'lom muhit buzulishi mumkin. Bolada o'z xonadoniga bo'lgan illiq tuyg'u so'na boshlaydi. Shuning uchun kattalar bilib-bilmay bolani noxaq jazolab qo'yadigan holatlar uchrab turadiki, bundan ehtiyot bo'lish kerak. Ayniqsa, ichkilikga ro'ju qoygan otalar farzand tarbiyasiga mas'uliyatsiz bo'lishadi. Bolalar oilada ruhan ezilib, siqilib katta bo'lishadi. Dilidagini tiliga chiqara olmay ezilishadi.

Inson vijdoni oldida qiynalsa, yoki o'zining vijdoni o'zini jazolay olsa, nohush ishlarga qo'l urilmaydi, or-nomus shakllanadi, inson irodali, o'z-o'ziga talabchan bo'ladi. Bilaks, vijdonsiz inson irodasiz ham bo'ladi. Bunday oilada o'sayotgan bola otasi yoki onasining qilmishlarini ko'rib azoblanadi. Ayniqsa, o'rtoqlari va sinfdoshlari "Seni otang ichuvchi!" yoki "Sening otang yomon odam!" deyishidan or qilishadi. Bu o'rinda oila va maktabning yaqin hamkorligi, ayniqsa, tarbiyachilarning bolajonligi, mehrli bo'lishi talab etiladi.

Barcha o'qituvchi-murabbiylar ham bola haqida to'liq ma'lumotga ega deb ayta olmaymiz. Bu o'rinda o'qituvchi-murabbiylarning bola qalbiga yo'l topishi, uning muammoli tomonlarini ko'ra olishlari lozim. Bolani tinglash, u bilan do'stona munosabatga kirishish, o'zaro ishonch tuyg'usini shakllantiradi. Buning uchun ustoz-murabbiylar o'z kasbiga sadoqatli bo'lishlari lozim.

O'qituvchi-murabbiylar o'rtasida o'tkazgan sotsiologik so'rovnomaga ko'ra oltmish uch foiz o'qituvchi-murabbiylar "Agar menga qaytadan kasb tanlash imkoni tug'ulganda yana albatta o'qituvchi-murabbiylik kasbini tanlagan bo'lar edim",-deb ko'rsatishgan. Yigirma to'rt foiz o'qituvchi-murabbiylar

bevosita kasbga aloqador bo'lmagan ishlar, majlis va qogoz bilan ishlashning ko'payib borayotganini qayd etishgan. O'n uch foiz o'qituvchi-murabbiylar (ayniqsa yosh o'qituvchilar) imkon bo'lsa boshqa ishga o'tib ketish istagi yo'q emasligini bildirishgan (Xaliqov, 2011).

Har qanday o'qituvchi ayni paytda o'quvchi hamdir. O'qituvchi o'z ustida ishlamasa, izlanmasa, o'zining yangi bilim va dunyo qarashini boyitib bormasa, ichi bo'sh ko'zaga o'xshab qolishi muqarrar.

Buyuk nemis pedagogi Adolf Disterverg o'qituvchining muntazam ravishda fan bilan shug'ullanishi haqida gapirib, shunday degan edi: "O'qituvchi muntazam ravishda fan bilan shug'ullanmog'i lozim. Aks holda u qurigan daraxt va toshga o'xshab qoladi. Qurigan daraxt va tosh meva bera olmaganidek, kelajakda bunday o'qituvchidan hech qanday natija kutib bo'lmaydi. Hozirgi zamon fan va texnikasi jadal ravishda rivojlanayotgan, zamonaviy axborot texnologiyalarining salmog'i keskin oshayotgan bir davrda o'qituvchi o'z ustida ishlashi va zamon bilan hamnafas yashashi muhim ahamiyat kasb etadi. Agar, ilgari fanning biror sohasida ro'y berayotgan yirik kashfiyot qariyb o'n besh yillik samarali va kishi zo'rg'a ishonadigan voqea hisoblangan bo'lsa, hozir har yili, hatto har oyda fan, texnika sohasida yangi kashfiyotlar yaratilmoqda, bilimlarning ilgari noma'lum bo'lgan yangi yo'nalishlari maydonga kelmoqda. Kishilarda bilimga bo'lgan intilish beqiyos darajada o'sib borayotir. Shuning uchun hozir kunda o'qituvchi faqat o'z fani bo'yicha emas, balki o'z faniga yaqin bo'lgan sohalardagi yangiliklarni bilishi talab etiladi. Bizga ma'lumki, ilg'or jamiyat fuqarosining, xususan o'qituvchining ma'naviy boyligi uning keng dunyoqarashi, teran fikrlash layoqati, savodxonligi, yuksak insoniy fazilatlarga boyligi bilan baholanadi. «Barcha illatlarning kelib chiqishi ilmsizlikdandir» degan edi yunon faylasufi Suqrot.

Shunday ekan, yosh avlodning yuksak bilim va tafakkur sohibi bo'lishi uchun barchamiz javobgarmiz. Bu javobgarlik ko'proq o'qituvchilar zimmasida. Shuning uchun o'qituvchi-murabbiy vaqt byudjetidan oqilona va samarali foydalanmog'i, asosiy faoliyatini yosh avlod tarbiyasiga sarflamog'i lozim. Oilada ota-ona, maktabda o'qituvchi-murabbiy bola haqida, uning ruhiy kechinmalari, muammolari, kelajak reja va orzulari haqida aniq ma'lumotga ega bo'lgan holda, lozim o'rinlarda bola faoliyatini rag'batlantirib borishlari kerak. Ana shunda bola haqida, uning ma'naviy olami, dunyoqarashi haqida kattalar aniq tasavvurga ega bo'lishadi. Tarbiyani san'at darajasida o'rganish, o'z olamiga ega bo'lgan betakror shaxslarni voyaga yetkazish mas'uliyatini yuklaydi.

Adabiyotlar ro'yxati:

Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-engilmas kuch. –T.: Ma'naviyat, 2008.
Abdukarimov H. Kasbiy pedagogik faoliyat. –T: Fan, 2010-152 b.
Nurumbekova Ya. Tarbiyachi kasb faoliyatida innovatsion texnologiyalar.- Ziyo, 2012.-70 b.
Xaliqov A. Pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma.- T.:2011.-302 b.

Annotatsiya

KATTALAR UCHUN BOLALAR HAQIDA

Yo.A. Nurumbekova

Ushbu maqolada kattalar bola haqida, uning ma'naviy olami, dunyoqarashi haqida aniq tasavvurga ega bo'lsagina bolani tinglash, u bilan do'stona munosabatga kirishish, o'zaro ishonch tuyg'usini shakllantirish mumkinligi yoritilgan.

Tayanch so'zlar: bola, tarbiya, ibrat, yoshlar, ota-ona, murabbiy, ustoz, o'qituvchi-tarbiyachi.

Аннотация

ВЗРОСЛЫМ О ДЕТЯХ

Ё.А. Нурумбекова

Эта статья посвящается взрослым о детях, их духовном мире, мировозрении,если только иметь точное представление о умении слушать ребенка, уметь сохранять дружеские отношения, можно сформировать чувства взаимопонимания.

Ключевые слова: ребенок, воспитание, подавать, пример, молодеж, родители, наставник, учитель, воспитатель.

Summary

ABOUT CHILDREN FOR THE OLDER PEOPLE

Yo. A. Nurumbekova

In this article the older people s thoughts about their child are expressed perfectly. If the people have their own world eiliv and imagination about children, then they older people will be able to create the relation of friend ship, able to imagine the mutual reliable feelings and hear children s every word.

Key words: a child, upbringing, an edifying, youth, parents, an educator, a teacher, teacher-educator.

MUNDARIJA

FIZIKA, MATEMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

Ғ.Б.Саматов. Суюқликлар хоссаларини ўрганишдаги изчиллик.....3
А.Ҳакимов, Ш.Шодиев, С.Х.Исликов. Эйлер теоремасининг баъзи татбиқлари.....5
Д.Э.Тоштемиров, К.Мамадалиев, А.А.Худойбердиев. Функцияларнинг графикларини ясашда Microsoft Excel дастурининг имкониятларидан фойдаланиш.....7

KIMYO VA KIMYOVIY TEXNOLOGIYA

R.Sh.Berdiqulov. Kimyoviy deduksiya – kimyoviy tafakkur omili.....13
Ш.Ташбаева. Полиакрилонитрил тола ва этилендиамин асосидаги модификацияланган сорбентларнинг аналитик қўлланилиши.....19

BIOLOGIYA VA EKOLOGIYA

А.Пазилов, Ф. Ғаибназарова. *PSEUDONAPAEUS MAYDANICA* (MOLLUSKA, GASTROPODA, PULMONATA, GEOPHILA) трематод - *TANAISIA ZARUDNYI* учун янги оралиқ хўжайин.....24
Б.А.Тилеумуратова. Қорақалпоғистондаги айрим доривор ўсимлик турларининг заҳиралари тўғрисида.....27
М.М. Махмудова. Ўзбекистон ғозпанжа турлари аниқлагичи.....30
Л.А.Ботирова. Зоминсув ҳавзаси шувоқзорлари.....33
Ф. Абдухаликов. Кон чиқиндилари рекультивациясида ўсимликлардан фойдаланиш муаммолари.....37

FILOLOGIYA

Ҳ. Ёдгоров, Ш. Қаюмова. Айрим ҳарбий терминларнинг этимологияси ҳақида.....41
С.С.Кулбаева, Х.Хужакелдиева. Таржима - рус тилини ўргатишда қўлланадиган самарали воситалар сифатида.....43
N.Kh.Kushiyeva, G.X.Bakiyeva. Ingliz tilini o'rgatish darslarida madaniyat mahoratining ahamiyati.....47
З.Тўйчиева. Терминлар синонимияси хусусида.....50
М. Тошбоев. Умумевропа тил билиш компетенцияларининг таълим сиёсатига таъсири.....52
Ф.Г.Шарипов. Сўзларнинг қўлланиш ўрни хусусида.....55

PEDAGOGIKA VA TA'LIM

Д. Б.Маматова. Самарадорлик асосида баҳолаш B1 даражадаги тил ўрганувчилар билимини бахолашнинг самарали усули сифатида.....58
М. Баракаев, А.Хуррамов. Математикани ўқитишда "Аналогия" методидан фойдаланиш имкониятлари.....62
С.Юлдашева, Д.Ф.Нурмухамедова. Рус тили ва адабиётини ўқитишнинг инновацион методлари.....66
З.А.Каримова, Н.Ў.Ҳамидова. Ўқитиш ва таълим жараёни.....70
Н. Бийназова Ш.Тошбоева. Марганец ва унинг бирикмалари мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг афзалликлари.....74
С.А.Мухиддинова, Н.А.Истамова. Чет тилларни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.....79

QISHLOQ XO'JALIGI VA ISHLAB CHIQARISH TEXNOLOGIYALARI

Х.К. Каршибаев. Сирдарёда шароитида такрорий экин сифатида экилган "Генетик-1" соя навининг биоэкологик хусусиятлари.....84

IJTIMOIY - IQTISODIY VA SIYOSIY FANLAR

Yo.A. Nurumbekova. Kattalar uchun bolalar haqida.....89

СОДЕРЖАНИЕ

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Г.Б.Саматов. Преемственность при изучении свойств жидкостей.....3
А.Хакимов, Ш.Шодиев, С.Х.Исликов. Некоторые применение теорема Эйлера.....5
Д.Э.Таштемиров, К.Мамадалиев, А.А.Худайбердиев. Применение возможностей приложении Microsoft Excel в создании графики функции.....7

ХИМИЯ И ХИМИЧЕСКАЯ ТЕХНОЛОГИЯ

Р.Ш.Бердикулов. Химическое дедукция – фактор химического мышлении.....13
Ш.Ташбаева. Аналитическое применение модифицированных сорбентов на основе полиакрильного волокна и этилендиамина.....19

БИОЛОГИЯ И ЭКОЛОГИЯ

А. Пазилов, Ф. Гаибназарова. *PSEUDONAPAEUS MAYDANICA* (MOLLUSKA, GASTROPODA, PULMONATA, GEOPHILA) новый промежуточный хозяин трематоды - *TANAISIA ZARUDNYI* 24
Б.А.Тилеумуратова. Ресурсоведческая характеристика некоторых видов лекарственных растений в Каракалпакстане.....27
М.М.Махмудова. Ключ для определения видов лапчатки в Узбекистане.....30
Л.А.Ботирова. Полынники бассейна реки Зааминсу.....33
Ф. Абдухаликов. Проблемы использования растений при рекультивации рудниковых отходов.....37

ФИЛОЛОГИЯ

Х.Ядгаров, Ш.Каюмова. Об этимологии некоторых военных терминов.....41
С.С.Кулбаева, Х.Хужакелдиева. Учебный перевод как эффективное средство в обучении русскому языку……..43
Н.Х.Кушиева, Г.Х.Бакиева. Значение методов обучения культуры народов в уроках обучения английского языка.....47
З.Туйчиева. О синономии терминов.....50
М. Тошбаев. Влияние общеевропейские компетенции владения иностранным языком на образовательную политику.....52
Ф.Г.Шарипов. О использовании слова.....55

ПЕДАГОГИКА И ОБРАЗОВАНИЕ

Д. Б.Маматова. Оценка основанная на производительности как эффективное средство оценки учащихся уровня B1.....58
М. Баракаев, А.Хуррамов. Возможности использования метода “Аналогии” при обучении математике.....62
С.Юлдашева, Д.Ф.Нурмухамедова. Инновационные методы преподавания русского языка и литературы.....66
З.А.Каримова, Н.У.Хамидова. Процесс преподавания и обучения.....70
Н. Бийназова Ш.Тошбоева. Преимущества использования интерактивных методов при обучении материалов на тему марганец и ее соединения……..74
С.А.Мухиддинова, Н.А.Истамова. Роль компьютерной технологии при обучении иностранного языка……..……79

СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО И ПРОИЗВОДСТВЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Х.К.Каршибаев. Биоэкологические особенности сорта сои “Генетик-1” при повторном посеве в условиях Сырдарьи.....84

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ НАУКИ

Ё.А. Нурумбекова. Взрослым о детях……88

CONTENTS

PHYSICS, MATHEMATICS AND INFORMATION TECHNOLOGY

G.B.Samatov. Continuity in studying the properties of liquids.....3
A.Khakimov, Sh.Shodiev, S.Kh.Islikov. On some applications of Euler's theorem.....5
D.E.Tashtemirov, K.Mamadaliev, A.A.Hudayberdiev. Using Microsoft Excel in creating the graphics of functions.....7

CHEMISTRY AND CHEMICAL TECHNOLOGY

R.Sh.Berdiqulov Chemical deduction is a factor in chemical thinking.....13
Sh.Tashbaeva. Analytical application of modified sorbents on the basis of polyacryl fiber and ethylenediamine.....19

BIOLOGY AND ECOLOGY

A.Pazilov, F.Gaibnazarova. *PSEUDONAPAEUS MAYDANICA* (MOLLUSKA, GASTROPODA, PULMONATA, GEOPHILA) a new intermediate host of trematodes - TANAISIA ZARUDNYI.....24
B.A.Tileumuratova. Resources of herbs in Karakalpakstan.....27
M.M.Maxmudova. The key for determination type sort of the potentillus in Uzbekistan.....30
L.A.Botirova. The wormwood river basin Zamin water.....33
F.Abduhalikov. The problems of used of plants recultivation for mineral waste.....37

PHILOLOGY

Kh.Yadgarov, Sh.Kayumova . On the etymology of some military terms……..…….41
S. Kulbaeva, H. Hujakeldieva. Pedagogical translation as an effective tool of teaching the Russian language.....43
N.Kh. Kushieva, G.X. Bakieva. Teaching cultural competence in English of foreign language lessons.....47
Z. Tuychieva. On the synonymy of terms.....50
M. Toshboev. Impact of the CEFR on educational policies.....52
Sharipov F.G. On using words.....55

PEDAGOGICS AND EDUCATION

D.B. Mamatova. A performance-based assessments an effective tool of evaluating B1 learners.....58
M. Barakaev, A. Hurramov. Opportunities of using the method of "analogy" in teaching mathematics.....62
S.Yuldasheva, D.F.Nurmuhamedova. Innovative methods of teaching Russian language and literature.....66
Z.A.Karimova, N.U.Hamidova. The teaching and learning process.....70
N.Biynazova, Sh. Toshboeva. Advantages of the use of interactive methods in the study of materials on the theme of manganese and its compounds.....74
S.A.Muxiddinova, N.A.Istamova. The role of computer technology in learning foreign language…..……79

AGRICULTURE AND PRODUCTION TECHNOLOGIES

H. Karshibaev. Bioecological features of the soya "Genetician-1" in the repeated sowing in the conditions of Syrdarya……..……84

SOCIAL – ECONOMICAL AND POLITICAL SCIENCES

Yo.A.Nurumbekova. About children for the older people……..……88

“Гулистон давлат университети ахборотномаси” (Университет ахборотномаси)
Илмий журнали муаллифлари диққатига!

1. “ГулДУ ахборотномаси” (Университет ахборотномаси) илмий журнали қуйидаги соҳаларга оид илмий мақолаларни ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этади: ***Физика, математика ва ахборот технологиялари; Кимё ва кимёвий технология; Биология и экология; Филология; Педагогика ва таълим; Қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш технологиялари; Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фанлар.***

2. Эълон қилинадиган мақолаларга бўлган асосий талаблар: ишнинг долзарблиги ва илмий янгилиги; мақоланинг ҳажми: адабиётлар рўйхати, чизма ва жадваллар инобатга олинган ҳолатда 7-8 бетгача; аннотация (5-7 қатор) ва калит сўзлар (5-8) ўзбек, инглиз ва рус тилларида келтирилади.

3. Мақолада УДК, номи, муаллифнинг Ф.И.О., ташкилот, муаллифнинг e-mail, кириш, тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар, олинган натижалар ва уларнинг таҳлили, хулоса, адабиётлар рўйхати (намунага қаранг) келтирилади. Мақолада кейинги 10-15 йилда эълон қилинган ишларга ҳавола қилиниши тавсия этилади.

4. Матн учун: Microsoft Word; Times New Roman, 12 шрифт, мақола номи бош ҳарфларда, интервал 1,5; абзац 1,0 см, устки ва пастки томон 2 см, чап томон 3 см, ўнгдан 1,5 см.

Намуна:

УДК 581.14: 582.79

АДИР МИНТАҚАСИ ШАРОИТИДА АЙРИМ АСТРАГАЛЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Х.Султанова*, И.Каримова**
*Гулистон давлат университети, **Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти
E-mail: Sultona_15@ mail.ru

Кириш. Муаммонинг долзарблиги шундаки, … Тадқиқотимизнинг мақсади…аниқлаш (ишлаб чиқиш, тавсия бериш, тасдиқлаш, баҳолаш, ечимини топиш, …). Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар... . Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили... . Хулосалар.

5. Адабиётлар, жадвал ва расмларга ҳаволалар думалоқ қавсларда келтирилади (1-жадвал), (2-расм). Жадвал ва расмлар матндан кейин берилиши лозим. Уларнинг умумий сони 3 тадан ошмаслиги керак.

6. Адабиётлар рўйхати амалдаги қоидаларга кўра алифбо бўйича келтирилади (намунага қаранг).

Китоблар: Муаллиф, номи, шаҳар, нашриёт, йил ва бетлар. *Намуна:* Иванов И.И. Лекарственные средства. М.:Медицина,1997. - 328 с.

Мақолалар: Муаллиф, мақола номи // Журнал номи, йил, №, бетлар. *Намуна:* Каримова С.К. Экология некторых растений адырной зоны// Узб. биол. журн., 2009. № 2. - С. 10-18.

Автореферatлар: Муаллиф, номи: Автореф. дис. … д-ра биол. наук. Шаҳар, йил, бетлар. *Намуна:* Ходжаев Д.Х. Влияние микроэлементов на урожайность хлопчатника: Автореф. дисс... д-ра биол. наук. Москва, 1995. - 35 с.

Тезислар: Муаллиф, номи // Тўплам номи, шаҳар, йил ва бетлар. *Намуна:* Каршибаев Х.К. Биоэкологические исследования видов янтака // Материалы Респуб. науч. конф. “Кормовые растения Узбекистана”. Гулистан, 2006. - С. 15-17.

7. Таҳририят физик ўлчовларни келтиришда халқаро тизим (СИ), биологик объектларни номлашда халқаро Кодекс номенклатурасидан фойдаланишни тавсия этади. Бутун сондан кейинги сонлар нуқта билан ажратилади (0.2).

8. Таҳририятга мақоланинг қоғоз ва электрон вариантлари топширилади. Мақоланинг қоғоз вариантида муаллифларнинг имзоси бўлиши шарт. Қўлёзмага иш бажарилган ташкилотнинг йўлланма хати, тасдиқланган экспертиза акти, тақризлар илова қилинади.

9. Журналда анжуман тезислари ва маърузалари чоп этилмайди. Эълон қилинган материалларнинг ҳаққонийлигига ва кўчирилмаганлигига шахсан муаллиф жавобгардир.

10. Таҳририят мақолага айрим кичик ўзгартиришларни киритиши мумкин. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан кўриб чиқилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 120100, Гулистон шаҳри, 4-мавзе, Гулистон давлат университети, Асосий бино, 2-қават, 204-хона.

Web site: www.guldu.uz,
E-mail: gulduvestnik@inbox.uz

Muharrirlar: X.Mavlonqulov, H.O‘razboyev

Terishga berildi: 2017 yil 21 iyun. Bosishga ruxsat etildi: 2017 yil 28 iyun.
Qog‘oz bichimi: 60x84, 1/8. F.A4. Shartli bosma tabog‘i 12,1. Adadi 200.
Buyurtma № ____. Bahosi k**e**lishilgan narxda.

“Universitet” bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: 120100, Guliston shahri, 4-mavze, Guliston davlat universiteti,
Bosh bino, 2-qavat, 204-xona. Tel.: (0 367) 225-41-76